

ЎЗБЕКИСТОН

ISSN 2181-502X

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХОЎЖАЛИГИ

№11. 2022

ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОНДА
ЭЛ АЗИЗ,
ИНСОН АЗИЗ.



Халқ розилиги —
фаолиятимиз мезонидир.

Ш.Мирзиёев



СОҲА ФИДОЙИСИНИНГ ИБРАТЛИ ЙЎЛИ



Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги нишонланган кунлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объеклари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг Жиззах вилояти инспектори Жўра Қораев учун қўшалоқ байрамга айланди. Давлатимиз раҳбарининг фармонида биноан мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун Ж.Қораев “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

— Ярим асрдан ортиқ муддатга чўзилган меҳнатим Президентимиз томонидан эътироф этилганидан мамнунман, — дейди Жўра ака, — Ушбу мукофотни битта ўзимга эмас, балки Жиззах вилояти сув хўжалигининг жуда катта ва кенг қўламдаги юмушларни амалга ошираётган, бугун ҳам тиним билмай меҳнат қилиб келаётган содиқ вакиллари меҳнатига берилган муносиб баҳо, деб биламан.

Ж.Қораевнинг узоқ йиллик меҳнат фаолиятига назар ташлаган инсон Жиззах воҳаси сув хўжалигининг яқин 50 йил ичидаги тарихига саёҳат қилгандек бўлади. Андижон пахтачилик институтини 1975 йилда тугатган норғул йигит, тўғри — ўша даврдаги шижоаткор ёшларнинг кўпчилиги қалб амри билан отланган ишга — Жиззах чўлини ўзлаштиришга йўл олди. Ўшанда — вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг ирригация ва мелиорация бўлимига уч ой синов муддат билан ишга қабул қилинган ёш мутахассиснинг бир умрга шу соҳада боғланиб қолишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз?!

Хуллас, шу кундан бошлаб, то бугунги кунга қадар Жўра Қораевнинг бутун ҳаёти, таъбир жоиз бўлса, “ўнги ҳам, туши ҳам” сувчилик, экиннинг “қони” ҳисобланган сувдан оқилонга фойдаланишдек савобли ва масъулиятли юмуш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Жўра ака, айниқса, Мустақиллик йилларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларга алоҳида эътибор қарата бошланганини мамнуният билан эслайди.

— 1998-99 йилларда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарларидан бири эдим, — дейди қаҳрамонимиз. — Ўша пайти вилоятимиз ҳокими бўлган Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳосилдорлиги пасайиб кетган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини тиклашга алоҳида эътибор қаратди. Хитойдан 30 та

замонавий экскаватор, дренаж ювиш механизмлари сотиб олинди. Биргина Арнасой туманидаги ишларни бажариш учун Қозоғистондан яна 20 та экскаватор ва бульдозерлар келтирилди. Иқтисодий аҳволи оғир хўжаликларга мелиорация тадбирларини амалга ошириш учун 60 миллион сўм (бу ўша пайти жуда катта маблағ) ажратилди.

Хуллас, ўша кунларда вилоятдаги ирригация-мелиорация иншоотларини талаб даражасига келтиришга жалб этилган 100 дан ортиқ экскаватор, 30 дан зиёд ёпиқ-ётиқ дренаж ювиш агрегатлари, бошқа техникаларнинг кучи билан амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, қисқа муддат ичида Мирзачўл, Арнасой, Зафаробод туманларида экинлардан мўл ҳосил олинди.

Жўра ака камтарин, камсукум инсон. Пенсияда бўлишига қарамасдан ўзи учун кадрдон бўлиб қолган иш билан шуғулланиб келаётгани, узоқ йилларда тўплаган тажрибаси, касбий кўникмаларини ёш мутахассислар билан баҳам кўраётгани ҳақида гапиргиси келмайди. Вахоланки, сўнгги уч-тўрт йил ичида айнан Жўра Қораев сингари тиниб-тинчимас, “қариб қуйилмаган” инсонларнинг меҳнати, маслаҳати, йўл-йўриқлари сабаб Жиззах вилоятида 3 минг 650 километрдан ортиқ ирригация иншоотларида қурилиш, тиклаш ва реконструкция ишлари якунига етказилди. 58 минг гектардан ортиқ ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу ерларнинг ҳосилдорлиги қарийб 10 центнерга кўтарилди.

...Президент фармонида кўра Жўра Қораевнинг “Дўстлик” ордени билан мукофотланиши Жиззах вилояти жамоатчилиги, биринчи галда аграр соҳа вакиллари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. “Соврин ўзининг ҳақиқий эгасини топибди!” деганлар кўп бўлди.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Сураатда: “Дўстлик” ордени соҳиби Жўра Қораев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚўШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳисобига аҳоли даромадини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни моддий ресурслар (хизматлар) билан узлуксиз таъминлаш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни қафолатли харид қилиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Боғдорчилик агентлиги) мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 12 ой муддатга, шу жумладан, 11 ойлик имтиёзли давр билан қўшимча 300 миллиард сўм бюджет ссудасини йиллик 10 фоиз ставкада ажратиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлигига қайтарилган маблағлар ҳисобидан йил давомида Боғдорчилик агентлигининг буюртманомалари асосида қўшимча бюджет ссудаси ажратиб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин. Бунда, ажратилган бюджет ссудаси бўйича қарздорликнинг жами суммаси **мазкур қарор доирасида 300 миллиард сўмдан ошиб кетмаслиги** кераклиги белгилаб қўйилсин.

2. Мазкур қарорнинг **1-бандида** белгиланган маблағлар **Боғдорчилик агентлиги томонидан тижорат банкларига ресурс сифатида йўналтирилган ҳолда,**

Боғдорчилик агентлигининг лойиҳа офислари раҳбарларининг ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчиларининг тавсиясига кўра:

қишлоқ хўжалиги корхоналарига – мева, узум, картошка, сабзавот, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинлар (кейинги ўринларда – қишлоқ хўжалиги экинлари) етиштиришга уруғлик, ўғит, ёқилғи, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш учун;

маҳсулотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчи корхоналарга – етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилишда талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилади.

Бунда:

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун кредитлар 150 миллион сўмгача **гаровсиз** берилади;

кредитлар бўйича фоиз тўловлари **йиллик 14 фоиз** (шундан 3 фоизи банк маржаси) миқдорида белгила-
ниб, кредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 12 ой муддатгача ажра-
тилади;

ажратиладиган кредит маблағларининг 50 фоизигача бўлган қисми қарз олувчи талабига асосан **нақд пулда** тақдим этилади;

ажратиладиган кредитлар бўйича Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари **гаров таъ-**

миноти сифатида қабул қилинади.

3. Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун** Боғдорчилик агентлигига зарур бўлган маблағларнинг олти ой олдин ажратиб борилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

а) кредит маблағларининг **қайтмаслик хатарини суғурта қилиш бўйича ёки ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш бўйича суғурта полиси** қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ажратиладиган кредитлар бўйича **гаров таъминоти сифатида қабул қилиниб,** кредитларни сўндиришга йўналтирилиши мумкин;

б) қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга **ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи** Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

Молия вазирлиги 2023 йил ва келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ҳосилни **суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаш** мақсадлари учун Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Боғдорчилик агентлиги директори **Х.Каримов,** Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер

эгалари кенгаши раиси **А.Ҳайтов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари:

жорий йилда қўшимча ажрати-
лаётган **20 минг** гектар ва 2023
йилда бериладиган **95 169** гектар
экин майдонларида етиштирилган
маҳсулотлар ҳисобидан импортни
қисқартиришга **шахсан масъул экан-
ликлари белгилаб қўйилсин**;

2022-2023 йилларда озиқ-овқат
маҳсулотлари етиштириладиган
майдонлар камида **300 минг** гектарга
еткизилишини таъминласин. Бунда,
озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш
учун мўлжалланган ерларга экинлар-
ни жойлаштириш Боғдорчилик агент-
лиги томонидан белгилаб берилади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
(А.Воитов), Ўзбекистон фермер,
деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши (А.Ҳайтов) ҳамда
Боғдорчилик агентлиги (Х.Каримов)
Қорақалпоғистон Республикаси Ва-
зирлар Кенгаши Раиси, вилоят,
туман (шаҳар) ҳокимлари билан
биргаликда:

ҳосилдор уруғ ва кўчат навларини,
ўғит ва ўсимликлар ҳимояси воси-
таларини жойларга етказиб, дала
ярмаркаларини ўтказиш ҳамда экин-
ларни ер майдонларида “бир контур
– бир маҳсулот” тамойили асосида
жойлаштириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини
кафолатли харид қилиш бўйича шар-
тномалар тузиш чораларини кўрсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
ҳузуридаги **Мультимедиа маркази
мева-сабзавотчилик соҳасида
амалга ошириладиган ислохотлар,
эришилаётган ютуқ ва натижа-
лар тўғрисида кенг жамоатчилик-
ни хабардор қилиш** мақсадида
қуйидаги вазифаларнинг амалга
оширилишини таъминласин:

медиа маҳсулотлар (ролик,
кўрсатув, репортаж, интервью ва
турли слайдлар) орқали **мева-саб-
завотчилик соҳасида фермер,
деҳқон хўжаликлари, томорқа ер**

**эгалари ҳамда аҳолининг билим ва
кўникмаларини ошириш**;

аҳолини қишлоқ хўжалиги соҳасида
тадбиркорликка қизиқтириш, ердан
ва ресурслардан унумли фойдала-
ниш орқали ўз **даромадини оши-
ришга ўргатувчи телекўрсатувлар
ташқил қилиш**;

**аҳолини қишлоқ хўжалиги
соҳасида рўй бераётган янгили-
клар, ижобий тажрибалар**, шу-
нингдек, озиқ-овқат маҳсулотларига
бўлаётган талаблар ва ўзгаришлар
тўғрисида кенг хабардор қилиш;
қишлоқ хўжалиги соҳасида
**жаҳондаги илғор тажрибаларни
республика ҳудудида оммалаш-
тириш**.

8. Бош Вазир ўринбосари
Ж.А.Ходжаев ҳамда қишлоқ хўжалиги
вазири А.Б.Воитов Экспортни қўллаб-
қувватлаш жамғармаси маблағлари
ҳисобидан **узум етиштирувчи
қишлоқ хўжалиги корхонала-
рининг айланма маблағларини
тўлдириш** учун Боғдорчилик ва
иссиқхона хўжалигини ривожланти-
риш жамғармасига 2 йил муддатга,
шу жумладан, 12 ойлик имтиёзли
давр билан 10 миллион АҚШ доллари
миқдорида йиллик 2 фоиз ставкада
маблағ ажратсин.

Бунда, узум етиштирувчи қишлоқ
хўжалиги корхоналарига маблағ
ажратиш шартлари Ташқи савдо,
инвестициялар, маҳаллий саноатни
ривожлантириш ва техник жиҳатдан
тартибга солиш масалалари бўйича
Ҳукумат комиссияси томонидан бел-
гиланади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар
ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги ва-
зирлиги (А.Воитов), Ўзбекистон фер-
мер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши (А.Ҳайтов) билан
биргаликда ҳар бир ҳудудда мазкур
қарорнинг мазмун-моҳиятини ту-
шунтириш бўйича тақдимотлар ва
семинарлар ўтказсин.

10. Ахборот ва оммавий комму-
никациялар агентлиги (А.Ходжаев),

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпа-
нияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Мил-
лий ахборот агентлиги (А.Қўчимов)
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
(А.Воитов) билан биргаликда **мазкур
қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда
мақсад ва вазифалари оммавий
ахборот воситаларида кенг ёрити-
лишини таъминласин**.

11. Ҳисоб палатаси (Б.Турабов)
Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат
молиявий назорати инспекцияси
билан биргаликда мазкур қарорда
назарда тутилган маблағларнинг ўз
вақтида ажратилиши ва мақсадли
сарфланиши устидан доимий назорат
ўрнатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси
Президентининг айрим қарорларига
иловага мувофиқ ўзгартириш ва
қўшимча киритилсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
манфаатдор вазирлик ва идоралар
билан биргаликда **икки ой муд-
датда** қонунчилик ҳужжатларига
ушбу қарордан келиб чиқадиган
ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида
Вазирлар Маҳкамасига таклифлар
киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини са-
марали ташқил қилишга масъул шах-
сий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги
вазири А.Б.Воитов, Боғдорчилик
агентлиги директори Х.М.Каримов,
Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркор-
ликни ривожлантириш агентлиги
директори М.М.Убайдуллаев ҳамда
Қорақалпоғистон Республикаси Ва-
зирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар
ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб
бориш, ижро учун масъул идоралар
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш Бош вазир ўринбосари
Ш.М.Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2022 йил 6 октябрь*

ҒАЛЛА ҚИШЛАЙДИ, ҒАЛЛАКОР ИШЛАЙДИ

келгуси йил ҳосили учун экилган бошоқли дон экинларини парваришлашда куз-қиш ойларида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Об-ҳавони куз-қиш ойларида қуруқ ва иссиқ келиши тупроқдаги намликнинг етарли бўлмаслигига олиб келади. Жорий йилда шундай ҳолат кузатилмоқда. Бундай иқлим шароитида кузги бугдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ерни экишга сифатли тайёрлаш, экиш муддат ва меъёрини навлар бўйича тўғри белгилаш, ғалла экилган майдонларда пешма-пеш суғориш ишларини тез ва сифатли ўтказиш ғалла майдонларида белгиланган миқдорда кўчат ҳосил қилинишини таъминлаш зарур.

Республикамызда 2023 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экиш учун ер тайёрлаш, экиш ишлари ўтган йилларга нисбатан жадал суръатларда олиб борилгани боис ғалла майдонларининг аксарият қисмида ниҳоллар тўла туплаган ҳолда, қишлоғга киришга улгуради.

Бошоқли дон экинларини тўлиқ ундириб олиш, қишлоғга туплаган ҳолда киришини ва унинг ривожланишини тезлаштириш ҳамда ғалладан мўл ва сифатли ҳосил олишга эришиш учун бугунги кунда мутахассислар, фермер хўжаликлари раҳбарлари қуйидаги агротехник тадбирларни амалга оширишлари лозим;

1. Бундай об-ҳаво шароитида ғалла экилган майдонларда намликни меъёрида сақлаш талаб этилади. Акс ҳолда ғалла ниҳоллари униб чиққан майдонларда ҳам тупроқда намликни етишмаслиги оқибатида қатқалоқ бўлиши, бугдой майдонларида ернинг ёрилиши, илдишларнинг узилиши натижасида биринчи навбатда ўсимликни тупроқдан озуқа моддалар ўзлаштириши ҳамда кўчат сонини камайиб кетишига ва ғалла ниҳолларининг нимжонлашишига олиб келади.

Шунинг учун ғалла экилган майдонларда намлик етишмаслиги оқибатида ернинг ёрилиб кетишига йўл қўймаслик, чекланган дала нам сиғимининг 60-60-70% бўлишини таъминлаш зарур.

2. Бунинг учун гектарига 700-800 м³ меъёрда суғориш ишларини амалга ошириш даркор.

3. Суғоришда сувдан тежамли фойдаланиш учун энг аввало сув йўларини тозалаш, сув манбаидан узоқда жойлашган ҳамда сув насослари билан суғориладиган майдонларга экилган ғаллани суғоришни биринчи навбатда

бошлаш керак.

4. Очиқ майдонга ва ғўза қатор орасига қуруқ тупроққа кеч экилган суғорилмаган ёки табиий намлик ҳисобига чала униб чиққан майдонларни қўллатмасдан енгил суғориш ишларини ташкил этиш лозим.

5. Кечроқ экилган, энди униб чиқаётган ғалла майдонларига гектарига 5 тоннадан чириган маҳаллий ўғитларни сепиш билан суғориш энг самарали усуллардан бири ҳисобланди.

6. Ҳаво ҳарорати 5°C ва ундан юқори бўлган ҳолатларда 1-2 барг фазасида ривожланаётган ғалла майдонларига айрим сабабларга кўра фосфорли ва калий ўғитлар берилмасдан экилган бўлса, ушбу майдонларга фосфорли (аммофос, НКФУ) калийли ҳамда 80-100 кг физик ҳолда азотли ўғитларни бериб суғориш ишларини амалга ошириш керак.

7. Бошоқли дон экинлари майсалари 3-4 барг фазасида ривожланаётган майдонларга ўсимликнинг туплатишини тезлатиш мақсадида гектарига физик ҳолда 100 кг азотли ўғитлар билан озиқлантириб, ва суғориш ишлари амалга оширилади.

Ғалла майсалари 1-2 тадан туплаган майдонларда ўсимликнинг ривожланишини тезлатиш учун физик ҳолда гектарига 150 кг азотли ўғитлар билан озиқлантириш ва шарбат усулида суғориш керак.

8. Ғалла ниҳоллар тўла униб чиқан майдонларга туплагунга қадар биостимуляторлардан Гео Гумат гектарига 1 литр, УзГуми гектарига 0,5 литр, Гумимакс гектарига 0,4 литр меъёрда суспензия сепишни ташкил этиш лозим.

9. Бошоқли дон экинлари эрта экилган 4-5 дон ва ундан ортиқ туплаган майдонларда азотли ўғитлар билан экил-

ганлигини ҳисобга олиб, ҳаво ҳарорати 5°C ва ундан юқори бўлганда ушбу ғалла майдонларига карбамид минерал ўғити гектарига 12 кг ҳисобида ҳамда таркибида гумин моддаси бўлган (Гео Гумат гектарига 1 литр, УзГуми гектарига 0,5 литр, Гумимакс гектарига 0,4 литр меъёрда) биоўғитлар билан суспензия тайёрлаб сепишни ташкил этиш даркор.

Ноябрь ойида бошоқли дон экинлари парвариши Республикамизда бу йилги куз-қиш ойларида иссиқ, қуруқ келиши ғаллачиликда бир қатор муҳим агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида самарали ва сифатли амалга ошириш тақозо этилади.

1. Бу йилги иқлим шароитидан келиб чиқиб суғориладиган деҳқончилик шароитида кузги буғдойдан юқори ҳосил етиштириш учун юқорида таъкидлаганимиздек тупроқдаги намликни меъёрида сақлаш талаб этилади.

2. Кўп йиллик кузатиш натижалари шуни кўрсатадики, куз ва қиш ойларида об-ҳавонинг қуруқ иссиқ келиши, ғалла майдонларида тупроқдаги намликни сақлаб қолиш ҳамда ғалла майсаларининг яхши ривожланиши учун ва қишда ҳавонинг кескин совуб кетишида совуққа чидамлилигини оширишда тез-тез енгил суғориш ишларини амалга ошириш тавсия этилади.

3. Бошоқли дон экинларининг эртаки навларини жуда эрта муддатларда экиб, ғалла майсаси бўйи 15-20 см. етган майдонларда, об-ҳаво шароитига қараб ноябрь ойи илиқ иссиқ келса, занг касаллиги ва ҳашоратларга қарши тавсия этилган фунгицид ҳамда инсектицидлар билан ишлаш талаб этилади.

4. Ёўза қатор орасига бошоқли дон экинлари экилган майдонлардаги ёўзапогани ер музлаган вақтида буғдой илдизига зарар етказмасдан ўриб олиш лозим.

Ушбу тадбир амалга оширилиши ғалла ниҳолларини совуққа, қишга чидамлилигини оширади

Кузги бошоқли дон экинларини декабрь ойида парвариши Бугунги кунда республикамизнинг турли минтақа тупроқ-иқлим шароитларида экилаётган аксарият бошоқли дон экинларининг маҳаллий ҳамда хорижий навларини потенциал ҳосилдорлик имконияти гектаридан 100-120 центнерни ташкил этади. Шунинг учун мутахассисларнинг асосий вазифаси кузги бошоқли дон экинларини куз, қиш ойларида тўғри ва ўз вақтида парвариш қилиш, ўсимликни ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларга чидамлилигини ошириш ва маҳсулдорлигининг юқори бўлишини таъминлашдан иборат.

Кузги бошоқли дон экинларини мақбул муддатидан айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра кеч экилган майдонларда ғалла тупламасдан 2-3 барг ҳолатда қишлоғга кириши ҳамда кеч экилган тўлиқ униб чиқмаган қоқоқ майдонларда ғаллачилик соҳасидаги масъул мутахассислар ва фермер хўжаликлар томонидан декабрь ойида энг муҳим

қуйидаги агротехник чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур.

1. Мақбул муддатидан эрта экилиб, ниҳоллар тўла унириб олинган майдонларда азот етишмаслиги ҳисобига ниҳолларни сарғайиб қолиши ҳолатлари кузатилади. Тупроқда азот етишмаслиги, захлатиб, катта меъёрларда бостириб суғориш,

ғаллани 2-3 йил давомида бир далага жойлаштириш оқибатида ушбу ҳолатлар юзага келиши мумкин. Буни бартараф этиш учун эрта муддатларда экилган майдонларда ғалланинг ҳолатига қараб гектарига 30-50 кг меъёрда таъсир этувчи модда ҳисобида ёки гектарига физик ҳолда 100-150 кгдан азотли ўғитлар билан озиқлантириш тавсия этилади.

2. Республикамизнинг суғориладиган ерларга экилган бошоқли дон экинларини ўсиш ва ривожланиш давларини аниқлаш мақсадида ғалла майдонларини доимий мониторингдан ўтказиб туриш зарур. (тўла туплаган, 3-4 барг, 1-2 барг ҳосил қилган, униб чиқмаган майдонларни аниқлаш).

3. Ёўзапогани олинмаган майдонларни зудлик билан ёўзапоганини ўриб олиш ёки техника ёрдамида майдалаш ишларини ташкил этиш керак.

4. Декабрь ойининг энг муҳим агротехник тадбирларидан яна бири ўртача 1 гектар майдонга 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғаришдир. Ҳар 5 гектар майдонга 1 тадан маҳаллий ўғитни шарбатга айлантириш учун хандаклар қазиб, далага чиқарилган маҳаллий ўғитларни хандакларга солиб устидан 5-10 см қалинликда кўмиб қўйиш лозим.

5. Шунингдек, аҳоли чорва ҳайвонлари томонидан ғаллазорларни пайҳон қилинишининг олдини олиш мақсадида четан тўсиқларни мавжудларни қайта таъмирлаш, қўшимча четан тўсиқлар ўрнатилиши ҳамда 20-30 гектар майдонга 1-2 тадан дала қоровуллари тайинлашлари зарур.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларни республикамизнинг ғаллачиликка ихтисослашган кластер ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ўз муддатида сифатли амалга оширилиши келгуси йилда ғалладан мўл ва сифатли дон ҳосил олишга замин яратади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,

қ.х.ф.д., профессор, РҲА академиги,

Иброҳим ХОШИМОВ,

қ.х.ф.д.,

Тоҳидин РАХИМОВ,

қ.х.ф.д.,

Илхомжон ЭГАМОВ,

Бошоқли дон экинлари етиштириш агротехникаси

бўлими бошлиғи, қ.х.ф.д.,

Насрулло ЮСУПОВ,

қ.х.ф.д.,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти.



ТЎҚСОНБОСТИ УСУЛИДА САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Ўзбекистоннинг иқлим шароитида экинлар – эртаки (эрта баҳордан), ўртаки ва такрорий (ёз ойларида), август ойида (пиёз, саримсоқпиёз), кузда (сабзаёт ва кўкатлар) ҳамда далаларни қор босиши олдида «тўқсонбости» усулида экилади.

Тўқсонбости усулининг қатор афзаллик томонлари бор. Ерлардан самарали фойдаланишни амалга ошириш, мавсумда икки ва уч марта ҳосил олишга эришиш ҳамда эрта муддатларда сабзаёт маҳсулотларини етиштириш мақсадида ҳар бир фермер, деҳқон ва томорқачилар экин майдонларининг асосий қисмини «тўқсонбости» усулида экишни режалаштириши керак.

Баҳорда об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Ҳар доим ҳам экиш ва уруғларнинг униши учун қулай шароит яратилавермайди. Қиш олдида экилган экинлар эса, об-ҳавога қараб қулай униб чиқиш даврини ўзи аниқлайди.

Бу усулда уруғларни экиш олдида экишга тайёрлаш каби катта меҳнат талаб қилинадиган тадбирлар амалга оширилмайди.

Тўқсонбости усулида экилиб мучаланган сабзаёт экинларининг уруғи қишги ёғинлар таъсирида аста-секин бўртиб, эрта кўкламда, ҳаво ҳароратининг паст бўлишига қарамай, уруғлардан майсалар тез ўсиб чиқади. Натижада, ушбу майсалар баҳорги қисқа муддатли совуқларга бардошли бўлиши билан бирга баҳорги экилганга қараганда 10-15 кун эрта пишади ва серҳосил бўлади. Айниқса, баҳор серёғин келиб, ерлар ишлов беришга етилмай, экиш муддати чўзилиб кетган йилларида бу янада аҳамиятли ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам баҳорда катта майдонларга экин экиш керак бўлган даврдаги энг қимматли вақтингиз тежаласин.

Тўқсонбости усулида совуққа чидамли сабзаёт экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, кўкат сабзаётлар (исмалоқ, укроп, петрушка, сельдерей, кашнич, салат, руккола) етиштирилади.

Сабзини тўқсонбости усулида асосан илдизмеваси қизил рангли маҳаллий «Зийнатли», «Фаровон» ёки хорижнинг Шантане-2461, Курода Шантанэ, Нантская-4, Канада ва Карсон каби нав ва дурагайлари экилади. Республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда сабзи уруғини тўқсонбости усулида: жанубий

вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябр – 1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади.

Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг ни ташкил этиб, сабзи уруғлари 1,5-2 см чуқурликка 52×8 ва 62×8 см схемада ёки қўлда сочиб экилади. Тўқсонбости усулида сабзи уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.



Бегона ўтларни йўқотиш учун гербицидлардан фойдаланилади. Бир йиллик ўтларга қарши, экишдан олдин гектарига Гезагард-50 ёки Прометрин препаратини ҳар гектарига 2-3 кгдан бегона ўтлар уруғи ердан унгунга қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда; Фюзилад Супер 12,5% препаратини гектарига 1-2 кг ҳисобидан бегона ўтлар уруғи 2-4 та барг чиқарган вақтида пуркалади.

Уруғ униб чиқишига қишда ва баҳорда ёққан ёғингарчилик миқдори етарли ҳисобланади. Айрим, яъни кўкламда ёғингарчилик кам келган йиллардагина уруғнинг униб чиқишини тезлаштириш мақсадида уруғ суви берилади.

Пиёзни тўқсонбости муддатда экиш учун маҳаллий «Баҳорой», «Ҳамал», «Истиқбол», «Зафар», хорижнинг «Манас», Дайтона, Леоне ва Банко навлари тавсия этилади. Ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган



ҳолда пиёз уруғи тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрь, марказий вилоятларда 15 ноябр – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябр – 1 декабрь кунлари экиш керак.

Ҳар бир гектарга пиёз уруғи 18 кг гача сарфланади. Пиёз ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см дан олиб 3-4 қаторли усулда ёки қўлда сочиб экилади. Уруғлар ерга 1,5-2 см чуқурликка кўмилади. Пиёз уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Ош лавлагининг маҳаллий «Диёр» ва «Ягона» ҳамда хорижнинг Бордо-237, Бикорес, Боро F₁, Детройт ва Пабло F₁ дурагайлари уруғлари тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабр, марказий вилоятларда 15 ноябр – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябр – 1 декабрь кунлари экиш лозим қилинади.



Ош лавлаги тўқсонбости усулида экилганда уруғ сарфи 16-18 кг ни ташкил қилиб, экишда эгatlари 60-70 см бўлиб, 2-3 қаторли, ўсимлик оралари 8-10 см ва 2-3 см уруғлар чуқурликка экилади.

Ош лавлаги уруғи экилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда **исмалоқни** тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрь, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади.

Исмалоқ сабзавот сеялкалари билан қўшқаторлаб, ленталар ораси 50-60 см ва қаторлар орасини 15-20 см дан қилиб, гектари 15-20 кг уруғни 2-3 см чуқурликка экилади.

Исмалоқ 5-6 та барг чиқаргандан бошлаб кесилиб ёки юлиниб ҳосили бир неча марта йиғиштирилади.

Барг салат барги истеъмол қилинадиган бир йиллик ўсимликдир. Салатнинг маҳаллий “Кўк шох” ва хорижнинг Фиоретт, Конкорд F₁, Лагунас F₁, Левистро F₁ ва Саула F₁ навлари экиш учун тавсия этилади.

У совуққа чидамли ўсимлик. У 5°C паст ҳароратда ҳам оз бўлса-да ўсаверади.



Республика ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда баргли ва бош ўрайдиган салатлар тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабр, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабр кунлари экиш керак.

Майсалар баҳорда униб чиққандан 10-12 кун ўтгач биринчи марта, 2-3 ҳафта ўтгач иккинчи охирги марта яғана қилинади. Бунда барг салат тупларининг орасида 8-10 см, бошли салатда эса 12-15 см масофа қолдирилади.

Укропнинг маҳаллий “Ўзбекский-243” ва “Ором” ҳамда хорижнинг “Анет” навлари экилади. Республика ҳудудларининг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда укропни тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрь, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади.

Кўклигида ишлатиладиган укроп уруғи полларга қалин қилиб сепилиб, гектарига 20-25 кг уруғ сарфланади.

Укроп уруғи секин униб чиқади. Укроп



ўтоқ қилиш, ленталар орасини юмшатиш ва бостириб суғориш йўли билан парвариш қилинади.

Кўклигида ишлатиладиган укроп апрел ойидан бошлаб, бўйи 10-15 см га етганда ўриб олинади.

Кашничнинг “Орзу” ва “Янтарь” навлари районлашган бўлиб, совуққа чидамли бир йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғи ўсиши учун 5-6°C, кўкариб ҳосил яратиши учун 15-16°C ҳарорат керак.


Тўқсонбости усулда экилган кашничнинг ўсув даври 40-50 кун бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – март ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – апрел ойига тўғри келади.

Республика ҳудудларининг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда кашнични тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабр, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экишни тавсия қилинади.

Пол қилиб сепилганда гектарига 8-10 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади.

Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яғаналаш ва вақтида суғоришдан иборат.

Петрушканинг “Нилуфар”, “Сахарная” ва “Новас” навлари районлашган бўлиб, у совуққа чидамли икки йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади.



Республика ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда петрушкани тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрь, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экиш мумкин.

Пол қилиб сепилганда гектарига 3-4 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади.

Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яғаналаш ва вақтида суғоришдан иборат. Яхши парваришланганда гектаридан 10-12 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Руккола бир йиллик ўсимлик бўлиб, у майда қиррали узун барглاردан иборат.

Республикада рукколанинг хориждан келтирилаётган Грация ва Покер дурагайлари экиш учун тавсия этилади.

Ушбу экин ҳам совуққа чидамли ўсимлик. У 5°C паст ҳароратда ҳам ривожланади.

Республика ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда петрушкани тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабр, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экиш керак.



Руккола уруғи 15-20 см чуқур олинган полларга ёки лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб экилади. Бунда ленталар ораси 45-60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см қилинади. Бир гектар ерга 4-5 кг уруғ сарфланади.

Отқулоқ (шовул) илдиизи кўп йиллик ва бир йиллик, пояси ҳар йили ўсиб чиқадиган сабзавот. Сояда ҳам ўсаверадиган, совуққа чидамли ўсимлик. У 7-10°C гача совуққа бардошли бўлиб, уруғи 2-3°C ҳароратда кўкариб чиқади.

Республика ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда отқулоқни тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабр, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экиш керак.

Уруғ сарфи ва экиш схемаси. Отқулоқ уруғи лентасимон усулда қўш қаторлаб ёки 3 қатор қилиб сабзавот сеялкасида гектарига 3 кг уруғ сарфланиб экилади. Уруғи укроп сингари ҳам сепилади.



Отқулоқ яхши парвариш қилинганда гектаридан ўртача 12-15 тонна ҳосил беради.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.ф.д.,
Шарафиддин МАХАМАДАМИНОВ, к.и.х.,
СПЭВАКТИ.

КУЗГИ ШУДГОР – ЕРГА МАДОР

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда кузги шудгорлашнинг аҳамияти катта. Кузги шудгор фақат кузда бажарилади, уни олдиға ҳам, орқаға ҳам суриб бўлмайди. Ўз вақтида, чуқур ва сифатли ўтказилган шудгор келгуси йил ҳосилига пухта замин яратади, шўр ювиш, яхоб суви бериш, эрта баҳорда тупроқни экишга тайёрлаш ҳамда экиш каби агротехник тадбирларни самарали ўтказишга эришилади. Экилган уруғлар қийғос ундириб олинади ва ниҳоллар баравж ривожланиб, кўп ҳосил тўплайди ва барвақт пишиб етилади.

Кузги шудгорни сифатли ўтказиш учун ерлар ҳам, трактор ва плуглар ҳам ҳайдовга тайёрланиши, агрокластер ва фермер хўжаликларида бу тадбир тўғри ташкил этилиши лозим.



Ерларни тайёрлаш. Аввало, далалар ғўзапоя ва бошқа ўсимлик қолдиқларидан тозаланиши ёки улар майдаланиб далага сочиб юборилиши, суғориш ариқлари текисланиши ва тупроққа белгиланган миқдордаги маҳаллий ва минерал ўғитлар солиниши, кўп йиллик илдиэпояли бегона ўтлар(ажриқ, ғўмай)дан тўла тозаланиши ёки ўт босган жойларга гербицидлар сепилиши керак.

Ќўзапояларни юлишда КВ-4,0 ва КВ-3,6 юлгичлардан, уларни майдалаб далага сочиб юборишда эса ИСХ-2,4 ва ИСХ-3,6 каби майдалагичлардан фойдаланилади. Маҳаллий ўғитларни солишда РОУ-1, РТП-50У, минерал ўғитларни сепишда эса 1-РМГ-4Б, РМУ-1М, НРУ-0,5М машиналар ишлатилади.

Кўп йиллик илдиэпояли бегона ўт босган майдонлар ағдаргичлари олинган плуглар билан 18-20 см чуқурликда юмшатилади, тупроқ ичидаги ва юзасидаги илдиэлар чизел-култиватор ва бороналар билан йиғиб олиниб, дала ташқарисига чиқариб ташланади. Бегона ўтларга қарши гербицид эритмаси шудгорлашдан олдин ОВХ-600 ёки ВР-1 вентиляторли пуркагич ёрдамида сепилади, 10-12 кундан сўнг далалар икки ярусли плуглар билан 30-40 см ҳайдалади.

Майдонлар турли текислагичлар, грейдер пичоқлари, булдозер ва скреперлар ёрдамида тўрт бурчак шаклига келтирилади, дала четларидаги дўнглик ва пастликларни йўқотиш ҳисобига ерга ер қўшилади.

Далалар тупроғининг намлиги 16-18 фоиз атрофида бўлса, палахсалар яхши майдаланади, плуг тупроққа яхши ботади, унинг корпусларига ёпишмайди, ёнилғи сарфи камайд ва иш унуми ошади.

Кузги шудгорлаш муддати. Шудгорлаш эрта муддатларда бошланиб, совуқ тушиб ер музлагунча тугатилса, тупроқ қатлами яхши ағдарилади ва уваланади, ҳайдовнинг бир текис чуқурликда ўтказилишига эришилади. Ер музлаб сернам бўлиб қолса, кузги шудгорга қўйилган агротехник талаблар бажарилмай, тупроқ структураси бузилиб, экинлар ҳосилдорлиги кескин камайиб кетади.

Трактор ва плугларни ишга тайёрлаш ва сошлаш. Далаларни сифатли ва талаб даражасидаги чуқурликка шудгорлаш учун “Магнум 8940”, МХ-255, PUMA, Т7060, АХИОН

850 каби тракторлар ва ПД-4-45, ПНЯ-3+1-45, МР-2/3-45 икки ярусли ҳамда ЛД-100, ДАМ. Р-4+1-16, ДАМ. МР-5+1-16, ЕВРОПАЛ7, ЕВРОПАЛ8 чимқирқарли плугларидан фойдаланиш лозим бўлади.

Кузги шудгорлашда икки ярусли плугларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Уларни бошқа плуглардан асосий фарқи шундаки, биринчидан, улар қамраш кенлиги бир хил бўлган юқориги ва пастки ярус корпуслари билан жиҳозланган, иккинчидан эса юқориги ярус корпуслари томонидан ишлов берилаётган тупроқ палахсалари пастки ярус корпуслари томонидан ҳосил қилинган эгатлар тубига тўлиқ ағдарилади, пастки корпуслар томонидан ишлов берилаётган тупроқ палахсалари эса юқориги ярус корпуслари томонидан ағдарилган тупроқ палахсалари устига ағдарилади. Натижада бегона ўтлар, уларнинг уруғлари ва илдиэларини ҳамда ўсимлик қолдиқларининг тўлиқ ва чуқур кўмилишига, далаларни бегона ўт босишини 2-3 марта камайишига эришилади.

Далага чиқшдан олдин ҳар бир трактор ва плуг кўрикдан ўтказилади.

Плуглар текис майдончада кўрикдан ўтказилади ва уларда барча иш органларининг мавжудлиги, лемехлар тигларининг ўткирланганлиги ва майдонча юзасига параллелиги ҳамда унга бирдек тегиб туриши, корпусларнинг баландликлари, улар орасидаги масофаларнинг бир хиллиги ва дала тахталарининг ҳаракат йўналишига параллеллиги текшириб кўрилади. Бунда лемехнинг учи майдончадан кўпи билан 10 мм кўтарилиб туришига рухсат этилади.

Лемехларнинг шакли ва ўлчамлари андаза билан текширилади: бунда лемех тигининг узунлиги андаза ўлчамларидан 15 мм, елкасининг узунлиги 10 мм ва эни 5 мм гача катта ёки кичик бўлиши мумкин; ағдаргич ва лемехнинг дала томонидаги четлари битта тик текисликда ётиши лозим. Ағдаргич дала четининг юқориги нуқтаси эгат томонга кўпи билан 10 мм оғишига рухсат этилади. Лемехнинг ағдаргич билан туташган жойида кўпи билан 1 мм тирқиш бўлишига йўл қўйилади; шу жойда лемех ағдаргичдан кўпи билан 2 мм кўтарилиб туриши мумкин; ағдаргичнинг лемехдан кўтариб турилишига йўл қўйилмайди. Бу шартлар бажарилмасе корпусга тупроқ ёпишиб, плугнинг тортишга қаршилиги ошади ва иш сифати

ёмонлашади.

Икки ярусли плугларда уларнинг юқори ярус корпуслари пастки ярус корпусларига нисбатан 45-55 см олдинга ва 15-20 см чап томонига жойлаштирилиши даркор.

Чимқирқарли плугларда чимқирқарлар асосий корпуслардан 25-30 см олдинда туриши ва 10-12 см ҳайдаш чуқурлигига ўрнатилган бўлиши керак.

Шудгорлашда ҳайдаш чуқурлигини тўғри белгилаш ўта муҳим ҳисобланади. У тупроқ ва иқлим шароитига, тупроқнинг унумдорлигига, таркибига қараб табақалаштирилиши зарур. Ана шундагина шудгордан қутилган натижани олиш мумкин.

Унумдор оч бўз тупроқли далаларда ҳайдов чуқурлиги 35-40 см, ўтлоқ тупроқли ерларда 30-35 см бўлиши лозим. Дастлабки ярим метр чуқурликда гипсли қатламлар жойлашган ўтлоқ тупроқли ва кучли зичланган ерларда бу чуқурлик 30 сантиметрдан ошмаслиги лозим. Бундай далаларда шудгорлашдан кейин ерларни 40-50 см чуқурликкача ағдармасдан юмшатиш юқори самара беради. Гипсли қатламлар жойлашган ерларда чуқур ағдариб ҳайдаш зарар келтириши ҳам мумкин.

Ҳайдаш чуқурлигининг тагида тошлоқ ва қумлоқ қатламлар бўлган ерларда шудгор шундай қилиниши керакки, токи улар тупроқ юзасига чиқиб кетмасин.

Пахта ҳосилидан бўшаган пайкалларни ҳайдаш. Бундай пайкалларни ПД-4-45, ПНЯ-4/5-45 ва МР-2/3-45 каби икки ярусли плуглар билан ҳайдаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бунда солинган ўғитлар, ғўзапоя қолдиқлари, бегона ўтлар ва уларнинг уруғларини чуқур қўмилиши таъминланади. Натижада бегона ўтларнинг униб чиқиши 2-3 баробар камаяди, пахта ҳосилдорлиги гектарига 2-3 центнерга ортади.

Бедапояларни ҳайдаш. Келгуси йили баҳорда униб чиқмаслиги учун ҳайдовда беданинг илдизлари 5-6 см чуқурликда қирқилиб, эгат тубига қўмилиб кетиши керак. Бунинг учун бедапоялар чап қирқувчи пичоқлар ўрнатилган

икки ярусли плуглар билан ҳайдалади. Қамров кенглиги 200 мм бўлган пичоқлар плуг юқори корпусларининг чап томонига ўрнатилади. Шунда беданинг илдиз бўғини 5-6 см узунликда кесилиб, чуқур қўмилади. Бошқа русумдаги плуглардан фойдаланилганда бедапояларга олдин ясси кесувчи пичоқлар билан жиҳозланган култиваторлар ёрдамида 5-6 см чуқурликда ишлов берилади, сўнгга ҳайдалади.

Такрорий ва ем-хашак экинларидан бўшаган майдонларни ҳайдашда чимқирқарли плуглардан фойдаланилганда иш унуми ортади, ёнилғи, меҳнат ва бошқа харажатлар сарфи камаяди.

Шудгор сифатини назорат қилиш. Плугнинг иш сифатини белгиловчи агротехник талаблар орасида ҳайдаш чуқурлиги ва унинг бир текисда бўлиши ҳамда бегона ўтлар, уларнинг уруғи ва илдизларини қўмилиш чуқурлиги муҳим ҳисобланади. Чуқурлик қиймати эгат ўлчагич ёки оддий чизғич билан аниқланади. Бунинг учун плугнинг охири корпуси қолдирган эгат чуқурлиги ҳар бир даланинг 25 жойидан ўлчанади. Кейин ҳамма ўлчов кўрсаткичлари қўшилиб, 25 га бўлинади ва ўртача кўрсаткич аниқланади. Сифатли ҳайдалган ерларда ҳайдаш чуқурлиги агроном томонидан ўрнатилган кўрсаткичдан ± 2 см фарқ қилиши мумкин, холос. Бегона ўтларни қўмилиш чуқурлиги ҳам даланинг 25 жойидан ҳайдалган ерни қовлаб, шудгор юзасидан бегона ўт ётган жойгача бўлган масофани ўлчаб аниқланади. Ўртача кўрсаткич икки ярусли плугларда 20 см дан, умумий ишларга мўлжалланган плугларда эса 10 см дан кам бўлмаслиги керак.

Қўрилиб турибдики, кузги шудгор алоҳида масъулият ва билим талаб этадиган, такроран ўтказиб бўлмайдиган агротадбирдир. Фермерлар, агрономлар, агрокластер мутахассислари ва механизаторлар шунга қараб иш тутмоқлари зарур.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ, т.ф.д.,
Абдусалим ТЎХТАҚЎЗИЕВ, т.ф.д.,
ҚХМИТИ.**

“ДОЛЗАРБ 40 КУНЛИК”ДА СУВЧИЛАР ҲАМ ФАОЛ

Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги ташкилотлар ҳамда туман ирригация бўлимлари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг жорий йилдаги иккинчи – кузги мавсумини Тошкент вилоятида биринчилардан бўлиб бошлаб бердилар.

– Жорий йилнинг 20–21 октябрь кунлари Тошкент вилоятида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Долзарб қирқ кунлик” тадбирларига старт берилди, – дейди ҳавза бошқармаси масъул ходими Сардор Алимбеков. – Шу мақсадда Ўрта Чирчиқ туманидан оқиб ўтувчи туманлараро РК-7 каналининг муҳофаза минтақасидаги жами 2 гектар майдонда манзарали кўчатлар экиш ишлари амалга оширилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги мазкур тадбир Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ҳавза бошқармаси ва барча туман ирригация бўлимларидан ишчи-ҳодимлар иштирок этиб, салкам бир ярим минг туп кўчат экилди.

Чирчиқ-Оҳангарон ИТХБ матбуот хизмати.



“ТОМСНІ” АХБОРОТЛАРИ —

ЭНГ ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ

Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларига бўлган талаб йилдан-йилга кучаймоқда. Бу эса мавжуд сув ресурсларини самарали бошқариш, унинг ҳисоб-китобини аниқ юритиш, жамоатчиликнинг сувдан фойдаланиш маданиятини оширишни тақозо этмоқда.

Шу боис, аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ҳўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув ҳўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланган.

“Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” ушбу концепцияни яратишда фаол иштирок этган ҳамда бугунги кунда унинг ижросини тарғиб қилиш бўйича ҳам тизимли ишларни олиб бораёпти.

Кластер ташкилотлари, фермерлар, бошқа сув истеъмолчилари ва сув ҳўжалиги мутахассислари билан онлайн мулоқотни йўлга қўйиш, лойиҳа доирасида яратилган материалларни жамоатчиликка етказиш, ўз ўрнида уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиб бориш учун телеграм ижтимоий тармоғида “ТОМСНІ” канали ва “ТОМСНІ mutaxassislari” гуруҳи, фејсбук тармоғида “ТОМСНІ” саҳифаси, шунингдек “ТОМСНІ” мобил иловаси фаолияти йўлга қўйилган. Булардан ташқари, махсус тўпламлар, рисолалар чоп қилиниб, жойлардаги мутахассисларга ва жамоатчиликка етказиб берилаяпти.

Лойиҳа доирасидаги ахборот ресурслари орасида энг фаоли телеграм ижтимоий тармоғида “ТОМСНІ” канали ва “ТОМСНІ mutaxassislari” гуруҳи ҳисобланади. Уларда ҳар уни 7 тадан 10 тагача янги материаллар эълон қилинади. Материалларнинг аксарияти гуруҳда берилган сўровлар, саволларга жавоб сифатида тайёрланади. Энг муҳими, сув истеъмолчиларидан тушаётган саволларга лойиҳа маслаҳатчилари жавоб қайтаришади, билдирилган фикр, мулоҳаза, таклифлар умумлаштирилган ҳолда сув ҳўжалигига доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш учун вазирлик ва бошқа давлат органларига тақдим этилади. Шу билан биргаликда, сувни тежайдиган технологияларни жорий этган фермерлар ва бошқа мутахассисларнинг тажрибалари ҳақида репортаж, лавҳа, ҳикоялар эълон қилинади.

“ТОМСНІ” мобил иловаси орқали фермер ёки деҳқон даласига бормасдан туриб масофадан сув тежовчи технологияни бошқариши, экинларни суғориши мумкин. Ёки бўлмаса, замонавий сув тежовчи суғориш технологияларининг турлари, улар ёрдамида суғориш усуллари ҳақида ахборотларга эга бўлади. Мобил илова томчилатиб, ёмғирлатиб, кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш ва бошқа технологияларни жорий этиш харажатларини ҳисоблаб бериш имконини беради.

Яқинда мобил илованинг янгиланган версияси ишга туширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси пудрат корхоналарининг ягона электрон реестри “Tomchireestr” ишлаб чиқилиб, асосий бўлим сифатида жойлаштирилди.

Фейсбук тармоғидаги “ТОМСНІ” саҳифасига турли қизиқарли контентларни жойлаштириш, сўровномалар, танловлар эълон қилиш каби интерфаол тадбирлар орқали аудитория жалб қилинди. Охириги пайтларда фејсбукдаги гуруҳда аъзолар сони ўсиб, шарҳлар, изоҳлар ва муносабатлар қамрови кенгайиб бормоқда.

“ТОМСНІ Youtube” каналидаги материаллар сони лойиҳа маҳсулотлари ва лойиҳа ходимлари томонидан тўпланган мавзуга оид видеолар туфайли доимий равишда ўсиши кузатиляпти. Айниқса, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик ўрнатилгандан сўнг видеолар сони сезиларли даражада ошди. Шунингдек, видеолар mover.uz миллий видео стриминг платформасига ҳам юклаб борилади, у эса барча учун bepul.

Булардан ташқари, телеграм ижтимоий тармоғида сув ҳўжалиги соҳасидаги аёллар учун алоҳида гуруҳ ташкил этилган. Унда сувчи аёллар соҳага доир билим ва тажрибаларни ўрганиб, муаммоларни муҳокама қилиб боришади.

Лойиҳа ахборот тарқатишда Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлигининг расмий веб-сайтлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бир сўз билан айтганда, лойиҳа доирасида тарқатилаётган “ТОМСНІ” ахборотларининг истеъмолчилари географияси тобора кенгайиб, ижтимоий тармоқлардаги ресурсларининг нуфузи ва мавқеи ўсиб бормоқда.

Матлуба МУҲАМЕДОВА.



mobil ilovasini
yuklab oling



Қатралардан келаётган барака

Кейинги йилларда ҳудудларда фермерларнинг фаолият юритишида хизмат турлари таъминотининг кенг қамровли самарали тизими яратиб берилаётгани ва янги технологияларнинг жорий этилиши, хусусан, экинларни суғоришда томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйилаётгани сувни тежаш баробарида ҳосилдорликни оширмақда.

Маълумки боғдочиликда дала майдонларида суғоришни тўғри ташкил қилиш, тўғри ишлов бериш, ўғитлаш каби ишлар юқори ҳосилдорликка эришишнинг муҳим омили саналади. Шу мақсадда боғларни суғоришда инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда, ёмғирлатиб суғориш, тупроқ остидан суғориш, томчилатиб суғориш, майда заррали суғориш каби турли усуллар қўллаш мақсадлидир. Бу борада Жомбой туманида 2022 йилда 16 та фермер хўжалиқларининг 470 гектар дала майдонларида тежамкорлик омили бўлган томчилатиб суғориш усули, 8 та фермер хўжалиқларининг 203 гектар майдонида эса ёмғирлатиб суғориш усули кенг қўлланилмоқда ва улар бугунги кунда ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.



Суратда: Хатирчи туман ирригация бўлими жамоаси.

“

– Боғларда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилиши билан туманда сув ресурслари сезиларли даражада иқтисод қилиниб, фермерларимиз яхшигина даромадини оширишига ҳам эришишди. Айниқса, олма меваси экилган интенсив боғларимизда томчилатиб суғориш технологиясини қўллаб, унинг жуда қулай, тежамкор ва самарали эканлигига ўз тажрибалари асосида ишонч ҳосил қилишган, – дейди туман ирригация бўлими бошлиғи И.Эшимов.

”



Суратда: Жомбой туман ирригация бўлими жамоаси.

Албатта, Жомбой туманидаги каби сув сарфини қисқартиришга қаратилган бу каби янгидан-янги лойиҳалар жорий этилиши баробарида, бу тизим нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам оширишида хизмат қилади. Дарҳақиқат, мутахассисларнинг эътирофи эйтишча, томчилатиб суғоришнинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини иқтисод қилинишида намоён бўлади. Суғориш тизимида ўзига хос меҳнат талаб этадиган Навоий вилоятининг Хатирчи туманида эса мазкур тизимнинг афзаллиги аллақачон ўз тасдиғини топган. Бу борада ўтган 2021 йилда тумандаги 74 та фермер хўжалиқларининг жами 1 минг 788 гектар майдонида тежамкор технология жорий этилиб, шундан 971 гектар ғўза майдонларида шу тарзда суғориш ишлари олиб борилган бўлса, бу кўрсаткич жорий 2022 йил якунигача 3 минг 556 гектарни ташкил этмоқда. Шу билан бирга туманда 400 гектар ғалла экин майдонларига сувдан тежамли фойдаланишнинг яна бир усули, ёмғирлатиб суғориш усули ҳам жорий этилмоқда.

Албатта, тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиб суғориш усулига амал қилиш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш баробарида ҳосилдорликни ошириш, пировардида аҳоли турмуш даражасини янада кўтаришга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

МАВСУМ КҮНГИЛДАГИДЕК ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистоннинг йирик суғориш иншоотларидан бири ҳисобланган Жанубий Мирзачўл канали (ЖМК) ўтган асрнинг 50-60 йилларида қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Умумий узунлиги салкам 112 километрни ташкил этувчи ушбу сув тармоғи Сирдарёдаги Фарход гидроузелидан бошланиб, Жиззах вилоятининг Зафаробод туманигача бўлган катта ҳудуддаги майдонларни обиҳаётга қондиради. ЖМКдан яна 8 та катта-кичик каналлар ажралиб чиқади, улар ёрдамида Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятларининг 14 та тумани далаларида етиштириладиган экинлар сув билан таъминлаб келинмоқда.

Бугун мазкур йирик сув йўлининг бир маромда ва ишончли фаолият юритиши Жанубий Мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси (ЖМКФБ) жамоаси зиммасига юкланган. 220 нафардан зиёд малакали ишчи-ходимлардан иборат меҳнат жамоаси умумий узунлиги 211 километрни ташкил қилган сув йўллари (каналлар), 237 та сув чиқариш иншооти, 248 та гидрост, шунингдек, сув тўсиш иншооти, фавқуллода ташлама ҳамда гидроузеллар каби кўплаб бошқа объектларнинг самарали ишлашини таъминлаб келмоқда.

— Жорий йилги вегетация мавсуми жамоамиз учун кўнгилдагидек якунига етди, — дейди бошқарма бошлиғи Шўхрат Жўраев. — Бу давр ичида далаларга 500 миллион метр кубга яқин сув етказиб берилди. Эҳтимолий сув танқислигига пухта ҳозирлик кўрганимиз, сув йўли ва иншоотларида таъмирлаш-тиклаш ишлари сифатли амалга оширилгани, тасарруфимиздаги техника ва технологияларни масъулиятли мавсумга шай қилиб қўйганимиз ўз самарасини берди. Дала меҳнаткашларидан бирон марта сув етишмаслиги борасида эътирозлар бўлмади, натижада ҳар иккала вилоят деҳқонлари ўзлари етиштирган барча экинлардан мўл ҳосил кўтаришди.

Бошқарма бошлиғи ўз сўзлари ҳақлигини битта факт билан мустаҳкамлади: Жанубий Мирзачўл каналидан сув оладиган энг охириги “қулоқ” ҳисобланган ҳудуд — За-

фаробод тумани миришкорлари баҳор ва ёзда аввал тўқсонбости экинлардан, кейин эса, ғалладан режадиган ортиқ фойда олишди. Ғалладан бўшаган ерларга экилган тақрорий экинлар ҳосили ҳам чакки бўлмади. 9 минг гектарда етиштирилган пахтанинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан ҳосил олинди.

— Йилдан-йилга бутун дунёда сув танқислиги яққол сезилиб бормоқда, — дея сўзида давом этади Ш.Жўраев. — Оби-ҳаётни иқтисод қилиш долзарб масалага айланди. Шунинг билан олган ҳолда, 2021 йилда қулоқ бошларига 90 донга “ақлли” сув ўлчаш қурилмаларини ўрнатдик, 3 та йирик гидротехник иншоот автоматлаштирилди. Жорий йилда бу иш давом этмоқда, мақсадимиз уларнинг сонини мос равишда 150 ва 5 тага етказиш.

Сир эмас, қайси жамоада ишчи-ходимларга ишлаш, ишдан бўш дамларни мазмунли ва мароқли ўтказиш учун шарт-шароит яратилган бўлса, самара ҳам шунга яраша бўлади. ЖМКФБ да бу борада ҳам эътироф этишга арзирли ишлар амалга оширилмоқда. Тантанали тарзда нишонланган Мустақиллик байрами кунлари бошқарманинг ҳар бир ходимига умумий нархи 500 минг сўмга яқин бўлган 10 хил озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари беғараз тарзда тортиқ этилди. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларни ўз вақтида олаётган, байрам ва тантанали кунларда муносиб рағбатлантирилаётган, қисқаси, ўзи ва рўзғори ободлигидан кўнгли тўқ сувчилар меҳнати унумли бўляпти.

Вегетация мавсуми кўнгилдагидек якунланган ЖМКФБ да шу кунларда кузги-қишки ишлар авж олган. Бу даврда 35,3 километр узунликдаги канални тозалаш, 14 та гидроиншоотни таъмирлаш, 4 ярим километр канал дамбаларини тиклаш каби катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилиши лозим. Ушбу юмушлар ҳам ўз вақтида, сифатли якунига етказилади, алабатта.

Ўз мухбиримиз.



ЯНГИЛИКЛАР АМАЛДА Қўлланилмоқда

Бугунги кунда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларида яқдиллик билан иш олиб бораётган Қўшқўпир туман ирригация бўлимида 27 нафар ишчи-ходимлар меҳнат қилади. Ташкилот тасарруфида 27 та 220,4 км. канал, 81 та гидротехника иншооти, 8 та кўприк мавжуд.

“Тўғай-ёп” каналининг бугунги кўриниши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори”нинг ижроси юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Ўтган йили бўлим балансидаги 20,2 км каналлар лойқадан тозаланиб, “Тўғай-ёп” каналига 2 та, “Ҳосиён” каналига 1 та рақамли технология ўрнатилди. 2022 йилда “Қулобод чап тармоқ”, “Давдон”, “Тўйинтирувчи Тўғай-ёп”, “Амирқум”, “Ўзбекёп”, “Оқёп”, “Ҳосиён”, “Эски Хонобод” каналларига ҳам биттадан янги “Smart Water” рақамли технологияси ўрнатилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси борасида сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда давлат хусусий шериклик механизми ва аутсорсингини жорий қилишда иштирок этиш мақсадида “Хонобод-2” ва “Тағалак” каналлари лойиҳалари тайёрланмоқда.

Объектларда сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритишда 2021 йилда 3 та, 2022 йилда юқорида айтиб ўтганимиз каби 8 та, жами 11 та гидропостга рақамли технология ўрнатилди. “Тўғай-ёп” каналининг “О” қисмида янги қўйилган ақлли технология ёнида гидротехник Анвар Қутлиев билан суҳбатлашдик.

— Аввалгидек сув сатҳини ўлчашдаги қийинчиликлар бугун йўқ. Каналдан қанча сув оқиб ўтаётганини мана шу қурилманинг ўзи ҳисоб китобини юритади, айти вақтнинг ўзида маълумотни электрон шаклда юқори ташкилотга етказди”, — дейди у.

Кўп йиллардан буён шу соҳада ишлаб келаётган туман ирригация бўлими раҳбари Ҳамро Валиевнинг айтишича, бўлимдаги 17 нафар мутахассис Сув хўжалиги ва мелиорация коллежида ташкил қилинган ўқув курсларида малака оширилди.

Бўлимда 2022 йилдан бошлаб “Agro subsidiya” ягона ахборот тизими жорий қилинган бўлиб, 15 та фермер хўжаликка субсидия ажратиш ҳақидаги ҳужжатлар кўриб чиқиш учун ишчи гуруҳга тўғридан-тўғри йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш механизмларининг самарадорлигини ошириш, суғориладиган майдонларни сув билан барқарор таъминлашга эришишда жами 2227 гектар ер майдони, шундан 2000 гектар пахта, 152 гектар боғдорчилик, 75 гектар тоқзор йўналиши бўйича ер майдонларида прогноз кўрсаткичларига мувофиқ сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишнинг манзилли дастури тасдиқланган. 24 та фермер хўжаликлари 1034,9 га пахта майдонларида қиймати 24867 млн. сўмлик томчилатиб суғориш бўйича манзилли дастури ишлаб чиқилиб, фойдаланишга топширилган. 5 та хўжаликда 51,4 та ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий қилинган. 2022 йилда “WBM Qo-shkorip” кластери билан “Мастер Билдинг” корхоналари ўртасида шартномага биноан 548 гектар пахта майдонга томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди. 21 та фермер хўжаликларида “Навоий гилам” корхонаси билан имзоланган шартномага кўра 210 гектар ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш технологияси ишга туширилди. Тизим таркибидаги каналларни лойқадан тозалаш учун 3 та экскаватор, 1 та бульдозер ишламоқда.

— Туманда 5172 гектар майдонларга кузги буғдой экилган. Ҳозирда суғориш ишлари олиб борилмоқда, — дейди бўлим бош гидрометри, тажрибали ходима Адолат Ҳасанова. — Яқинда О.Жуманиёзов ҳудудидаги “Махмуд бува” фермер хўжалигида буғдой майдонларини эгилувчан қувур ёрдамида суғориш бўйича кўргазмали семинар ўтказилди.

Сувчилик шарафли касб. Қўшқўпирлик сувчиларнинг кузги-қишқи ишлари билан танишар эканмиз, уларга келгуси йил ҳосили учун замин яратишдек мураккаб фаолиятларида омад тилаб хайрлашдик.

Ўз мухбиримиз.

КАМОЛОТГА ИНТИЛАЁТГАН ЁШЛАР

Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олишлари, қобилиятларини ривожлантиришлари ва намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб илм чўққиларини эгаллаётган ёшлар сафи Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабалари орасида ҳам кенгайиб бормоқда.



Мафтуна
Мадаминова



Бобур
Ғуломов



Муҳаммадқодир
Сиддиқов

Институтнинг иқтидорли талабалари орасида Агробизнес ва рақамли иқтисодиёт факультети Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси таълим йўналиши 4-босқич талабаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳибаси Мафтуна Мадаминова, Агробиология факультети Агрономия таълим йўналиши 3-босқич талабаси Беруний номли Давлат стипендияси соҳиби Бобур Ғуломов, Агробизнес ва рақамли иқтисодиёт факультети Агробизнес ва инвестицион фаолият таълим йўналиши 3-босқич талабаси Ислон Каримов номли Давлат стипендияси соҳиби Муҳаммадқодир Сиддиқовлар алоҳида эътибор қозонганлар.

Зеро, ҳар бир ёшнинг камолот пиллапоялари ила юксалиши унинг интилишига, изланишига, иқтидорига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳибаси **Мафтуна Мадаминова** Андижон шаҳрида таваллуд топган бўлса-да, ўсимликларга, уларни парвариш-лашга бўлган қизиқиши уни Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтига ундади. 2018 йилда у институтнинг “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси” таълим йўналишига грант асосида ўқишга қабул қилинди.

Тенгдошлари уни интилувчан, изланувчан, иқтидорли талаба сифатида яхши билади. У ўқиши давомида намунали хулқи ва фанларни яхши баҳолашга ўзлаштириб бориши билан тенгдошлари орасида муносиб хурматга сазовор бўлиб келмоқда.

– Устозим Шоирахон Қосимова илмий раҳбарлигида «Фитогален кичик инновацион корхонаси таркибида фитобарлар ташкил этиш ва доривор ўсимликларни

етиштириш, қайта ишлаш кластерини яратиш» мавзусида илмий иш олиб бораётган, — дейди Мафтуна.

Доривор ўсимликларни ўрганиш орқали инсонларни дардига табиий йўллар билан даво топиш Мафтунанинг мақсадига айланган.

Ёш бўлишига қарамай изланишлари натижалари асосида маҳаллий ва хорижий нашрларда 20 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган, қатор олимпиада ва танловларда фахрли ўринларни эгаллаган.

Пахтаобод туманида таваллуд топган **Бобур Ғуломов**нинг орзу интилишлари бир олам. У 2018 йилда Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг, агробиология факультети агрономия таълим йўналишига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган.

Илмий анжуманларда ўзининг илмий ишланмалари ва мақолалари билан мунтазам қатнашиб, тадбирларда юртбошимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларни ёшлар орасида тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшаётгани ибратлидир.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги Олий таълим муассасалари талабалари (бакалавр) ўртасида ўтказилган республика онлайн фан олимпиада-сида агрономия фани бўйича фахрли 1-ўринни эгаллаган.

Республика ва халқаро илмий журналларда 10 дан ортиқ мақолалари нашр этилган.

Ислон Каримов номли давлат стипендияси соҳиби **Муҳаммадқодир Сиддиқов** “Агробизнес ва рақамли иқтисодиёт” факультети “Агробизнес ва инвестицион фаолият” таълим йўналишида тўлов-контракт асосида таҳсил олади.

Муҳаммадқодир аъло баҳоларга ўқиш билан бир вақтда “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда маркетингни ташкил этиш самарадорлигини ошириш” мавзусида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Мамлакатимиз ва хорижда чоп этиладиган журнал ва тўпламларда 20 га яқин мақолалари эълон қилинган, 2 та ўқув-услубий ишланмаси чоп этилган.

Муҳаммадқодир «Заковат», «Йил талабаси», «Тил билимдонлари» каби кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаган.

Институт талабаларининг эришган ютуқлари шу билангина чекланмайди. 2022 йилнинг 18-22 январь кунлари Қишлоқ хўжалиги соҳасидан мутахассислик фанлари бўйича ўз қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, истеъдодларини рўёбга чиқаришга кенг имкониятлар яратиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган Республика фан олимпиадасида институтнинг 17 нафар иқтидорли талабалардан 6 нафари 1-ўринни, 6 нафари 2-ўринни, 5 нафари 3-ўринни эгаллаб ғолибликни қўлга киритдилар ҳамда 1, 2 ва 3 даражали диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланганлар.

Институтда алоҳида қобилият ва иқтидорга эга, халқаро ва республика ҳамда институт миқёсида ўтказилган танловлар ғолиб бўлган талабалар ва уларнинг устозлари мунтазам равишда моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилмоқда. Натижада, илм чўққиларини эгаллашда салмоқли ютуқларга эришаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Ҳабибжон СИДДИҚОВ.

ЧОРВАЧИЛИК:

ҚОЛОҚ ТАРМОҚДАН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНАЁТГАН СОҲА

Чорвачиликка қаратилган эътибор озиқ-овқат хавфсизлигига қаратилган эътибордир. Мамлакатимизда кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Натижада тармоқда ҳам сифат, ҳам натижадорлик борасида сезиларли муваффақиятларга эришилмоқда. Ваҳоланки, яқин-яқингача тизимда нима ишлар қилиняпти, чорвадорлар шароити қандай, уларни қийнаётган масалалар ҳал этиляптими, деган саволларга жавоб топиш қийин эди.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, ветеринария фанлари доктори Баҳром НОРҚОБИЛОВ билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Сир эмас, бундан беш-олти йил бурун чорвачиликда кўзга кўринарли ёки эътирофга арзигулик жиҳатлар йўқ эди. Яъни у кўмакка муҳтож, қолоқ тармоқ сифатида фаолият юритган. Адашмасам, сиз ўша пайтдаги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг айна шу йўналишида хизмат қилгансиз. Соҳани яхши биладиган мутахассис сифатида ўша йиллар ва ҳозирги пайтни оддий қилиб қандай таққослаган бўлардингиз?

— Тўғри айтдингиз, ўша даврда Қишлоқ ва сув хўжалиги (ҳозирги Қишлоқ хўжалиги) вазирлиги тизимида айнан чорвачилик йўналишида ишлаганман. Республикаимизда ветеринария ва чорвачилик кўп йиллар давомида бутунлай эътибордан четда қолган, қолоқ тармоқлардан бири эди. Тизимда вертикал бошқарув бўлмаган. Бирорта янгилик, ишга инновацион ва илмий ёндашув, кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ёки соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳеч қандай ижобий ўзгаришларга эриша олмасдик. Вазирликдаги Ветеринария бош бошқармаси ходимлари атиги етти нафар эди. Узоқ йиллар шундай ҳолатда фаолият юритдик. Гапим куруқ бўлмасин, бир мисол келтираман. Яъни йигирма беш йил давомида

чорвачилик бўйича бор-йўғи иккита қарор қабул қилинди. Бири 2003 йилда, иккинчиси 2008 йилда. Қолаверса, улар тавсиявий аҳамиятга эга эди, холос. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, чорвачиликни ривожлантириш учун аниқ тизим ёки имтиёз белгиланмаган. Шунинг учун тармоқдаги ишлар, ўзгаришлар яққол кўзга кўринмасди.

Мана, охириги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби ветеринария ва чорвачиликда ҳам ислохотлар ўз самарасини беряпти.

Вилоят, туман тизимларида моддий-техник базанинг ўзи бўлмаган. Лабораторияларга ўн йиллар давомида оддий диагностика ускуналари олинмаган. Чорва молларини касалликларга қарши эмлаш профилактик тадбирлари юзаки ўтказилган. Чунки вакцинация қилиш учун маблағ етишмасди. Пуллик хизмат кўрсатиш деярли йўқ эди. Қачон хизматга пул тўланади? Қачонки, ана шу хизматдан фойдаланувчи натижа, наф кўрса.

Шу ўринда яна бир рақам. Яъни 2016 йилда республика бўйича хизмат кўрсатиш бор-йўғи 300 миллион сўм атрофида бўлган. Энди ўтган йилги рақамга эътибор қаратинг: 2021 йил бу кўрсаткич 60 миллиард сўмни ташкил этди. Бу — 200 баробар ўсиш, дегани. Бу йил эса миқдор 100 миллиард сўмдан ошиши кутилмоқда.

Қайд этганимиздек, охириги йилларда эътибор ҳам, қилинаётган ишлар кўлами ҳам жуда кенгайди. Буни халқаро ташкилотлар, хорижий ҳамкасбларимиз эътироф этмоқда.



Президентимиз 2017 йил январь ойида бўлиб ўтган йиғилишда ветеринария соҳасини қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибидан чиқариш, алоҳида қўмита ташкил этишни таклиф этиб, бу тизим алоҳида ишламаса, ҳеч қандай натижа бермайди, деган эди. Шундан сўнг 2017 йил 1 июнь куни давлатимиз раҳбарининг “Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ўшандан кейин ветеринария соҳасига эътибор тубдан ўзгарди. Тузилма, бошқарув тизими ислох қилинди. Имтиёзлар жорий этилди. Моддий-техник базани ривожлантириш имконияти кенгайди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2019 йил 28 мартдаги тарихий фармон ва қарори билан Ветеринария ва чорвачилик давлат қўмитаси қайтадан ташкил этилди. Шундан кейин чорвачилик соҳасида революцион ўзгаришлар даври бошланди. Буни бежиз айтаётганим йўқ. Чунки бу орқали чорвачилик соҳасида 500 дан ортиқ штат ташкил этилди. Қўмита тизимида алоҳида чорвачилик билан шуғулланувчи “Ўзбекчорванасл” агентлиги фаолияти йўлга қўйилди. Агентликка давлат бюд-

жетидан 56 миллиард сўм маблағ ажратилди. Республика — вилоят — туман вертикаль бошқарув тизими яратилди.

Шунингдек, озуқа базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилди ва ўша йилнинг ўзида чорва озуқаси учун 320 минг гектар ерга экин экиш белгиланди. 2022 йилга келиб бундай майдонлар 405 минг гектарга етказилди. Озуқа базасининг яхшиланиши чорва моллари кўпайишига, насл яхшиланишига, аҳоли дастурхонига гўшт ва сут маҳсулотлари кўпроқ етиб боришига хизмат қилади.

Мутахассис сифатида яна бир жиҳатга эътибор қаратмоқчиман. Яъни бундан беш йил олдин бир гектар ердан тўрт тонна озуқа бирлиги олинарди. Бу йил эса озуқа бирлиги 11 тоннага чиқди. Буларнинг бари соҳага қаратилаётган эътибор, охири беш йил ичида ветеринария, чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш учун давлат раҳбарининг 4 та фармони, 20 дан ортиқ қарори ҳамда ҳукуматнинг 30 дан зиёд қарори қабул қилингани самараси, албатта. Қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар, имкониятлар натижаси бу.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрдаги қарорига биноан, соҳага қўшимча янгиликлар жорий этилди. Яъни давлат томонидан соҳага субсидия, имтиёз бериш бошланди. Хусусан, четдан кимдир насли мол олиб келадиган бўлса, унга келтирган ҳар бир бош насли мол учун 2 миллион сўмдан давлат бюджетидан субсидия бериладиган бўлди. Бир бош насли кўй учун бу миқдор 400 минг сўм, насли жўжа учун эса 8 минг сўм этиб белгиланди. Наслчилик хўжаликларига барча солиқлардан 50 фоизлик имтиёз тақдим этилди. Натижада чорвадорларимизда ишга бўлган муносабат ўзгарди, иштиёқ ортди.

Биласизми, бунгача балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик, умуман, чорвачиликнинг барча тармоғида бир йилда 100 та катта-кичик лойиҳа қилинарди. Нимага? Чунки маблағ йўқ эди. Бугун эса вазият тамомла бошқача. Масалан, ўтган йили 7 триллион 800 миллиард сўмлик 1874 та лойиҳани амалга оширдик. Бу йил эса 9 триллион 200 миллиард сўмлик 2031 та лойиҳа рўёбга чиқариляпти.

— Эътибор, қўллаб-қувватлаш бор, лойиҳалар амалга ошириляпти. Булар яхши, албатта. Лекин натижа қандай бўляпти? Яъни ишлаб чиқариш ҳажми қай даражада яхшиланмоқда?

— Тўғри, қилинаётган ишлар, амалга оширилаётган лойиҳалар самараси кўпчиликти қизиқтиради. Аслида, бунга жойларда янги қурилаётган чорвачилик комплекслари, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар яққол мисол. Шундай бўлса-да, фикримизни факт ва рақамлар билан асосласак, мақсадга мувофиқ бўлади. 2019 йилгача қишлоқ хўжалигида чорвачилик йўналишидаги фермер ва корхоналар улуши 4 фоизни ташкил этган. 96 фоиз чорва моллари аҳоли қарамоғида бўлган. Бугун бу кўрсаткич 10 фоизга етди. Бу чорвачилик фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш суръати яхшиланяпти, дегани. Яна бир статистик маълумот: уч йил олдин чорвачилик фермер хўжаликларида бир йилда 600 тонна сут ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бир миллион тоннадан ошиб кетди. Гўшт ишлаб чиқариш тирик вазнда 150 минг тоннадан 300 минг тоннага кўпайди.

Жорий йил якуни бўйича “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да белгилаб берилган 2 миллион 700

минг тонна гўшт, 12 миллион 200 минг тонна сут, 8 миллиард 200 миллион дона тухум, 27 минг тонна асал ишлаб чиқаришга эришилади.

Чорвачилик фермер хўжаликлари охири уч ярим йилда 5 минг 200 тадан 8 мингга етди. Мол бош сони икки баробар ошиб кетди.

Шунингдек, аҳолига ҳам насли чорва моллари етказиб берилмоқда. Турли хизматлар кўрсатиляпти. Шунинг ҳисобига бугунги кунда республикада аҳоли жон бошига сут 106 фоиз, гўшт билан таъминланиш 105 фоизга чиқди. Яъни 42,8 килограмм гўшт ўрнига 45,8 килограммга, сут эса 315 килограмм ўрнига 325 килограммга етказилди ва ўсиш 105 фоизни ташкил этди. Худди шундай бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам ўсиб бормоқда.

— Ривожланишда халқаро алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда қўмитанинг халқаро молия институтлари билан ҳамкорлиги қай даражада?

— Ҳар бир тармоқни ривожлантириш учун, албатта, молиявий маблағ зарур. Бугун бизда яратилган иш услуби халқаро молия ташкилотлари билан бемалол ишлайдиган тизим. Барча йўналиш бирлашган, бир жойга жамланган. Яъни ишлаб чиқариш, фан, илм, таълим, кадр — ҳаммаси узвий боғланган. Бу жараён натижа беради.

Саволингиз халқаро алоқалар хусусида бўлгани учун 2019 йилдан буёйига халқаро молия институтлари билан қилинаётган ишлар бўйича қисқача маълумот бериб ўтсам. Жаҳон банки, Европа Иттифоқи, Осиё тараққиёт банки, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси, KOICA, JICA, TIKA, FAO — ҳаммаси билан яхши алоқадамиз.

Биласиз, халқаро ташкилотлар ҳам бирор соҳага ёки ҳудудга ўз-ўзидан маблағ ажратмайди, ҳамкорлик қилмайди. Бунинг учун қулай шароит ва имконият яратилган бўлиши керак. Бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар, юритилаётган сиёсат туфайли Ўзбекистонда шундай шароит мавжуд. Охири тўрт йил ичида халқаро молиявий ташкилотлардан 425 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилиниб, 4 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилган бунинг яққол исботи.

Ана шу ҳамкорлик натижасида четдан 150 мингдан зиёд насли моллар олиб келинди. 150 дан ортиқ сутни, 56 та гўштни қайта ишлаш корхоналари, 70



дан зиёд омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар ишга туширилди.

Қайд этиш керак, соҳага фақат кредитлар эмас, грант маблағлари ҳам фаол кириб келяпти. Хусусан, сўнгги уч йилда Европа Иттифоқидан 13 миллион, Франция тараққиёт агентлигидан 12 миллион, КОИСАдан 1 миллион доллардан зиёд, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасидан 2,5 миллион доллар, умуман, 30 миллион доллар атрофидаги грант маблағлари соҳа ривожига йўналтирилди. Булар эртага ўз натижасини кўрсатади, албатта. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмақда.

— Халқаро мавзудан узоқлашмаймиз. Чунки навбатдаги саволим ҳам шу йўналишда. Гап шундаки, яқинда оммавий ахборот воситаларида Италиянинг Катания шаҳрида бўлиб ўтган йирик халқаро конференцияда эпизотик барқарорликни сақлашда Ўзбекистон тажрибаси юқори баҳоланиб, анжуманга мамлакатимиз делегацияси вакиллари раислик қилибди. Мазкур халқаро эътирофнинг сабаблари нимада?

— Бунинг асосий сабаби Халқаро ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилоти Ўзбекистон ветеринария ва чорвачилик соҳасида амалга оширила-

ётган ишларни тан олади. Бу ишлардан мамнун. Ўрناк қилишга арзигулик, деб билади ва бу халқаро тадбирда эътироф этилди.

Эътиборлиси, бу биринчи ҳолат эмас. 2018 йилда кўмитамиз янги ташкил этилгач, ушбу ташкилот раҳбари Ўзбекистонга келиб, амалга оширилаётган ишларни кўрган эди. Аслида, дунё тажрибаси шундай: ветеринария мустақил бўлиши керак. Ҳеч қандай вазирлик таркибида эмас. Ўзбекистон бунга биринчилардан бўлиб қўл урган давлат. Шу боис, бугун Ўзбекистон тажрибаси бошқаларга ҳам тавсия этиляпти.

— Мамлакатимиз чорвачилик соҳасида жаҳоннинг етакчи давлатлари билан бўйлашиши учун истиқболда қандай режаларингиз бор? Нима ишлар қилсак, шу даражага етамиз деб ўйлайсиз?

— Соҳани чорвачилиги ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш осон иш эмас. Бу жуда катта меҳнат ва ресурс талаб этадиган жараён. Халқимизда бир мақол бор, эшитгансиз. “Деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда”. Деҳқончилик бир йил ўхшамаса, келаси йил сувини, ўғитини ўз вақтида берсангиз, қутилган натижага эришасиз. Шунга қиёсан, айтадиган бўлсак, биз мустақилликнинг дастлабки

йилларидан эътибор бермаганимиз боис, чорвачиликни, деярли йўқотдик. Мана, орадан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтиб, энди-энди тиклай бошладик.

Охири беш йил ичида қилинган ишлар билан ҳам соҳада ривожланиб кетдик, десак хато бўлади. Шу даврда қолақ соҳанинг драйвер соҳага айланиши мумкин эканини кўрсата олдик, йўлга тушдик, холос! Ривожланиш учун вақт керак.

Мухими, Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларда ҳамма имкониятлар, шароитлар яратиб берилди. Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинган. Унда соҳани тараққий эттириш учун наслчиликни янада яхшилаш, озуқа базасини яратиш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, инвестицияларни жалб қилиш каби энг асосий масалалар аниқ белгилаб олинди. Унда кўрсатилган вазифалар, албатта, амалга оширилади. Чунки еримиз, сувимиз бор. Одамларимиз меҳнаткаш. Соҳа давлатимиз томонидан изчил қўллаб-қувватланаяпти.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
суҳбатлашди.

ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕК-ҚИРҒИЗ АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасида Қирғиз Республикаси билан режалаштирилаётган олий ва юқори даражадаги тадбирларга тайёргарлик кўриш доирасида Қирғиз Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Нурдин Алишеров билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда асосий эътибор ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳаларида икки мамлакат давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган идоралараро халқаро ҳужжатларни имзолаш, давлат ветеринария назорати остидаги товарлар айирбошлашни янада ривожлантириш ва чорвачилик соҳасида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилди.

Қирғиз тарафи Кўмита томонидан ишлаб чиқилган “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорликка оид Меморандум” лойиҳасини келиштириш жараёнлари якунланганлигини маълум қилиб, ушбу идоралараро халқаро ҳужжат яқин кунларда имзоланиши тўғрисида айтиб ўтди.

Учрашув давомида томонлар сут ва сут маҳсулотлари



билан савдо-сотиқни кенгайтириш мақсадида ўзаро ташрифлар ташкил этишга келишиб олишди.

Қирғиз тарафи, мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожланиш даражаси йил сайин ошиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиб, чегара олди ҳудудларда қўшма наслчилик марказлари ташкил этишни ҳамда Ўш вилояти Ўзган тумани орқали оқиб ўтадиган Ясси дарёси бўйида ҳамкорликда балиқчилик хўжаликлари ташкил этишни таклиф қилди.

Учрашув якунида томонлар музокара давомида кўриб чиқилган ҳамкорлик йўналишларини ҳаётга самарали тадбиқ этиш мақсадида мулоқотларни янада жадаллаштиришга келишиб олишди.

Келгуси йил ҳосили учун эътибор



Суратда: Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги вазири Зоҳиджон Зиёдуллаев куз-қиш мавсумида ғаллани озиклантириш масалалари бўйича семинар ўтказиляётган далада фермерлар билан суҳбатлашмоқда

Қорақалпоғистонда куз. йўл бўйидаги далада кўпчилик йиғилиб турганлигига гувоҳ бўлдик. Даланинг чеккасида енгил машина усти ва ён атрофига ғаллани озиклантириш бўйича янги интенсив технология асосида ишлаб чиқилган ускуналар кўргазмаси қўйилган. Уларни ишлатиш усуллари баён қилинган фотожамланмалар етарлича. Далага дори сепувчи бир неча тракторлар ҳам шайлаб қўйилибди. Маълум бўлдики, бу далада ўсган кўкликда нотекислик бор. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги вазири

Зоҳиджон Зиёдуллаев бу даланинг аҳволини ўзи яёв юриб, айланиб ўрганиб чиқиб, ўз маслаҳатини берди. Далада ғалла нотекис кўкаргани билан бир қаторда кўп жойлари сарғиш тортган эди. Ғаллани озиклантиришда кузги қишқи мавсумда олиб борилиши керак бўлган келгуси ишлар юзасидан бўляётган амалий семинар иштирокчилари уни ғоятда эътибор билан тинглашяётган эдилар. Бу кўринишни суратга олиб, йўлимизда давом этдик.

Сардор омилкор бўлса

Қорақалпоғистонга бўлган сафаримиз пахта йиғим-теримининг сўнги кунларига тўғри келди. Тўрткўл туман, Шўроҳон қишлоғидамиз. Кенг далалар оғушида оппоқ пахтанинг сўнги мисқолларини териб оляётган теримчилар. Нигоҳлари ғўзапояларни беэаб турган оқликка, сўлимликка интилади, улар кўли теккач ортларида куруқ поялар қоляётган куз даласи ястанади. Қўлидаги оппоқ пахтани ёнидаги теримчига узатяётган, ним табассумли, чеҳрасида ўз ишидан мамнуният сезилиб турган фермер хўжалиги раҳбарини суратга олишга шошилдим.

2006 йилдан бошлаб “Чорвадор” фермер хўжалиги раҳбари вазифасида фаолият кўрсатяётган Исмоил Шержонов ўзининг теран фикрлаши, меҳнаткашлиги, инсон омилига эътибори ва бир талай фазилатлари билан элга танилган. Хўжалик аъзолари унинг очик чеҳралиги, самимийлиги ҳар кимни ўзига муносиб иш билан таъминлашда янглишмаслигини, яъни эътиборли раҳбар эканлигини эътироф этишади. Тўғри, йиллар



Суратда: “Ҳали бу далалар яна тўлишади”, — дейди ғалла далаларини ораларкан Исмоил ака.

ўтиб кўпчилик раҳбарлар ўз хулқини ўзгартиришлари мумкин, у эса ҳамisha бир хил. Сокин, меҳрли, андишали ва талабчан.

— Маслаҳатгўйим отам эдилар. Хўжаликни отам ташкил қилиб, анча йиллар раҳбарлик қилганлар. Дастлабки 1988 йилда 19 гектар ерда, 30 бош қорамол боқиш асосида иш бошлаганларида мен 23 ёшда эдим, — дейди суҳбатимиз давомида фермер. — 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси депутати бўлдилар, орзулари сероб эди. 1991 йилда бевақт касаллик сабабли бу дунёни тарк этдилар. Оиламиз асосида иккита фермер хўжалиги ташкил топишида отамнинг ўрни бор. Унинг болалиги ва ёшлиги кўпроқ пахта далаларида ўтганлиги боис, пахтага эътибори ўзгача эди. Оппоқ пахталар чамандай очилган даврларда яйраб кетардилар.

Ҳа, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” унвони соҳиби раҳматлик Ҳосилбек Шержонов пахтачилик сир-асрорларини пухта эгаллаган давр кишиси эди. Отанинг таклифи билан дастлаб катта ўғил Холбой Ҳосилбеков хўжалик раҳбари вазифасида ишлади. 2006 йилдан хўжалик бошқаруви иши Исмоилга топширилади. Худди шу йили хўжаликнинг умумий ер майдонлари 110 гектарга етиб, пахта ва ғалла экила бошланди.

Йиллар ортида қолди, Исмоил Шержонов отаси ишини давом эттириб, кўп тармоқли хўжаликлар сафига қўшилишга интилди. Бугун унинг умумий ер майдони 212 гектарга, экин майдонлари 110 гектарга етди. Жамоа аъзолари кузнинг сахий кунларидан фойдаланиб, даладаги қолган ҳосилни йиғиштириб олмақдалар. Кузда - ҳиммат, қишда - иззат, десак янглиш бўлмайди.

Фермерлик касбига ҳавас қилган И.Шержонов билардики, билим, малака ва тажриба бўлмаса катта хўжаликни юритиш оғирлик қилади. 1988 йилда Тўрткўлдаги қишлоқ хўжалиги техникумининг “Аграрномия” бўлимини тугатганида у хўжаликни ривожлантиришнинг режаларини тузган эди. Бу режалар бугун қисман бажарилди.

Хўжалик фермасида 80 бош аралаш қорамоллар, 100 бош қўй-қўзи, 500 бош парранда боқилмоқда. 16,8 гектар ер майдонларига экилган ғалла ҳосили ёмон бўлмади. Кутилганидан кўпроқ ҳосил олинди, гектарига 70 центнер етиштириш унинг ерлари учун яхши натижа. Ўртада қилинган шартномага кўра маълум қисми “Агро Тўрткўл нон” кластерига топширилди. Қолгани эса хўжалик эҳтиёжига ишлатилмоқда. Ғалладан бўшаган майдонлардан 2 гектари 6 нафар хўжалик аъзоларига бўлиб берилган. Улар сабзи маҳсулоти етиштириб олишди.

Хўжаликда экинларнинг бир текис униб ривожланиши, ҳосилдорликнинг ошишида сувчиларнинг ўз ўрни бор. Гулбаҳор Йўлдошева, Гулбаҳор Жанглиева, Мурод Давлетбаев, Жўрабек Дўсчанов каби сувчилар далаларнинг паст-баландини яхши биладилар. 25 гектар пахта майдонларида янги инновацион технология бўйича томчилатиб суғориш жорий қилинган.

Пахтакорларнинг шиддати бўлакча. 51,8 гектар ерга экилган пахта ҳосили жуда яхши бўлди. Биз борган паллада ҳам теримчилар кунига 50 килограммдан ошириб пахта териб топшираётган эдилар. “Агро Тўрткўл текстил” кластери билан тузилган шартномага кўра гектарига 30 центнер пахта хом ашёси етказиб бериш керак эди. Далалардаги ҳосил октябрнинг 15 кунлигидаёқ 42 центнердан ошди. Илғор пахта те-

римчилардан Қувондиқ Аллашев, Гуландом Рўзибаевалар кунига 150-160 килограммдан пахта териб ҳаммага ўрнатқ бўлдилар.

Меҳнат ва интизомга ўрганган Шержоновлар оиласининг иккинчи фарзанди Хиндол хўжаликда тракторчилик қилади, касбдошлари Рўзимбой Сафаров, Шарофиддин Ўрозбаев, Қобилжон Каримовлар билан биргаликда ёзин-қишин дала ишлари билан банд.

Ҳар бир ишни ҳисоб-китобга кўра режалаштирадиган Исмоил фермер саховат ишлари ҳақида гапиришни хуш кўрмайди. Қишлоқ аҳли уни хурмат билан саховатли, мард инсон, деб тилга олади.

Ўзбекистон Республикасининг “Илғор фермер” кўкрак нишони сов-риндори Исмоил Шержоновнинг “Чорвадор” фермер хўжалиги ўтган йили 1 млрд. 200 млн. сўм умумий даромадга эга бўлиб, 400 млн.дан зиёд соф фойда топди. Бу фойдага хўжалик учун “Магнун 89-40” трактори сотиб олди. Шу билан

100 фоиз техникага эга бўлган хўжаликда атроф аҳоли ва хўжаликларига ҳам ёрдам бериш, хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди. Бу йилги 1 млрд. 600 млн сўм умумий даромаднинг 600 млн.дан зиёди соф фойда. Демак, хўжалик иқтисоди йилдан-йилга кўтарилиб бормоқда. Бу йўлда тиним билмаган ҳар бир аъзонинг ўз ўрни, улуши бор, албатта.

Бу деҳқонлар жамоаси ҳақида қанча гапирсак оздек туюлади. Етакчи сардор омилкор бўлса имконият ошаради. Иқтисодий ривожланиш йўлидан бораётган бу аҳил жамоага муваффақият ва омад тилаганча улар билан хайрлашдик.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.



Фермер даласида теримчилар

САХОВАТЛИ ДЕҲҚОНИМ МЕНИНГ

Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл тумани “Машъал” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Дилшодхўжа дингли” фермер хўжалиги ерларида октябрь ойининг охирида ҳам иш қизғин. Йиғим-терим ишлари якунланмоқда.

Хўжалик раҳбари Зарифбой Самандаров 2004 йилда 45 ёшида 18 гектар ер майдонига пахта ва ғалла экиб иш бошлаган. У камҳосил бу ерларда қатор йиллар лазерли текислаш ишлари олиб борди. Натижа кутилгандек бўлди.



Унинг фарзандлари Донёр ва Жасурбек Самандаровлар механизаторлик касбини эгалладилар. Мансур Самандаров “Сухроб-Бобир” фермер хўжалиги раҳбари. Дилшод Самандаров эса отаси ёнида иш бошқарувчи.

18 нафар невараларнинг пиру бадавлат бобоси ва бувижони Зарифбой ота ва Гулжоной она дам олишга кетган эканлар, бизни хўжалик ишлари билан Дилшод Самандаров таништирди.

— Хўжалигимизда асосий 12 киши меҳнат қилади. Мавсумда улар сони 8 баробарга кўпаяди, — дейди Дилшод суҳбатимиз давомида. Пиллачиларимиз оиламизнинг келинлари, улар пилла мавсумида 2 қути ипак қуртидан 120 килограмм атрофида ипак тола етиштирдилар.

Жамоанинг умумий ер майдони 47 гектарни ташкил қилади. Бу йил 12 гектар ғалладан 60 центнердан, 26 гектар ерга экилган пахта хомашёсидан 36 центнердан ҳосил етиштирилди. Кластер ташкилотларига шартномада келишилганидан ҳам ортиғи билан пахта ва ғалла етказиб берилди. 0,5 сотих жойдаги сунъий ҳавзада балиқ боқилади. Йилига 2 тонна балиқ етиштирилади. Ғалладан бўшаган майдонларга вақтида экилган сабзавот ва полиз

маҳсулотлари йиғиштириб олинмоқда.

Меҳнат жараёнига янгиликларни жорий қилиш ер майдонларидан яхшигина ҳосил олишга гаров бўлмоқда. Дилшод Самандаровнинг айтишича 8 гектар пахта майдонлари томчилатиб суғорилади. Ғалла экилган 12 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш йўлга қўйилган. Бу йилги ғалла ҳосилидан натижа яхши бўлибди. Негаки, олдинлари экилган буғдой зах тортиб қуриб қолиб, ҳосил камайган. Бу йил янги интенсив технология жорий қилиниб, ёмғирлатиб суғорила бошлангач, сув меъёрида юзалаб етиб борган ғалла ҳосили яхши бўлган. Келгуси йил учун экилган ғаллазор оралаймиз, далада бир текис ниш урган ғалланинг кўм-кўк сийнатида завқланамиз. Бу ерларда янги интенсив технология жорий қилиниши кутилган натижани берганлиги аён.

Дала ишларининг барори, албатта, фақат қўл кучи билан эмас, деҳқон ва сувчиларнинг, техника бошқарувидаги моҳир тракторчиларнинг баҳор, ёз, кузги заҳматли меҳнатларига ҳам боғлиқ. Сувчилар Улуғбек Сапарбаев, Комил Ибодуллаев, тракторчи Зокир Манглибаев

ўз касбининг моҳирлари ҳисобланади.

Хўжалик ҳар йили эришадиган 1 млрд. сўмдан зиёд умумий даромаднинг 500-600 миллиони соф фойдани ташкил қилади. Кўпроқ хўжаликка зарур техникалар сотиб олишга, аъзолар эҳтиёжига сарфланадиган фойда йил бўйи қийинчиликсиз яшашга манба бўлади. Меҳнатнинг роҳати ҳам шу.

Қизғиш, сарғиш япроқлар шивирлаётган кузнинг сўлим манзараси. Далаларда эса иш давом этмоқда. Етиштирилган ҳосилнинг ниҳоясини ёгин-сочинли, совуқ кунлар бошланмасидан йиғиштириб олиш учун деҳқон тинмайди. Олтин куз саховатли. У бу ҳиммати билан деҳқонга ўхшайди.

Суратда: чапдан Тўрткўл тумани қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Зокиржон Яхшимуротов ва Дилшод Самандаров буғдой дала-сида.

Шукуржон СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.



ОППОҚ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Пахта етиштириш аграр соҳадаги ўзига хос драйвер йўналиш бўлгани ҳолда, туманларимиз иқтисодий ҳолатини яхшилашда муҳим омил саналади. Шу масъулиятни ҳис қилган Шофирконлик пахтакорлар ўзлари кўзлаган “оқ олтин” хирмонини бунёд этиб, вилоятда биринчилардан бўлиб зафар довонидан ошдилар. Бу Шофирконликлар учун катта ғалаба, албатта. Чунки ерларнинг шўрланиш даражаси юқорилиги, мелиоратив ҳолатининг барқарор эмаслиги, ноқулай об-ҳаво шароити маҳаллий деҳқон-фермерлар учун пахта ҳосилини етиштириш, парваришlash ва йиғиб олишда бирмунча қийинчиликлар туғдиргани сир эмас.

Албатта, бундай улкан меҳнат зафари замирида юртимизда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилаётгани, деҳқонларнинг фидокорона меҳнати, кўп йиллик тажрибаси, пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Айниқса, соҳага янги — кластер тизимининг жорий этилгани ўз самарасини кўрсатди. Бу истиқболли тизим туфайли ғўзага ўғит бериш, зараркунандаларга қарши курашиш, агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш ўз вақтида амалга оширилди. Шунингдек, ишлов муддатларига тўла роя қилиниши ва албатта меҳнатга ҳақ тўлаш, юқори манфаатдорлик муваффақият омили бўлди. Жорий йил ҳудудда жами 374 та фермер хўжалиги тасарруфидаги 10 минг гектардан зиёд майдонда саноат учун қимматбаҳо хомашё етиштирилди. Маълумот ўрнида, 2019 йилда туман миришкорлари яппи хирмони 29 минг 800 тоннани ташкил этган бўлса, жорий йилда бу

кўрсаткич 32 минг 400 тоннадан оширилди. Муҳими, унинг аксарият қисми юқори навларга сотилди.

Ҳудудда масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Buxoro Agro Cluster” билан 222 та пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ҳосил етказиб беришга доир шартномалар тузилган бўлиб, корхонага жами 17 минг 456 тонна пахта қабул қилинди. Маҳаллий иқлимга мос “Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “Бухоро-10” каби серҳосил пахта навларидан баракали хирмон кўтарилган “Buxoro Agro Cluster” МЧЖ томонидан 1 минг 100 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган ҳам ҳар бир гектар ернинг ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилди. Албатта, бу каби эришилаётган натижалар асосида, тумандаги фермер ва кластер хўжаликлари раванқ топади, янги иш ўринлари яратилиши имконияти пайдо бўлади ва шунингдек, бу омил ҳудуд иқтисодиёти ривожланишига ҳам хизмат қилиши аниқ.

Ўз мухбиримиз.

САРА УРУҒ —

ЮҚОРИ
ҲОСИЛДОРЛИК
ОМИЛИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, соҳага бозор механизмларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, янги хўжалик юритиш шакллари бўлган агрокластерлар ҳамда кооперация тамойиллари асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилмоқда. Бозор механизмларига асосланган янги хўжалик юритиш шакллари бўлган ва туманларда ташкил этилаётган ғаллачилик кластерлари ҳам ана шу тамойилга асосланган лойиҳалардандир.

Самарқанд вилоятида ҳам ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, дон етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ғаллачилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Каттақўрғон туманидаги «Каттаминг уруғчилик кластери» масъулияти чекланган жамияти ҳам ташкил этилганига кўп бўлмаган бўлса-да, кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Маълумки ғалла ҳосилдорлигини оширишда, экилган уруғ нави муҳим омил ҳисобланади.

Мазкур жамият аъзолари ҳам шуни ҳисобга олиб, ҳар бир фермер хўжалигига индивидуал ёндашиб, уларнинг экин майдонлари шарт-шароитидан келиб чиқиб, уларга сара уруғ навларини етказиб бермоқда. Бугунга келиб, ижобий натижадорлик, юқори кўрсаткичлар сабаб, кластер МЧЖ аъзолари нафақат тумандаги, балки қўшни туман ва вилоятлардаги фермерлардан ҳам буюртма қабул қилмоқда. Шижоатли тадбиркор Фарход Ҳамроев раҳбарлигидаги кластер бугун тумандаги 34 та фермер хўжаликлари билан шартномалар имзолаб, мавсум давомида уларга етарлича сифатли ғалла уруғи етказиб берган. Айни кунларда фермер хўжаликлари далаларида баравж бўй чўзаётган ғалла, бўлғуси мўл ҳосилдан бўй кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, бу каби ғаллачилик кластерларининг ташкил этилиши фермер хўжаликларидида қўшимча агротехник тадбирларни ўтказишга талаб этиладиган маблағларни етарли миқдорда йўналтириш орқали юқори ҳосилдорликка эришишни таъминлашга, моддий манфаатдорликни ва самарадорликни оширишга замин яратади. Шу билан бирга, маҳсулотни қайта ишлаш орқали қўшимча иш ўринлари яратилишига ва нарх-наво барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Албатта, Дон халқимиз ризқ-рўзи, фаро-

— 2020 йилда ғалла уруғчилик кластери ташкил этиб, туманимиз аҳолисида 20 нафарини янги иш ўринлари билан таъминлашга эришдик. Ҳозирги кунда ҳамкор фермерларимизга сара уруғлар етказиб бермоқдамиз. Ўтган йили фермерларимизнинг юқори кўрсаткичи, яъни ғалла майдонларида гектаридан 80 центнердан ҳосил олгани кўнглимизни тоғдек кўтарди. Келгусида сувсизликка чидамли ва лалми ерларга мўлжалланган серҳосил уруғ етиштиришни, шунингдек қўшимча тармоқлар ташкил этиб, янги иш ўринлари яратишни ҳам мақсад қилганмиз, — дейди «Каттаминг уруғчилик кластери» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фарход Ҳамроев.

вонлик омилидир. Ўзбек дастурхонининг бош беаги нон ҳисобланади. Шу боис, айни кунларда жойларда сара дон уруғи етиштиришга, унинг парваришига хизмат қилаётган бу каби инсонлар, дастурхонларимиз тўкинлиги, нон деган азиз неъматнинг мўл бўлишида ўз ҳиссасини қўшаётган миришкор бободехқонларимизнинг омилкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари эрта ўз самарасини беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришади деб умид қилиб қоламиз.

Шуҳрат НОРМУРОВОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: «Каттаминг уруғчилик кластери» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фарход Ҳамроев.

ЛОЙИҲАЛАР — ТАРАҚҚИЁТГА ЗАМИН

Бугунги кунда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дунё мамлакатлари учун энг долзарб масалага айланмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги тармоғини, айниқса, соҳада муҳим бўлган ҳисобланган чорвачилик йўналишини кенгайтиришга, наслчилик ишларини яхшилашга қаратилган изчил чора-тадбирлар ўзининг самарасини бермоқда.



Суратда: “Нарпай Нозимжон” фермер хўжалиги раҳбари Нодир Тоғаев, “Чорва насл” марказининг тумандаги вакили Учқун Абдуллев билан.

Бу борада Хатирчи туманида ҳам озиқ-овқат программасининг муҳим тармоғи ҳисобланган гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, туманда қорамоллар наслини яхшилаш, аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги сигирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган, барча махсус воситалар билан жиҳозланган 18 та участка фаолият олиб бормоқда ва улар томонидан ҳудудлардаги 11 минг 596 та сигирлар сунъий уруғлантирилган.

— Энг асосий мақсадимиз авваламбор чорва наслини яхшилаш. Буни амалга оширишда хорижий давлатлардан келтирилаётган насли қорамоллар билан бир қаторда, сунъий уруғлантириш ветеринария пунктлари фаолияти орқали фермер хўжаликлари ва аҳоли қўлидаги қорамоллар наслини яхшилашга эришишни мақсад қилганмиз, — дейди туман ветеринария бўлими бошлиғи ўринбосари Шерзод Нурмуродов.

Албатта, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида, энг аввало, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, бу борада янги хўжалик юритувчи субъектлар, яъни янгидан янги лойиҳалар ишга туширишни тақозо этади. Тумандаги “Барака Хатирчи парранда” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай мақсадда ташкил этилган бўлиб, корхонада етти хазинадан бирининг кўзи очилган — паррандачилик тармоғини ривожлантириш орқали халқимиз дастурхонини парҳез

маҳсулотлар билан тўлдиришда ва туман иқтисодиётини юксалишида муҳим омил бўлаётир.

— Президентимиз томонидан 2021 йил 3 март куни «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан тақдим этилган имтиёзлар ҳақида эътироф этмай иложимиз йўқ. Ушбу қарорга асосан, чорвачилик хўжаликларига — ўз хўжаликларида етиштирилган гўшт учун субсидия тўлаб берилиши ва бошқа имтиёзлар биз каби тадбиркорларга катта имкон яратиб берди, — дейди МЧЖ раҳбари Отабекжон Исмоилов.



Суратда: “Барака Хатирчи парранда” МЧЖ раҳбари Отабекжон Исмоилов

Шунингдек, қўшни Нарпай тумани туманида ҳам соҳа ривожини йўлида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қорамолчилик, қуёнчилик, паррандачилик, балиқчилик хўжаликлари таш-

кил қилинмоқда. Лойиҳалар асосида хориждан насли чорва келтирилиши, кўпайтирилиши ҳудудда чорва наслини яхшилабгина қолмай, гўшт ва сут маҳсулотларининг кўпайишига ҳам хизмат қилмоқда. Тумандаги “Нарпай Нозимжон” фермер хўжалигида ҳам айна дамда 70 бош насли қорамоллар парваришланмоқда.

— Хориждан насли қорамол олиб келувчиларга тақдим этилётган субсидия маблағлари бизга анча енгилликлар яратмоқда. Ушбу имтиёзлардан фойдаланиб, келгуси йилда ҳам хориждан яна 30 бош қорамол олиб келишни режалаштириб турибмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Нодир Тоғаев. — Кейинги йилларда чиқарилаётган янги қарорлар, яратилаётган имтиёзлар бизга харажатларимизни иқтисод қилишга ва қўшимча янги тармоқларни яратиш имконини бермоқда. Чорвачилик хўжаликларига — ўз хўжаликларида етиштирилган сутнинг ҳар 1 литри учун 200 сўмдан тўланиши ва хориждан олиб келинадиган ҳар бир қорамол учун бериладиган субсидиялар бизга раванқ топишимизда каттадан-катта имкониятлар яратмоқда.

Албатта, аграр соҳанинг етакчи тармоқлари истиқболи учун амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар, Бу саъй-ҳаракатлар пировардида бозорларда чорва маҳсулотлари сут, гўшт, ёғ сероблигини ва арзонлигини таъминланиб, аҳоли дастурхонига файз-барака киритиш билан бирга иқтисодиётимизнинг янада юксалишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

ОТ – ЙИГИТНИНГ ЙЎЛДОШИ

От – қадимдан инсониятнинг энг яқин йўлдоши бўлиб келган. Тарихдан маълумки, ота-боболаримиз ўз тулпорларини ардоқлаган, зъозлаган, ҳатто, ўз ҳаётларини ҳам садоқатли тулпорларига ишонган. Халқ оғзаки ижодида ҳам Гўрўғлини Ғиркўксиз, Алпомишни Бойчиборсиз таърифлаб бўлмагандай, эр йигитларни ажойиб тулпорларисиз таъриф тавсифлаб бўлмайди...



Кейинги йилларда юртимизда ҳам насли йилқичиликни ривожлантириш ва вилоятлар кесимида бош сонини кўпайтириб бориш юзасидан ҳукуматимиз томонидан кўплаб қарорлар қабул қилинмоқда. Бу борада Самарқанд Ветеринария институти таянч докторанти Аҳмаджон Рўзибоев билан суҳбатда бўлдик.

– Аҳмаджон, сиз ҳақингизда «Отлар табиби» деган таърифни эшитиб ҳайрон қолдик. Ваҳоланки, аҳоли орасида ветеринарлар деганда барча ҳайвонот оламини даволовчилар деган тушунча мавжуд?

– Тўғри, халқимиз ветеринарлар барча ҳайвонот оламини даволавейришади, деб ўйлашади. Аслида, ҳар бир ҳайвоннинг тана тузилиши, қон босими ва яшаш тарзи ҳар хил. Шунинг учун ветеринария соҳасини танлаган киши доимо изланишда бўлиши лозим. Отлар, менимча, илоҳий мавжудот. Улар инсон билан бир бутун бўлиш хусусиятига эга. Ўз эгасининг кайфиятини жуда яхши ҳис қилади ва умри давомида хожасига вафодор бўлиб яшайди. Шу боис асосан, отларни даволаш йўналишидаман.



– Шунга қарамай, айнан отларни даволайдиган малакали мутахассисларга доимо талаб катта.

– Шундай, мен болагимдан тулпорлар ишқибозиман. Шунинг учун Самарқанд ветеринария медицинаси институтини тамомлагач, илмий иш қилиш тараддудига тушдим. Айни кунларда устозим в.ф.д профессор Ҳ.Ниёзов билан биргаликда Сурхондарё, Тошкент, Андижон, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида отларда бўғим касалликларини келтириб чиқарувчи асосий сабабларни ўрганиб чиқдик. Олиб борилган илмий-тадқиқотларимиз натижасида ушбу касалликлар асосан кўпқари ва от спортида қатнашувчи отларда кузатилиши аниқланди. Шунинг учун «Отларда йирингли бўғим касалликларини даволаш ва олдини олиш» мавзусида илмий тадқиқотлар олиб бораётган.

– Кўпқари ва от спорти азалдан халқимиз ўртасида энг сеvimли спорт тури сифатида эътироф этиб келинади. Бунда, албатта, отни ёшлигидан тарбиялаш ва саломатлигини назорат қилиш талаб қилинади.

– Президентимизнинг 2021 йил 11 мартдаги «Йилқичилик ва от спорти янада ривожлантириш ҳамда замонавий

бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг халқимиз орасида ушбу соҳага бўлган қизиқиш янада ортди. Фермер хўжаликлари ва аҳоли орасида насли йилқилар бош сонини кўпайтириш ва уларнинг орасидан кўпқари ва от спортида қатнашиши мумкин бўлган отларни ажратиш олиш ҳамда тарбиялашга эътибор кучайди. Асосан, кўпқарига кирган отлар ўз эгасининг мақсади йўлида ўзини аямаслиги натижасида бўғим касаллигини орттириб олади. Натижада, уларни ўз вақтида даволамаслик салбий оқибатларга олиб келади. Дунёнинг аксарият мамлакатларида спорт отлари орасида юқумсиз касалликларнинг асосий қисмини хирургик паталогия ташкил этиб, жумладан, оёқ касалликлари оқибатида уларнинг муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилиши қайд этилмоқда. Отларнинг локомотор тизими, айниқса, оёқ бўғимларнинг йирингли яллиғланишлари жараёнларининг сабабларини аниқлаш, эрта ташхис қўйиш, замонавий даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

– Айни кунларда эришилаётган натижаларингиз юзасидан ўртоқлашсангиз.

– Кейинги йиллар давомида отларда йирингли бўғим касалликларида, олинган йирингдан микроорганизмларининг турлари ва турли дори воситаларида сезувчанлигини аниқлаш ва олинган софкултурани қуёнларда синаб кўриш ҳамда «Отларда йирингли бўғим касалликларини даволаш ва олдини олиш мавзуси бўйича апробациялар ўтказилди. Илмий тадқиқотлар натижасида бўғим касалликларини келтириб чиқарувчи асосий сабаблар ўрганилди ва замонавий даволаш усули ишлаб чиқилди, касаллик, асосан, кўпқари спорт ўйинларида қатнашадиган отларда кузатилиши аниқланди. Олдини олиш ва, шу билан бирга, янги замонавий даволаш усули ишлаб чиқилди.

– Келгусида бу борада от спорти ишқибозлари бемалол сизга мурожаат қилишлари мумкин, шундайми?

– Албатта, устозим билан биргаликда юртимизнинг барча вилоятларидаги от спорти ишқибозларига имкон даражада қўлини қўйишга тайёرمىз.

Суҳбатдош ўз мухбиримиз
Каримжон ЭРГАШЕВ.

Ўзбек тили дилимда яшайди, тилимда куйлайди.



Суғд вилояти “Ўзбеклар маънавият ва маърифат” маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси билан биргаликда Хўжанд шаҳрида “Ўзбекистон ва Тожикистон дўстлиги абадий” номли давра суҳбатини уюштирди.

Ўзбекистондаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти халқ дипломатияси маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамияти, Республика тожик миллий маданий маркази вакиллари билан иборат делегация ана шу тадбирда қатнашиш учун Хўжандга бордик.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда Суғд вилоятининг барча туманларидан “Ўзбеклар маънавият ва маърифат” маркази фаоллари, шоирлар, ёзувчилар, ижодкорлар, жамоатчилик фаоллари тўпланган экан. Шу билан бирга, жиззахлик тожик ва ўзбек тилида ижод қилувчи бир гуруҳ ижодкорлар меҳмон бўлиб келишган экан.

Давра суҳбатиде ўзбек ва тожик халқлари ўртасида асрлар давомида синовдан ўтган мустаҳкам дўстлик алоқалари, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг юксак саъй-ҳаракатлари эвазига бу азалий ришталар, қардошлик алоқалари янада ривожланиб, муносабатларимиз сифат жиҳатдан янги босқичга – стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилгани ҳақида фикрлар билдирилди, маърузалар тингланди.



Суратларда: давра суҳбатидан лавҳалар.

Давра суҳбатиде “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамияти фаолияти ҳақида ҳам сўз юритилди. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, Тожикистонда яшовчи ўзбек ватандошларни қўллаб-қувватлаш йўлида йўлида жамият бошқаруви раиси Ш.Хамраев ташаббуси билан режалаштирилган тадбирлар тўғрисида маълумот берилди.

Тадбирда “Меҳрнома” китобининг тақдими ўтказилди.

“Ўзбек ва тожик дўст халқ” деган таърифни кўп эшитамиз. Аслида, улар дўстан ҳам яқинроқ, улар икки тилда сўзлашувчи жондош, қондош бўлган бир халқ.

Хўжанд шаҳрининг қоқ ўртасини кесиб ўтувчи азим Сирдарё соҳилида туриб, дарё манзараларини томоша қилиб суҳбатлашар эканмиз, Суғд вилояти ирригация ва мелиорация бошқармаси бошлиғининг маслаҳатчиси, тажрибали сувчи Латифжон Султонов ана шу фикрларни фахр билан айтди.

- Биз бир дарёдан – Сирдарёдан сув ичамиз. Қарийб эллик йилдан буён сувдан унумли фойдаланиш масаласида Катта Фарғона канали, Шимолий Фарғона канали масъуллари билан кўп учрашганман, улар ҳам Хўжандга кўп келишган. Доим мулоқотдамиз. Сувчиларнинг миллати бўлмайди, дейишади. Ҳақиқатдан ҳам биз ягона миллат, бир халқ вакилларимиз, - дейди Латифжон ака.

Китобдан Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти ҳамда Тожикистон Республикаси Суғд вилояти ижодкорларининг ўзбек ва тожик тилларидаги асарлари ўрин олган.

Ушбу тўплам адабиётнинг чегараси ва миллати бўлмаслигининг, у инсониятни дўстликка, бирликка, меҳроқибатга чорлашининг яна бир амалий тасдиғи сифатида эътироф этилди.

Ўзбек адабий тилининг жозибаси, бунда адабиётнинг ўрни, тилимизни асраш ва соф ҳолда авлодларга етказиш ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати якунланганидан сўнг ўзбек ва тожик биродарлар Сирдарё соҳилида бир пиёла чой устида адабий мулоқот қилдилар. Икки халқ дўстлигини тараннум этувчи шеърлар ўқилди, куйлар жаранг сочди, мушоира қизғин бўлди. Ҳар икки томон вакиллари дўстлик булоғидан қониб, кейинги шундай учрашувларни орзиқиб кутишларини қайта-қайта таъкидлаган ҳолда хайрлашдилар.

Мен Латифжон ака билан ана шу ерда суҳбатлашиб қолдим.

Йўл-йўлакай кун давомида кўрган-кечирганларимни хаёлдан ўтказар эканман, тадбирни олиб борган, Хўжандда бизга ҳамроҳлик қилган жаҳонгашта журналист, истеъдодли ижодкор Озод Мелибоевнинг қайноқ ва ҳароратли сўзлари, ўқиган икки сатр шеъри қулоғим остида қайта-қайта жаранглади:

Мен Ўзбекистонда яшайман, аммо ўзбек тилида яшайман!..

Ўзбек тили дилимда яшайди, тилимда куйлайди.

Биз, дунёнинг турли давлатларига тариқ донасидек тарқалиб кетган ўзбеклар дунёнинг қай бир юртида бўлмайик, фикру хаёлимиз ўзбек тилида. Биз она тилимизнинг маънавий хазинасига ўз ҳиссамизни қўшаверамиз. Биз, дунё ўзбеклари Ўзбекистонда бўлмасак ҳам, ўзбек тилидан ва бу тилнинг макони бўлган Ўзбекистондан айро эмасмиз. Биз сизларнинг ҳузурингизда бўлмасак ҳам, сизлар биланмиз.

Зеро, шоир айтади:

Гар дар Ямани, чу бо мани, пеши мани,
В-ар пеши мани, чу бе мани, дар Ямани!
Яъни,

Сен Яманда бўлсанг ҳам, мен билан бўлганинг учун менинг ёнимдасан,

Лекин сен менинг олдимда бўлсанг ҳам, менсиз бўлсанг, гўё Ямандасан!

Шуҳрат СУЮНОВ,

“Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамияти
ижрочи директори.

ДАЪВОГАР ТАЛАБИ ТЎЛИҚ ҚОНДИРИЛДИ

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси
“Шовот дон маҳсулотлари” АЖ
манфаатида, Шовот туманлараро
иқтисодий судига даъво ариза билан
мурожаат қилиб, «Ўктам Сайёра Сар-
дор» фермер хўжалигидан 8.550.000
сўм қарздорликни ундиришни сўраган.**



Ишдаги ҳужжатлардан ва суд муҳокамасидан аниқланишича, “Шовот дон маҳсулотлари” АЖ ва «Ўктам Сайёра Сардор» фермер хўжалиги ўртасида 2021 йил 21 апрелда 11-сонли “Соя уруғини” етказиб бериш юзасидан олди-сотди шартномаси тузилган ва томонларнинг мажбуриятлари белгиланган.

Шартноманинг 1.1-бандига кўра, даъвогар шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда тегишли сифатга эга бўлган маҳсулотни топшириши, жавобгар олинган уруғлик маҳсулотининг ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда жами 8.550.000 сўмлик маҳсулот 2021 йил 22 апрел кунги 000013-сонли ҳисоб-фактураларга асосан етказиб берилган бўлса-да, жавобгар томонидан маҳсулот ҳақи тўлаб берилмаган.

Даъвогар “Шовот дон маҳсулотлари” АЖнинг талабнома хати ҳам жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Бунинг оқибатида, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Даъвогар “Шовот дон маҳсулотлари” АЖ ва жавобгар

«Ўктам Сайёра Сардор» фермер хўжалиги ўртасида тузилган 2021 йил 22 апрел кунги 000013-сонли ҳисоб-фактура билан 8.550.000 сўмлик маҳсулот етказиб берилганлиги тасдиқланган бўлса-да, қарздорлик мавжудлиги жавобгар томонидан ҳам тўлиқ тан олинганига қарамай, қарз суммаси тўлаб берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддаси 2-хатбошисида мажбуриятлар – шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқиши назарда тутилган.

ЎЗР ФКнинг 236-моддасида белгилаб қўйилганига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Тарафлар ўртасида имзоланган шартномага кўра жавобгарга даъво талабидаги миқдорда маҳсулот етказиб берилганлиги, ишга тақдим қилинган тегишли ҳисоб-фактуралар ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланади.



Суд ЎЗР ФКнинг 236-моддаси талабларидан келиб чиқиб, даъвогарнинг талабини қаноатлантириб, жавобгар «Ўктам Сайёра Сардор» фермер хўжалигидан “Шовот дон маҳсулотлари” АЖ га 8.550.000 сўм миқдордаги қарздорликни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилиб, даъвогарнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини таъминланди.

Баҳром ҲАЙИТБОЕВ,
Шовот туманлараро иқтисодий суди раиси.

Маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раисларининг ишончномаларни тасдиқлаш ваколати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги 328-сонли қарори билан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан суммаларни олишга ишончномаларни (кейинги ўринларда ишончномалар деб аталади) тасдиқлаши мумкин.

Юқорида қайд этилган ушбу Низомга кўра фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланаётган ишончномаларга фуқаролар йиғинларининг номлари қайд этилган муҳр босилади.

Ишончномалар давлат тилида расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган ишончнома матни фуқароларнинг талабига биноан фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан рус тилида ёки имкони бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

Ишончноманинг матни аниқ ва равшан, мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар кўрсатилган бўлиши шарт. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили кўрсатилган ишончномаларни тасдиқлашда чет эл фуқаролари қатнашаётган бўлса, уларнинг фуқаролиги ҳам кўрсатиб ўтилиши керак.

Ишончномадаги охиригача тўлдирилмаган сатрлар ва бошқа бўш жойларга чизиқ тортиб қўйилади, чет элда амал қиладиган ишончномалар бундан мустасно. Қўшимча ва тузатишлар тегишли шахсларнинг (ишончномани имзолаган бошқа шахсларнинг) имзоси олдиндан изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзувнинг охирида фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) имзосидан олдин тақдоран изоҳланиши, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Тасдиқловчи ёзувдаги тузатишлар фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) имзосидан олдин изоҳланиши ва имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланиши керак. Бунда тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлиши лозим.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ўз ташаббуси билан ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра, ишончномага унинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қўшимчаларни киритиши ёки ундаги аниқ арифметик хатоларнигина тузатиши мумкин.

Мурожаат қилувчининг илтимосига кўра, ишончнома лойиҳаси фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан тузилиши мумкин.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) қуйидаги ҳолларда ишончномани тасдиқлашни рад этади, агар:

- бундай ишончномани тасдиқлаш қонунга зид бўлса;
- бу ҳаракат нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;
- муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган бўлса;
- ишончномани тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг қалбакилаштирилганлиги яққол кўриниб турган бўлса ёки бунга шубҳа туғдирувчи етарли асослар мавжуд бўлса, ишончнома тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

Рад этиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) фамилияси, исми ва отасининг исми, фуқаролар йиғинининг номи, жойлашган жойи (почта манзили);
- ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, турар жойи;
- ишончномани тасдиқлашни рад этишга сабаб бўлган ҳолатлар (қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда);
- шикоят қилиш тартиби.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ишончнома тасдиқлаш учун ўз иш жойидан ташқарига чиққанида, манфаатдор жисмоний шахслар унинг амалдаги транспорт харажатларини қоплайди.

Ишончномани тузиш ва тасдиқлаш учун ишончли вакилнинг иштироки талаб этилмайди.

Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин. Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчининг сўзларига асосан ёзилган ҳолда берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ишончнома берувчи масъулдир. Бу ҳақда ишончнома матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этиб қўйилади.

Аризалардаги имзолар фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларига берилган ишончномалар матнида ҳужжатнинг дубликатини олиш ваколати кўрсатилган бўлиши лозим.

Ишончнома дубликатада тасдиқланган ва берилган асл ишончноманинг тўлиқ матни бўлиши шарт.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар, ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

Ишончнома берувчи томонидан ишончнома бекор қилинган тақдирда, рўйхатга олиш китобига ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли)да сақланаётган ишончнома нусхасига белги қўйилади. Ушбу ариза ишончнома нусхасига ёки алоҳида йиғма жилдга тикиб қўйилади. Аризанинг иккинчи нусхаси ишончли вакилни хабардор қилиш учун ишонч билдирувчига берилади.

Ўткир ЙҮЛДОШЕВ,

Боёвут туманлараро иқтисодий суди раиси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ШОЛИЧИЛИК СОҲАСИ ТАРИХИ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА

Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институти фаолияти 1926 йилда бошланган. Ўшанда Шредер номли Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тажриба станциясида шолчилик филиали очилган бўлиб, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлиги томонидан 25 гектар майдон ажратилган. Филиал Тошкент шаҳридан унча узоқ бўлмаган Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган ва 6 йил давомида шол иетиштириш бўйича илмий ишларни олиб борган. 1930 йилда филиал тажриба станциясига, 1931 йилда зонал Ўзбекистон шолчилик тажриба станциясига, 1932 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон зонал тажриба станциясига, шу йилнинг ўзида Ўзбекистон шолчилик тажриба станциясига ажратилиб, 1958 йилгача ўзгармаган ҳамда ЎзССР қишлоқ хўжалиги Халқ Комиссарлиги тасарруфида бўлган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1957 йил 15 июлдаги 356-сонли қарори ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари Академияси илмий-тадқиқот институтининг буйруғига асосан Ўзбекистон ССР 1958 йил 25 февралдаги 22-сон буйруғи асосида Ўзбекистон шолчилик тажриба станцияси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги институтининг шол и ва бошқа сўғориладиган экинлар бўлимига айлантирилди. 1959 йилдан бошлаб Пахтачилик илмий-тадқиқот институти тасарруфига ўтказилди. 1968 йил 1 январдан бошлаб “Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институти”га айлантирилди.



Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институтининг асосий вазифалари республикада сўғорма деҳқончилик шароитида ғаллачилик ва бошоқли дон экинлари масалаларини илмий асосида ишлаб чиқиш, шол, кенаф, джут, маккажўхори, ва дуккакларнинг янги серхосил навларини кўпайтириш, агротехнологияда прогрессив йўналишларни, шол и ва бошқа экинларнинг зарарли бегона ўтларига қарши кураш бўйича кимёвий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, илм-фан ютуқларини, илғор тажрибаларни совхоз ва колхоз ишлаб чиқаришига жорий этишдан иборат эди. Ушбу вазифаларга мувофиқ, институт иккита муаммо устида иш олиб борган. Улар шол и, маккажўхори ва дуккак экинларнинг янги навларини ўзлаштириш, бошоқли экинлар ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш.

Архив ҳужжатларини кўздан кечирар эканмиз, 1913 йилда 161,1 минг гектар майдонга шол и экилган. Чирчиқ ва Ангрен дарёлари ҳавзалари шол и етиштиришнинг катта майдонлари бўлиб, шол и экинлари 83 минг гектарга етган. Фарғона водийсида 45-50 минг гектар, асосан, Андижон вилоятида экилган. Зарафшон дарёси бўйларида 30-35 минг гектаргача экилган. Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистонда кичик майдонларга экилган. Демак, Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда шол ичилик деҳқончиликнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган. Республикада шол и экинларини қисқартириш жараёни 1927 йилдан 1959 йилгача давом этган, бунда шол и экинлари 1924 йилдаги 149,7 минг гектарга нисбатан 27,8 минг гектарга қисқарган.

Ўрта Осиёнинг асосий районларида шол и майдонларининг қисқартирилиши натижасида 1931 йилда унинг майдони кескин даражада қисқарган. Марказий Осиёда улар минимал даражага етган, яъни 68,300 га. Бундан ташқари, шол и

экинлари тумандан туманга уруғлик кўчирилиши туфайли туманларда нав материалининг аввалги характерли тақсимоти йўқолган. Олимлар бу масалани ҳал қилишда Ўрта Осиёда шол и навлари ва шакллариининг табиий тарқалишини ўрганиб, бунинг учун ўтган йиллардаги маълумотларга асосланиш кераклигини таъкидлашган, яъни 1923 йилдан 1928 йилгача бўлган йиллар.

Ўрта Осиёда шол и майдонларининг йилдан-йилга қисқариб борганлигини қуйида кўришимиз мумкин:

- 1. 1900 йил - 186,943 га.**
- 2. 1908 йил - 203,458 га.**
- 3. 1917 йил - 166,852 га.**
- 4. 1926 йил - 178,233 га**
- 5. 1930 йил - 82,602 га**
- 6. 1931 йил - 68,300 га**



Қадимги маълумотларга кўра, милоддан аввалги минг йиллар давомида Ўрта Осиё ҳудудида шол и етиштирилган. Узоқ вақт давомида унумдор дарё водийлари бўйига шол и экилган. Умумий шароитга қараб, асосан, йирик дарёлар водийлари бўйлаб тўпланган шол и етиштириш майдонлари кенгайган ёки қисқарган. Бу эса мамлакат иқтисодий аҳволининг гуллаб-яшнаши ёки таназзулини билдирар эди. Шу билан

бирга, Ўрта Осиёнинг жануб ва шарқдан етиб бориш қийин бўлган тоғ тизмалари, шимол ва ғарбдан эса чексиз чуллар билан ўралганлиги шולי етиштириш технологиясининг ўзгармаган ҳолда сақланиб қолишига хизмат қилди. Махсус, ўзига хос Ўрта Осиё навлари экилди. Иқлимлаштирилган навлар инқилобий давргача шולי етиштиришнинг тўлиқ қондирди, йиллар давомида деярли янгиланмади, фақат ўтган асрнинг 80-90-йилларида Ўзбекистонга “Американ – шали”, Қозоғистонга эса “Дунган-шали” нави олиб келинди. Иккала нав ҳам кенг тарқалган ва иқтисодий жиҳатдан қимматли навлар сифатида мустаҳкам мавқега эга бўлди.

Фарғона водийси 1908 йилда 66.850 гектар шולי экиладиган майдонга эга бўлган ва бу даврда у Чирчиқ, Ангрендан кейин иккинчи энг катта массив ҳисобланган. Фарғонада шоличиликнинг аҳамияти катта майдонлардан кўп маҳсулот етиштириш билан бир қаторда, олинган маҳсулотнинг сифати яхшилиги эди. Асосан, бу ерларга қуйидаги навлар экилган: “Арпа-шולי”, “Хожаахмат”, “Жайдари”, “Девзира”.

1933 йилда Ўзбекистон шоличилик тажриба станциясига Бектемир кишлоғидан тажриба участкаси ажратилди. Станция тажриба-синов ишлари олиб бораётган ушбу участка Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида шולי етиштиришнинг асосий ҳудудлари қаторида жойлашган. Ўзбекистон шоличилик тажриба станциясининг вазибалари қуйидагилардан иборат: шоличилик ва ўт етиштириш масалаларини илмий ишлаб чиқиш ҳамда фан ютуқлари ва илғор тажрибани совхоз ва колхоз ишлаб чиқаришига жорий этишдан иборат бўлган. Ўзбекистон Совет Иттифоқида шולי етиштириш ва шолининг ялпи ҳосили бўйича биринчи ўринни эгаллаб келган. Иттифоқдаги шולי етиштиришнинг 30% дан ортиги Ўзбекистонга тўғри келган. Гуруч маҳаллий аҳолининг сеvimли миллий таомларини тайёрлаш учун асосий маҳсулот ҳисобланган. Шўролар

мамлакатни эгаллагунча Ўзбекистон чегараларида шולי ҳосилдорлиги 11-13 ц/га атрофида ўзгариб турарди.

Собиқ Иттифоқнинг пахта мустақиллиги учун кураши даврида Ўзбекистон ССРда шולי экиш майдони сезиларли даражада қисқарди.

1960 йилга келиб шולי майдони атиги 25 минг гектарга тушиб кетган. Бу эса аҳоли бошига 3-3,5 килограммни ташкил этган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик режасига кўра, 1965 йилда шולי экиладиган майдонлар 60 минг гектарга етказилиши мўлжалланган.

Станция томонидан етиштирилган навлар орасида энг кенг тарқалган гуруч навлари:

УзРОС-7, УзРОС-7-13, УзРОС-269, УзРОС-1377, УзРОС-65, Узбек-2, УзРОС-275, УзРОС-17-24, УзРОС-72-2.

Қизил беда (красный клевер) Ўзбекистон учун янги экин ҳисобланган. Қизил бедани кўпайтириш ишлари станция томонидан 1945-йилда бошланиб, бир қанча навлари яратилган. Булар: МС-3, МС-В, Сорт-73, Сорт-45, Сорт гибрид-7, Сорт-8 гибрид. 1946 йилда колхоз ва совхозларда тажриба учун 300 гектар ерга экилган.

1965 йилда тажриба станцияси томонидан шолининг янги нави яратилган. Бу “УзРОС-59” нави бўлиб Ўрта Осиё ва чет давлатларда (Венгрия) районлаштирилган. Шולי билан алмашлаб экишга мўлжалланган экинлардан қуйидаги навлари олинган ва районлаштирилган: “Қизил беда”, “УзРОС-79”, “Сариқ маккажўхори-1”, “Ўзбек сояси-1”.


Саодат КУЧКАРЕВА,

Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви катта илмий ходими.



ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ



Надёжная полимерная продукция от производителя



Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

 **(+998) 94-638-33-33**
 **(+998) 95-142-31-19**
 **(+998) 97-342-50-08**
 **polimergalantery@mail.ru**
 **www.polimergalantery.uz**



ЯНГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Ингичка толали ғўза навлари мамлакатимизнинг жанубий вилоятлари, айниқса, Сурхондарё вилоятида азалдан етиштириб келинган. Яқин ўтмишга назар ташласак, ўтган асрнинг 80-йилларида катта майдонларга экилиб, 421 минг тонна пахта хомашёси тайёрланган, пахта ҳосили вилоятда 35-36 центнерни ташкил этган. Сўнгги йилларда “Пахтасаноат” ташкилотининг “ингичка толали пахта толасига талаб йўқ, толани сотиш мураккаблашмоқда”, деган баҳоналари оқибатида, юртимизда ингичка толали ғўза навларини экиш тўхтатилган эди.

Ваҳоланки, ингичка толали ғўза маҳсулотига дунё бўйича ҳар доим 13-15 фоиз талаб бўлиб келган. Ушбу ғўза навлари толаси ноёб, майин бўлиб, тўқимачилик саноатидан ташқари авиация, автомобиль саноатида кенг ишлатилади. Ингичка толали пахтанинг бир тоннаси 15 миллион сўм, бир тонна ўрта толали пахтанинг харид нархи эса 10 миллион сўмни ташкил этади. Яъни оддий толага нисбатан ингичка толали пахта нархи жаҳон бозорида 1,5 баробар қиммат туради. Айтиш мумкинки, ингичка толали ғўза навлари ҳосилдорлиги ҳам ўрта толали навлардан кам эмас, баъзи ҳолатларда ингичка толали ғўза навлари ҳосили ўрта толали навлардан юқори бўлади. Масалан, 1970-1990 йилларда вилоятнинг Қумқўрғон туманида Ҳасан Мухторов бошлиқ бригада 80-100 гектарга ингичка толали ғўзанинг “Ашхабад-25” биринчи тип тола берадиган навини экиб, ҳар гектар майдонга 40-50 тонна/га қўй гўнгини ишлатиб, ҳар йили 60-70 центнердан ҳосил олишга эришган. Жарқўрғон туманидаги Масис Хуррамова опамиз ҳам 50-60 гектардан 40-45 ц/га пахта ҳосили етиштирган, Хуллас, ингичка толали пахта самарали, баракатли экинлардандир.

Мамлакатимизда ингичка толали ғўзанинг жанубий минтақалар тупроқ-иқлим шароитларига мос серҳосил, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, саноатбон навларини яратиш ҳамда уруғчилигини қайта йўлга қўйиш, шунингдек, ресурс тежайдиган агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 18 мартда “Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахта етиштиришни илмий асосда амалга ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий-тажриба станцияси негизидан

Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.



Янги институтнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари:

- ғўзанинг ингичка толали янги навларини яратиш ва уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш;
- бу борада тупроқ унумдорлигини ошириш ва ресурс тежайдиган агротехнологиялардан фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, ингичка толали ғўзанинг янги навларини етиштирувчиларнинг малакасини ошириб бориш;
- етакчи маҳаллий ва хорижий илмий марказлар ҳамда таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги қарорига асосан, мазкур илмий-тадқиқот институти тузилмасида бошланғич ашё яратиш, интенсив навлар селекцияси, бирламчи уруғчилик ва уруғшунослик, амалий ва молекуляр генетика, толанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш, биотик ва абиотик омилларга бардошлилигини баҳолаш, янги ва истиқболли ғўза навлари агротехникаси каби лабораториялар ташкил этилди.

Янги институтимиз илмий жамоаси катта масъулият билан ишга киришди. Ҳозирги вақтда жамоамизнинг 6

нафари фан номзодларидан 2 нафари докторантурани тугаллаб, қишлоқ хўжалик фанлари доктори даражасини олиш учун диссертацияни ёқлаш арафасида, 2 нафар илмий ходимимиз эса докторант бўлиб, илмий ишларини давом эттирмоқда. Шунингдек, Термиз давлат университети, Агро-технологиялар ва инновациялар институти ходимларидан жами 4 нафар ёш докторант институтимиз далаларида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Ёш, иқтидорли илмий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Илмий



Ангор туманидаги “Замин Ангор” пахта-тўқимачилик клас-терида ингичка толали ғўзанинг истиқболли “Термиз-202” нави, Жарқўрғон туманидаги “Жарқўрғон тажриба” элита уруғчилигида ғўзанинг районлашган “Сурхон-14” нави, Қумқўрғон туманидаги “Илҳомбек Раҳмон” элита уруғчилик хўжалигида ингичка толали ғўзанинг истиқболли “Сурхон-16” нави ҳамда Шеробод туманидаги “Хайиталиев Абдуназар” элита уруғчилиги хўжалигида ғўзанинг районлашган “Сурхон-103” нави билан шуғулланувчи илмий марказлар ташкил этилди.

Институт далаларида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, манба тежовчи технологиялар, ғўзани томчилатиб суғориш бўйича ингичка толали ғўзанинг янги истиқболли навларини қўшқаторлаб экиш, кўчатни гектарига 140-160 минг тупгача сақлаб, 50-60 ц/га ҳосил етиштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Яқин келажакда бу изланишларимиз ўз натижаларини бера бошлайди.

ҳодимлардан 1 нафари “Республикада хизмат кўрсатган пахтакор”, 2 нафари фан ва техника бўйича Абу Райхон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндорларидир. Шунингдек, йирик селекционер олимлардан Х.Чориева Н.Авлиякулов ҳамда А.Донабоевлар янги истиқболли ғўза навларини яратиш борасида самарали меҳнат қилишмоқда. Ҳозирда ингичка толали ғўзанинг биринчи, биринчи “А”, биринчи “Б” тип берадиган “Термиз-202”, “Термиз-208”, СП-1607, СТ-1651 каби навлари яратилиб, истиқболли ингичка толали навлар уруғи кўпайтирилмоқда. Институтда янги истиқболли навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, институтимиз жамоаси янги, серҳосил навларни яратиш, уларга мос келадиган тежамкор технологияларни ишлаб чиқиб, келгусида республикамизнинг жанубида ингичка толали навлар парвариш қилинадиган майдонларнинг кўпайишига, бу борада пахтачилик иқтисодиёти ва рентабеллик даражаси юқори бўлишига эришиш учун изланиб, меҳнат қилмоқда.

Нажмиддин ОЧИЛДИЕВ,

Ингичка толали пахтачилик ИТИ директори,

Мардонқул ТАДЖИЕВ,

“Янги ва истиқболли ғўза навлари агротехникаси” лабораторияси мудири.

TALABALAR HAYOTI

“O‘ZKLAASAGRO” KORXONASIDA 5+1 DASTURI ASOSIDA DARS MASHG‘ULOTLARI OLIB BORILMOQDA

“Traktorlar va avtomobillar” kafedrasida joriy o‘quv yilida Qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash fakultetining “Qishloq va suv xo‘jaligida texnik servis” ta‘lim yo‘nalishi 3-kurs talabalariga “Traktorlar va transport vositalari” fanidan 5+1 dasturi asosida dars mashg‘ulotlari jadvali tasdiqlangan bo‘lib talabalarga dars mashg‘ulotlari kafedraning “O‘zKlaasAgro” QKda joylashgan o‘quv xonasida qo‘shma korxona bosh mutaxassisi X.Babaev va kafedra assistenti R.Xudoykulov hamkorligida olib borilmoqda. Talabalarga korxonada ishlab chiqarilayotgan traktorlar va qishloq xo‘jaligi texnikalari haqida, ularda qo‘llanilgan innovatsion echimlar haqida boshlang‘ich ma‘lumotlar berilib, traktorlarning va qishloq xo‘jaligi texnikalarining paydo bo‘lish tarixi, traktorlarga qo‘yiladigan talablarga aloxida to‘xtalib o‘tilmoqda. Talabalar ishlab chiqarish korxonasida tashkil qilingan dars mashg‘ulotidan o‘zlariga foydali ma‘lumotlarni olib



soha bo‘yicha o‘z bilimlarini mustaxkamlab bormoqdalar. Kafedrada 5+1 dasturi asosidagi dars mashg‘ulotlari o‘quv yili davomida davom ettirilishi rejalashtirilgan.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда етиштирилаётган хурмо мевасининг “Хиякуме”, “Занджи-мара”, “Денов қанди”, ва “Тамопан” навларида каротин миқдори бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Аннотация: В статье представлены результаты исследований по содержанию каротина в pomological persimmon сортах хурмы “Хиякуме”, “Занджи-мара”, “Денауский сахарный” и “Тамопан” произрастающих в Узбекистане.

Annotation: The article presents the results of studies on the content of carotene in the pomological persimmon varieties “Khiyakume”, “Zenji-mara”, “Denau sugar” and “Tamopan” growing in Uzbekistan.



ХУРМО КАРОТИННИНГ МУҲИМ МАНБАИДИР

Маълумки, боғдорчилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда боғдорчиликда субтропик мева боғларини яратишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Субтропик мевалар орасида хурмо меваси тарқалганлиги жиҳатидан анор мевасидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари табиий-иқлим шароити хурмо мевасини етиштириш учун энг қулай ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда академик М.Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти, унинг филиаллари ва тажриба станциялари ходимлари томонидан субтропик мевалар, шунингдек, хурмо меваси биологияси яхши ўрганилган бўлса-да, лекин унинг витаминлик қийматини ўрганиш бўйича бажарилган тадқиқот ишлари етарли эмас.

Шу сабабли биз хурмо мевасининг асосий витаминларидан каротинни (А-провитамини) ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқот объекти сифатида академик М.Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг Бандихон экспериментал хўжалигида етиштирилган хурмонинг “Хиякуме”, “Занджи-мара”, “Денов қанди” ва “Тамопан” навлари мевалари олинди.

Хурмо мевалари таркибида каротиннинг миқдорини И.К.Мурри усули билан аниқладик.

Каротин – табиатда энг кўп тарқалган сариқ-қизил пигментлар гуруҳига киради. Кўпинча бу пигмент ўсимликларнинг яшил қисмида хлорофилл билан бирга келади. Шунингдек, сариқ-қизғиш рангли мевалар ҳам каротиннинг асосий манбаи ҳисобланади. Каротиннинг ўзи витамин фаоллигига эга бўлмаса-да, инсон организмда каротиназа ферменти таъсирида А витаминига айланади. Каротиннинг бетта-изомери бошқаларга нисбатан икки марта фаолроқ ҳисобланади. Бугунги кунда β-каротин ва унинг изомери овқатга қўшиб ишлатиладиган ва организмни химоя қилувчи истиқболли озуқавий қўшимча ҳисобланади. Каротин организмни радиоактив нурланишнинг зарарли таъсиридан сақлайди ва юрак-қон томир касалликларининг

хавфини камайтириши кўпгина тадқиқот натижалари асосида исботланган.

Хурмонинг ўрганилган помологик навларидаги каротин миқдори диаграммада келтирилди.



Диаграмма. Хурмода каротин миқдори (100 г и да мг ларда).

Келтирилган диаграмма маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, хурмонинг “Денов қанди” ва Занджи-мара навлари каротинга энг бой бўлиб, унинг миқдори 100 г маҳсулотда 2,5 мг га яқини ташкил этади. Каротиннинг миқдори хурмонинг “Хиякуме” ва “Тамопан” навларида эса 100 г маҳсулотда 1,5 мг миқдорида эканлиги аниқланди. Хурмо мевасининг каротин миқдори бўйича олма меваси билан таққосласак, хурмо меваси олмага қараганда 5-6 марта каротинга бойроқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, каротинга бойлиги учун хурмо мевасидан профилактик восита сифатида фойдаланиш мумкин. Иккинчидан, хурмо мевасидан конфитюр, джем ва бошқа консерва маҳсулотлари тайёрлашда каротинга бойитувчи қўшимча хомашё сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Рузибой НОРМАХМАТОВ,
т.ф.д., профессор,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ермаков А.И. и др. Методы биохимического исследования растений. -Л.: Агропромиздат, Ленингр. отделение, 1987.
2. Карелин А.О. Витамины. М.: Серия советы доктора, 2002, 139 с.
3. Блинкин С.А. Иммуниет и здоровье. М.: Знание, 1977.
4. Печинский С.В, Курегян А.Г. Влияние каротиноидов на иммунитет. Химический-фармацевтический журнал, 2013, Т. 47, №10, с. 3-8.
5. Справочник по диетологии. Под редакцией А.А. Покровского. М.: Медицина, 1981, 704 с.

МИНЕРАЛ ЎЎГИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ КУЗГИ БУЎДОЙ ВА АНЎЗИДА ЕТИШТИРИЛГАН ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада асосий экин сифатида етиштирилган кузги буғдой етиштиришда қўлланилган минерал ўғитлар турли меъёр ва нисбатларининг таъсири ўрганилган. Азотли ўғитлар меъёрлари 210 кг/га гача оширилиб, фосфорли ўғитлар тавсия этилган меъёридагига нисбатан (P90) 105 кг/га дан 150 кг/га гача, калийли ўғитларнинг тавсия этилган меъёридагига (K60) нисбатан 70 кг/га дан 100 кг/га гача оширилганда дон ҳосилдорлиги 35,5 ц/га дан 44,6 ц/га гача ошганлиги кузатилди.

Аннотация. В статье рассмотрено влияние различных норм и пропорций применения минеральных удобрений при возделывании озимой пшеницы, выращиваемой как основная культура. При увеличении норм азотных удобрений до 210 кг/га, фосфорных удобрений - со 105 кг/га до 150 кг/га по сравнению с рекомендуемой нормой (P90), калийных - с 70 кг/га до 100 кг/га по сравнению с рекомендуемой нормой (K60) отмечено увеличение урожайности зерна с 35,5 ц/га до 44,6 ц/га.

Annotation. The article considers the influence of various norms and proportions of the use of mineral fertilizers in the cultivation of winter wheat grown as the main crop. With an increase in the norms of nitrogen fertilizers up to 210 kg/ha, phosphate fertilizers - from 105 kg/ha to 150 kg/ha compared to the recommended rate (P90), potash fertilizers - from 70 kg/ha to 100 kg/ha. compared with the recommended rate (K60), an increase in grain yield from 35.5 c/ha to 44.6 c/ha was noted.

Суғориладиган экинларни суғориш учун сув манбаларининг чегараланганлиги ердан самарали фойдаланишнинг илғор ва самарали агротехнологиялари ишлаб чиқишни тақоза этмоқда. Ана шундай илғор технологиялардан бири минерал ўғитлардан янада самаралироқ фойдаланишдир.

Деҳқончиликда ғўза ва беда алмашлаб экиш ўрнини ғўза ва кузги буғдойни навбатлаб экилиши эгаллаганлиги, ҳамда маҳаллий ўғитлар етишмаслиги ушбу муаммони янада кучайтирмоқда.

Ўзбекистоннинг суғориладиган жанубий минтақалари бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдой ҳосилдорлигига минерал ўғитлар таъсири ва анғизда такрорий экинлар сифатида етиштирилаётган экинлар ҳосилдорлигига кейинги таъсири бўйича дала тажрибалари ўтказилди.

Тажрибада кузги юмшоқ буғдой ва анғизда тарик ва мош етиштирилиб, минерал ўғитларнинг кузги буғдойга таъсири ва тупроқдаги қолдиқларининг такрорий экинлар ҳосилдорлигига кейинги таъсири ўрганилди.

Тажриба натижалари бўйича кузги юмшоқ буғдой минерал ўғитлар билан озиклантирилмасдан етиштирилгандаги дон ҳосили ўртачаси 35,8 ц/га ташкил этгани ҳолда минерал ўғитларнинг тавсия этилган ($N_{180}P_{90}K_{60}$) меъёр ва нисбатига нисбатан камайтирилиб ($N_{150}P_{75}K_{50}$) қўлланилгандаги ҳосилдорлик минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан етиштирилган дон ҳосили 23,1 ц/га юқори бўлиб, тавсия этилган ($N_{180}P_{90}K_{60}$) меъёр ва нисбатдаги тажриба вариантыда 31,5 ц/га юқори бўлишини ташкил этди. Минерал ўғитлар меъёри ва нисбати оширилиб ($N_{210}P_{105}K_{70}$) қўлланилганда эса олинган қўшимча дон ҳосили 35,5 ц/га ташкил этишини кўрсатди.

Лекин минерал ўғитларнинг тавсия этилган меъёри ва нисбатларига нисбатан фосфорли ва калийли ўғитлар меъёрлари ва нисбатлари оширилиб қўлланилганда олинган қўшимча дон ҳосилининг минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан янада ошиши кузатилди.

Азотли ўғитларнинг тавсия этилган 180 кг/га меъёрига нисбатан 210 кг/га гача оширилиб қўлланилган фонда фосфорли ўғитлар тавсия этилган 105 кг/га меъёрига нисбатан

120 кг/га гача, калийли ўғитлар 60 кг/га дан 120 кг/га гача оширилиб қўлланилгандаги қўшимча дон ҳосили минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан 40,1 ц/га ошиши кузатилди. Шунингдек фосфорли ва калийли ўғитлар қўллаш янада оширилгандаги дон ҳосилдорлигининг 41,5-44,6 ц/га гача ошишини кўрсатди.

Кузги буғдой минерал ўғитлар билан озиклантирилганда нафақат фосфорли ва калийли ўғитларнинг деярли учдан бир қисми тупроқда қолдиқ сифатида қолиб кетиб самарадорлиги пасайиши билан бирга тупроқ эритмаси концентрациясига салбий таъсир этиши оқибатида тупроқ экологиясига ҳам салбий таъсир этади.

Шунинг учун асосий экин сифатида етиштирилган кузги юмшоқ буғдой ҳосили ёзнинг ўртасида йиғиштирилиб олинган билан анғизда минерал ўғитлар қўлланилмасдан етиштирилганда кузги буғдойни озиклантириш учун қўлланилган минерал ўғитларнинг тупроқдаги қолдиқлари ҳисобига ёзнинг иккинчи ярми мобайнида такрорий экинлар сифатида тарик ва мош етиштирилиб иккинчи ҳосил етиштирилди.

Тажрибалар натижалари бўйича кузги буғдой анғизда ёзнинг иккинчи ярми мобайнида такрорий экинлар минерал ўғитлар қўлламасдан кузги буғдойни озиклантиришда қўлланилган минерал ўғитларнинг тупроқдаги қолдиқлари ҳисобига етиштирилгандаги дон ҳосили кузги буғдойни озиклантириш учун қўлланилган минерал ўғитларнинг тупроқдаги қолдиқлари ҳисобига олинган ҳосил 0,31 ҳиссадан 0,35 ҳиссагача ошишини кўрсатган бўлса, мош ҳисобига олинган қўшимча ҳосил 0,21 ҳиссадан 0,24 ҳиссагача ошишини кўрсатди. Ушбу ҳолатни дон ҳосилдорлиги бўйича ифодаланганда кузги буғдойнинг такрорий экин сифатида етиштирилган тарик дон ҳосили билан биргаликда кузги буғдойни озиклантириш учун қўлланилган минерал ўғитларнинг тупроқдаги қолдиқлари ҳисобига олинган иккинчи ҳосил билан бирга 77,2 ц/га дан 108,2 ц/га гача; Кузги буғдой дон ҳосили билан такрорий экин сифатида етиштирилган мошнинг дон ҳосили билан бирга тупроқдаги қолдиқ ўғитлар ҳисобига 71,4 ц/га дан 99,6 ц/га гача ошганлиги кузатилди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари шароитида суғориладиган ерлардан йил давомида ўзлуксиз фойдаланиб бир йилда икки марта дон ҳосили етиштиришда минерал ўғитларнинг таъсири ва кейинги таъсирдан самарали фойдаланиш юқори самарали агротехнологиялардан бири бўлиб, дон маҳсулотларини

кўпайтиришнинг янги имкониятларини очиб беради.

Шухрат ИРНАЗАРОВ,

қ.х.ф.н, доцент.

Азиза ХОЛМУРОДОВА,

талаба.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Габибов М.А. Последствие минеральных удобрений при выращивании озимой пшеницы. Зерновые культуры. №1, 2001. С. 11-13.
2. Исмоилов У., Садыков Е., Реимов Н. Два урожая в год. Ўзбекистон қ/х журналы. №2, 2006. 14 бетда.
3. Ирназаров Ш.И. Минеральные удобрения в орошаемом зернопроизводстве. Журнал Агрохимический вестник. М. 2000. 5. С. 34.

УЎТ: 631.5+633.174

ТАДҚИҚОТ

АНҒИЗЛИ МАЙДОНЛАРДА ОҚ ЖЎХОРИ ЭКИНИДАН ЯШИЛ МАССА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ

Аннотация: Бошоқли экинлардан бўшаган майдонларда анғизли экин сифатида чорва ҳайвонлари учун оқ жўхори экинининг тезпишар навларини экиб ширали, тўйимли яшил масса озукасини етиштириш бўйича агротехник тадбирлар мақолада ёритилган.

Аннотация: В статье описаны агротехнические мероприятия по выращиванию сочной, питательной кормовой зеленой массы путем посева сортов сорго в качестве покровной культуры на полях, освобожденных от колосовых культур для животноводства.

Abstract: The article describes agrotechnical measures for growing juicy, nutritious fodder green mass by sowing sorghum varieties as a cover crop in fields freed from spike crops for livestock.

Оқ жўхори ҳосилдорлиги жиҳатидан юқори имкониятларга эга, маҳсулот сифатида универсал даражада фойдаланиш мумкин бўлган экиндир. Бундан ташқари қурғоқчиликка, иссиққа, шўрга чидамлилиги бўйича унга тенглашадигани йўқ.

Жўхорини катта майдонларда етиштирилиши, уни жой танламаслиги (беорлиги), юқори экологик мутаносиблиги, иссиққа ва қурғоқчиликка чидамлилигидир. Жўхорини юқори маҳсулдорлиги, озукавийлиги ва универсаллиги сабаб, у дунё бўйича истиқболли экинлар қаторига киритилган.

Қуруқ иқлим ҳудудларида озук а етиштиришнинг асосига жўхори, судан ўти, маккажўхори экинлари киради, улардан юқори даражада дон ва кўк масса ҳосили етиштирилади ва шу билан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ҳамда паррандаларни концентрат озук ага бўлган талабини қондиради.

Қанд жўхори экини қурғоқчиликка чидамли экин бўлиб, 1 гектар лалми майдондан, пояси таркибидаги шарбатда 18-20 % қанд моддаси мавжуд бўлган 30 т/га кўк масса ҳосилини етиштира бўлади. Олинган ҳосилдан кам харажатли, қимматли озук авийликка эга силос, сенаж тайёрланади [3; 18–21-б., 1; 40-б.].

Шуниинг билан бирга ширали озук алар чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ҳам оширади.

Ўзбекистонда жўхори дони ва кўк массаси билан от, қўй, парранда, гўшт учун боқилаётган буқачалар, соғин сигирлар устида олиб борилган тажриба натижаларига кўра, бу экин билан озиклантиришда қимматли озук а сифатида фойдаланса бўлади деган хулосага келинган.

Озук а экинлари илмий-тажриба станцияси олимлари томонидан оқ жўхоридан яшил масса етиштириш бўйича олиб борган илмий-тадқиқот тажриба натижаларидан келиб чиқиб, қуйдаги хулосаларни тавсия қилади. Бошоқли экинлардан бўшаган майдонларни биринчи галда яхшилаб сомон

қолдикларидан тозалаш, суғориш ва 18-22 см чуқурликда чизеллаш, ёки 12-15 см чуқурликда дискалаш, нам сақлаш мақсадида мола (раис мола) тортиш ишлари амалга оширилади, уруғликлар суғориш эгатларини олиш билан бирга 130-140 минг туп кўчат қалинликда экилади ва дархол суғориш ишлари олиб борилади.

Анғизли майдонларда яшил масса етиштириш учун маҳаллий оқ жўхори навларидан “Ўзбекистон-5”, “Қорабош”, суданкалардан “Вахш-10”, “Чимбайский юбилейный”, НСДЖИН экиш лозим бўлади. Уларни уруғлик сарфи гектарига 15-20 кг, экиш чуқурлиги 3-4 см.ни ташкил этади. Яшил масса ҳосилдорлиги икки ўримда 45-50 тоннани ташкил этади. Биринчи ўрими 54-57 кунда тайёр бўлса, иккинчи ўрими 35-37 кунда тайёр бўлади, ўсимлик бўйи 2,20-2,40 метрни ташкил этади.

Бу навларни экиш муддати, бошоқли экинлардан бўшаган майдонларда (анғизли) - 15 июндан – 10 июльгача ҳисобланади.

Экилган уруғ униб чиқиб, 3-4 барг бўлганда биринчи культивация ёки замонавий агрегат фреза культиватор қилинади. Зараркунандаларга қарши акарацидлар (Карате зелаек, Карате супер ва ҳ.қ.) билан ишлов берилади. Кимёвий қураш қилинганда сўнг ўсимлик стресс ҳолатка тушиб қолади ва ривожланиш жараёни 7-10 кунга ортка чўзилади. Буни олдини олиш мақсадида таркибида микроэлементи (бор, рух, мис, кобальт ва ҳ.қ.) бор ўғитлар (гуми, гумат ва ҳ.қ.) билан баргидан озиклантириш керак. Озиклантириш вақти эрталаб соат 4.00 – 7.00 оралиғида ёки кечки вақт соат 17.00-20.00 оралиғида ўтказиш лозим бўлади, чунки бу пайтда ҳаво салқин бўлиб, экинни танасида сув яхши ҳаракатланади ва барг оғизчалари яхши фаолият кўрсатаёткан давр бўлади.

Зараркунандаларга қарши биологик усул билан ҳам

курашиш мумкин. Бунда 1 гектар майдонга 3,0-4,0 минг дона бракон фойдали хашорати, эрталаб соат 5.00 – 8.00 оралиқда ёки кечки соат 17.00-20.00 оралиқда экин майдони бўйлаб учуриб чиқилади.

Оқ жўхорида 5-6 та барглари ҳосил бўлганда эгат олиш билан биргаликда гектарига 150-180 кг карбамид ёки 250-300 кг аммиакли селитра солиниб, биринчи суғориш 1000 м³ ҳисобида ўтказилади. Таркибида магний, бор, рух, мис, темир ва ҳ.к. микроэлементлари бор ўғитларни суспензия қилиб баргидан озиклантирилса ўсимлик илдиз қисми яхши ривожланади, патак илдизлар қўп ҳосил бўлади, барг пластинкалари қалинлаши ҳисобига қурғоқчиликдан сақланиб қолади ва яшил масса ҳосилдорлиги 30-40% га ошади. Пояда 8-10 та барг бўлганда иккинчи култивация қилинади ва иккинчи маротаба 150-180 кг карбамид ёки 250-300 кг аммиакли селитра билан озиклантирилади ҳамда иккинчи марта 800 м³ ҳисобида суғорилади.

Экинни ўсув даврида суғориш билан бирга чорва ҳайвонлари ёки паранда гўнларини гўнг ўраларда яхшилаб 3-4 кун эритиб, ачитиб оқизиш орқали тупроқ намлигини узоқроқ сақланишига ва экинни қўшимча озиклантиришга эришиш мумкин.

Оқ жўхорининг рўвакларини гуллаш даврида намликни 15-20 кун мобайнида (70-75%) меъёрида сақлаб туриш учун учинчи марта суғорилади (800 м³), бу суғориш бошқа суғоришлардан

кўра узоқроқ давом этади.

Экинни бўйи 2,20-2,40 метр бўлиб, сут пишиш даврида биринчи марта яшил массага замонавий универсал “Ягуар” комбайни ва тиркамали “CELIKEL” агрегатлар билан ўриб олинади ва яшил масса ҳосилдорлиги 30,0-32,0 тонна бўлади.

Ўриб олинган экин майдони култивация қилиниб, азотли ўғит билан (100 кг/га ҳисобида) озиклантирилиб, суғорилса, ўсимликни ўрилган жойидаги бўғиндан 2-3 та ўсимлик ҳосил қилиб туплайди, экинни ўримга келиш даври 35-37 кунни ташкил этади ва яшил массага ўрилиб, иккинчи ҳосилда 15-18 тонна яшил масса етиштирилиб, чорва ҳайвонларига берилади.

Анғизли майдонларда оқ жўхори экинни тезпишар, тез ўсадиган навларини экиб, икки ўримда 45-50 тонна яшил масса ҳосилини етиштиришга эришилади, бу эса 18-21 тонна барра хашак дегани.

Кобулжан АЗИЗОВ, қ.х.ф.ф.д.(PhD), к.и.х.,

Озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси,

Рахим МИРЗАЕВ, катта ўқитувчи,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва

агротехнологиялар институти.

Омаджон ЯХШИБОВ, кичик илмий ходим,

Озуқа экинлари илмий-тажриба станцияси,

Нилуфар ХУРРАМОВА, 1-босқич магистри.

Тошкент давлат аграр университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Айрих В.А. Научные и практические основы оптимизации ресурсного потенциала сорговых культур в степной зоне Южного Урала при производстве говядины/В.А. Айрих//Автореф. На соис. Уч. Ст. д. с.-х. н. Оренбург, 2008, 40 с.
2. Амосин А. С. Сорго: трудные пути к признанию. // Ж: «Земледелие» 1990, №7 С. 18 – 21.
3. Горпиниченко С.И. Состояние и перспективы селекции сорго./ Селекция. Семеноводство. Технология возделывания зерновых и кормовых культур. / Сб. научных трудов. Волгоград, 2000. - С.30-34.
4. Иозефович Е.Д. Джугара, как концентрат для лошадей. / Соц. Наука и техника, 1935. №4. С. 17-19.
5. Калашников, А.П. Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных М., 2003. С. 446-447.
6. Метлин В.В. Сорго Сахарное 32. // Ж:Селекция и семеноводства, 1999. №2. С.38.
7. Фицев А.И., Воронкова Ф.В., Коровина Л.М. и др. Комплексная оценка различных сортов зернового сорго. // Ж: Кукуруза и сорго, 2009. № 2. С.21-24.

УЎТ: 638.27

ТАДҚИҚОТ

ТУРЛИ ПИЛЛА ПАРТИЯЛАРИДАГИ НАВСИЗ ПИЛЛАЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Annotation. This article presents the results of experimental studies to determine the proportion of off-grade cocoons in a batch of cocoons accepted by different cocoon collection points, and by the type of shell defectiveness, as well as technological indicators of off-grade unwinding cocoons.

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилганидан буён, замон ва ишлаб чиқариш талабларига кўра кўпплаб миллий стандартлар ишлаб чиқилган, ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган. Охириги йилларда эса ипакчилик маҳсулотлари учун илм-фан ютуқларига асосланган, ҳамда халқаро стандартлар талаблари билан уйғунлаштирилган бир қатор давлатлараро стандартлар ишлаб чиқилди.

Навли пиллалар учун меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилган бўлиб, нависиз пиллалар учун эса аввал ишлаб чиқилган миллий стандартнинг амал қилиш муддати тугаган. Тирик нависиз пиллаларни қабул қилишда, унга меъёрий талаблар бўлмаса, пилла партияларидан нависиз пиллалар етарлича ажратиб олинмайди. Бунинг натижасида навли пиллалар аралашмасидаги нависиз пиллалар миқдори, меъёردаги 10

фоиз ўрнига, айрим ҳолларда 25-30 фоизга етади. Мавжуд стандартларга кўра, агар навли пиллалар аралашмасида нависиз пиллалар миқдори 10 фоиздан ортса, унинг қиймати 5 фоизга камайтирилади [1]. Бу, ўз навбатида, катта иқтисодий зарарга олиб келади.

Ипакчилик соҳасининг келгусида ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига (№ ПҚ-4567, 17-январ 2020 й.) кўра, келгусида пилла етиштириш ҳажмини 1,7 баравар ошириш ва янги тутзорлар барпо қилиш кўзда тутилган. Бу мақсадни амалга оширишнинг асосий йўли пилла ҳосилдорлигини ва пилланинг сифатини яхшилашдир. Шунга кўра стандартлаштириш – ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини таъминлашнинг асосий омилларидан бири. Буларнинг ҳаммаси фан ва тех-

ника ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд стандартлар асосида янги давлатлараро стандартларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тут ипак қуртининг навсиз пиллалари учун давлатлараро стандартини ишлаб чиқишга асос бўладиган, қабул қилинган пилла партияларидаги навсиз пиллаларнинг улуши, навсиз пиллалар таркибидаги нуқсонли пиллалар миқдорини, чувиладиган навсиз пиллаларнинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган.

2017-2018 йиллардаги пилла тайёрлаш мавсумида, тажрибалар Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Чиноз ва Сирдарё вилоятининг Сирдарё туман пиллаҳоналарида ўтказилди. Бунинг учун қабул қилинаётган пилла партияларидан учтаси танлаб олинди. Бу пилла партиялари ГОСТ 31257-2004 талаблари бўйича навли, навсиз ва қорапачоқ пиллалар гуруҳига ажратилди. Бунинг учун қабул қилинган пилла партияларидан 3 қайтарилишда 1 кг дан пилла намуналари олинди, уларнинг миқдорлари ва улушлари аниқланди. Ҳар бир гуруҳ миқдори (массаси) "Элка" русумли электрон тарозида ўлчанди. Навсиз пилла гуруҳига кирувчи нуқсонли пиллалар нуқсонларининг ўлчамлари 0,01 мм аниқликдаги штангенциркул ёрдамида аниқланди.

Навсиз чувиладиган пиллаларнинг технологик кўрсаткичлари пилла намуналарида ишлов берилиб, тўла қурилгандан сўнг КМС-10 русумли пилла чувиш дастгоҳида чуватилиб аниқланди.

1-жадвал.

Пилла партияларининг навлар таркиби, %

Т/р	Туман пиллаҳонаси	Қайтарилишлар сони	Навли пиллалар	Навсиз пиллалар	Қорапачоқ пиллалар
1	Сирдарё	1	75,5	22,0	2,5
		2	80,5	17,5	2,0
		3	79,8	17,0	3,2
		Ўртача	78,6	18,8	2,6
2	Оққўрғон	1	73,0	24,0	3,0
		2	79,5	18,0	2,5
		3	80,2	17,8	2,0
		Ўртача	77,6	19,9	2,5
3	Чиноз	1	74,5	23,0	2,5
		2	80,6	18,0	1,4
		3	80,0	17,1	2,9
		Ўртача	78,4	19,4	2,28

Турли пилла партияларидан олинган пилла намуналари-ни ГОСТ 31257-2004 талаблари бўйича навларга ажратиш бўйича натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган натижаларга кўра, қабул қилинган барча пилла партияларидаги навсиз пиллаларнинг улуши ўртача 18-20 фоиз орасида, қорапачоқ пиллалар улуши эса ўртача 2,5 фоизни ташкил этади.

Тажрибалар ўтказилган турли пиллаҳоналарда навсиз пилла турларининг тақсимланиш натижаларини таҳлил қилсак, улардаги чувиладиган пиллалар миқдори навсиз пиллаларнинг 48,6-52,5 фоизини ёки ўртача деярли ярмини ташкил этишини кўриш мумкин. Бу турдаги навсиз пиллаларни, навсиз пиллалар гуруҳидан ажратиб олиб чувалса, қўшимча хом ипак олинади ва бу катта иқтисодий самара беради.

Чувиладиган навсиз пиллалар технологик кўрсаткичларининг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан ностандарт пиллалар чуваш кўрсаткичларининг ўртачаси бўйича пилладан ипак чиқиш миқдори 28,89% эканлигини кўрамиз. Ушбу кўрсаткич ГОСТ 31256-2004 республика стандарти бўйича II-нав пиллалари учун белгиланган меъёрга (28,8%) тенг чиқди.

Чуватиладиган навсиз пилла турлари билан қиёслашга мўлжалланган ностандарт пиллаларнинг чуваш натижаларини солиштирсак, қобиқ сиртидаги даста изининг, ҳамда силлиқ ялтироқ жойининг узунлиги 15 мм дан катта бўлган пиллалардаги хом ипак чиқиш миқдори ва бошқа технологик кўрсаткичлари ностандарт пиллаларнинг кўрсаткичларидан, ҳатто, II нав пиллаларнинг меъёрий кўрсаткичидан юқори бўлганини кўрамиз.

Чуваш натижасида олинган хом ипак чиқиш миқдори кўрсаткичи, қобиқ сиртидаги доғ ёки доғларнинг умумий юзаси қобиқ юзасининг 25 фоизидан ортиқ бўлган пиллаларда 20,98 фоизга, иккала кутби ўткир учли пиллаларда 23,76 фоизга тенг бўлиб, ностандарт пиллалар кўрсаткичидан анчагина паст чиқди. Маълумки, саноатда ҳар хил навдаги пиллалар алоҳида-алоҳида чуватилмайди. Шунинг учун чуватиладиган навсиз пилла турлари биргаликда чуватилиши лозим.

Модомики, шундай экан, ўртача кўрсаткичлари умумлаштирилиб, ундаги пилладан ипак чиқиш миқдори 26,54 фоизга тенг бўлиб, ностандарт пиллалар кўрсаткичидан 2,35 фоизга кам чиққанини кўрамиз.

2-жадвал.

Чувиладиган навсиз пилла турларининг технологик кўрсаткичлари (ўртача қиймати)

Чувиладиган навсиз пилла турлари	Пиллага дастлабки ишлов бериш базаси	Хом ипак чиқиш миқдори, %	Пилла ипининг узлуксиз ўралиш узунлиги, м	Пилла қобиғининг чувалувчанлиги, %
Иккала кутби ўткир учли пиллалар	Оққўрғон	23,45	325	50,53
	Чиноз	23,75	321	51,27
Силлиқ ялтироқ жойининг узунлиги 15 мм дан катта бўлган пиллалар	Оққўрғон	29,64	474	61,90
	Чиноз	30,68	498	62,82
Қобиқ сиртидаги доғ ёки доғларнинг умумий юзаси қобиқ юзасининг 25 фоизидан ортиқ бўлган пиллалар	Оққўрғон	20,50	273	43,38
	Чиноз	20,98	282	44,08
Даста изининг узунлиги 15 мм дан катта бўлган пиллалар	Оққўрғон	30,77	560	63,75
	Чиноз	31,25	565	64,77
Ностандарт пиллалар (қиёсловчи)	Оққўрғон	25,39	471	54,83
	Чиноз	28,89	481	55,33

Бу билан ушбу турдаги навсиз пиллаларни чуватиб, ундан ипак олиб бўлмайди деган хулоса чиқариб бўлмайди. Куруқ пилла учун ГОСТ 31256-2004 республика стандарти бўйича II-навга мансуб пиллалардан ипак чиқиш миқдори 23 фоиздан кам бўлса, у ҳолда ушбу пиллаларни ностандарт деб ҳисобланишини инобатга олиб, навсиз пиллаларнинг юқорида келтирилган чуватиладиган турларини ностандарт пиллалар қаторига киритиб, уларни биргаликда чуватиб олинса ёки чуватиладиган навсиз пилла турлари нархини чуватилмайдиган навсиз пилла турлари нархидан 1,5-2 баробар юқори нархда сотилса иқтисодий жиҳатдан самарали бўлади.

Хулоса. Қорапачоқ пиллалар учун навсиз, чувалмайдиган пиллаларнинг меъёрий миқдори 2 фоиз, бегона аралашма-

ларники 0,5 фоиз, чириган пиллаларники эса 0,1 фоизгача деб белгиланди.

Навсиз тирик пиллалар учун янги стандарт лойиҳасида бегона аралашмаларнинг меъёри миқдори 1,0 фоиз, кар пиллалар 0,5 фоизгача деб белгиланди.

Юқорида кўрсатилган меъёрий талаблар амал қилиш муддати тугаган эски стандартдаги кўрсаткичлардан бир-мунча юқори бўлиб, бу сифатли ипакчилик маҳсулотлари етиштиришга хизмат қилади.

Сардор УМАРОВ, т.ф.н.,

Хикматулла ДЖАББОРОВ, катта илмий ходим.

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. ГОСТ 31257-2004 "Тут ипак қуртининг тирик пиллалари. Техникавий шартлар".
2. ГОСТ 31256-2004 "Тут ипак қуртининг куруқ пиллалари. Техникавий шартлар".
3. ГОСТ 31354-2008 "Тут ипак қуртининг насли пиллалари. Техникавий шартлар".
4. ГОСТ 31308-2006 "Тут ипак қуртининг тешик пиллалари. Техникавий шартлар".
5. O'zDSt 923-2004 "Тут ипак қуртининг дурагай тухумлари. Техникавий шартлар".

УЎТ: 631.53.011.

ТАДҚИҚОТ

БОДРИНГНИНГ ИССИҚХОНАДА ЕТИШТИРИШГА МОС ПАРТЕНОКАРПИК НАВ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ

Annotation. The study, conservation and wide use of genetic resources are important for ensuring the country's food security. This article provides information on the study of variety samples suitable for greenhouse cultivation from domestic and foreign germplasm of cucumber and the identification of parthenocarp type F1 hybrids suitable for parthenocarp type as a result of phenological observations.

Барчага маълумки, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 30-40% қисми, баъзан эса 50-60% қисми навлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу маълумотларни инобатга олган ҳолда иссиқхонада етиштиришга мос нав намуналарни танлаш ва партенокарпик типдаги нав намуналарни танлаш муҳим вазифа ҳисобланиди.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Партенокарпик типдаги бодринг бошқа типдаги бодрингларга нисбатан ҳосилдор ва касалликларга чидамли ҳисобланади. Мамлакатимиз иқлим шароитига мос партенокарпик бодринг б 1 нав намуналарини танлаб олиш ва экспорт салоҳиятини ошириш долзарб вазифалардан биридир.

Тадқиқот мақсади. Бодрингнинг маҳаллий ва чет эл гермпласмасидан иссиқхонада етиштиришга мос нав намуналарини ўрганиш ва партенокарпик типдаги намуналарни ажратиш.

Тадқиқот натижалари. Бодрингнинг маҳаллий ва чет эл гермпласмасидан иссиқхонада етиштиришга мос нав намуналарини ўрганиш ва партенокарпик типдаги намуналарни ажратиш учун маҳаллий ва чет эл гермпласмасидан келтирилган 50 та нав намуна ўрганилди ҳамда кўчатдан етиштириш усулидан фойдаланилди.

Баҳорги-ёзги мавсум учун 10×10 см ли катталиқда полиэтилен қопчалар тайёрланди ва озиқа билан тўлдирилди. Озиқа аралашмасининг асосий таркибий қисм чиринди бўлиб, у аралашманинг умумий ҳажмига нисбатан 1/2 дан 2/3 қисмигача олинди ва унга чим тупроқ, компостирланган ғоваклаштирувчи материаллар (кум) қўшиб тайёрланди. [2]. Уруғларни бир вақтда униб чиқиши ва бир текис кўчат олиш учун уруғлар униб чиққунга қадар ҳарорат 27°C да сақлаб турилди. Кўчатлар

схемада ва қайтариқсиз қилиб иссиқхонага экилдди. [3].

2022 йилдаги фенологик кузатув натижаларига кўра, ниҳолларнинг униб чиқиши Самар F₁, Севинч F₁, Даяра F₁, Сардор F₁, Баҳора F₁, Шерин F₁, Дурафшон F₁, Метренг F₁, Аврора F₁, Смарт F₁, Конкур F₁, Рекорд F₁, Пиколино F₁, Инси F₁, Искандар F₁, Бебй мини F₁, Орзу F₁, Дидим F₁, Якомоз F₁, Султон F₁, Аполов F₁, Клён F₁, Аргумент F₁, Валцет F₁, Дончак F₁, Динамит F₁, Максимус F₁, Мамлюк F₁, Омар F₁, модел 4357/19 F₁, ES 2981 F₁, Булдозер F₁, Яман F₁, Сесие F₁ дурагайларида 7 кун, Кураж F₁, Спиний F₁, Феномено F₁, Модел 4363/18 F₁, Рокет F₁, Сузан F₁, Аксиня F₁, Боварец F₁, Атаман F₁, Концлер F₁, Лютый F₁ дурагайларида 10 кунда кузатилди.

Оталик гулларининг очилиши Самар F₁, Шерин F₁, Метренг F₁, Орзу F₁, Омар F₁ дурагайларида 26-29 кунда, Дурафшон F₁ дурагайида 28-31 кунда, Даяра F₁, Сардор F₁, Конкур F₁, Пиколино F₁, Искандар F₁, Спиний F₁, Дидим F₁, Феномено F₁, ES 2981 F₁, Хулиган F₁, Султон, Клён, Аксиня, Атаман, Дончак, Канслер, Лютый, Модел 4353. /19 F₁ дурагайларида оталик гулларининг очилиши 29-32 кунда, Севинч, Модел 4363/18 F₁ дурагайларида 30-33 кунда, Инси F₁, Бебй мини F₁, Кураж F₁, Баварец F₁, Максимус F₁, Мамлюк F₁ дурагайларида 31-34 кунда ва Рекорд F₁, Рокет F₁, Динамит F₁ дурагайларида 32-35 кунда кузатилди. Баҳора F₁, Аврора F₁, Смарт F₁, Модел 4358/19 F₁, ES 2981 F₁, Булдозер F₁, Яман F₁, Сесие F₁, Сузан F₁, Эзги F₁, Якомоз F₁, Аполов F₁, Аргумент F₁, Вальсет F₁ дурагайларида оталик гуллари кузатилмади.

Хулоса. Бодрингнинг маҳаллий ва чет эл гермпласмасидан келтирилган иссиқхонада етиштиришга мос ва партенокарпик типига мансуб намуналарни ажратиб олиш учун унинг 50 та нав намуналарини ўрганилди. Тадқиқотлар давомида фенологик

кузатувлар шуни кўрсатдики, Баҳора F₁, Аврора F₁, Смарт F₁, Модел 4358/19 F₁, ES 2981 F₁, Булдозер F₁, Яман F₁, Сесие F₁, Сузан F₁, Эзги F₁, Якамоз F₁, Аполов F₁, Аргумент F₁, Вальсет F₁ дурагайларида оталик гуллари кузатилмади, бу эса нав намуналарнинг партенокарпик типидagi ўсимлик эканлигидан далолат берди ҳамда ушбу нав намуналари келажакда

бодрингнинг партенокарпик типидagi нав ва дурагайларини яратишда бошланғич манба сифатида фойдаланиш учун ажратиб олинди.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Юлдуз ТЎРАБОЕВА, таянч докторант,
СПЭВАКИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Король В.Г. Преимущества выращивания партенокарпических гибридов огурца в зимних теплицах. Ж.Гавриш. №1.2004.
2. Леонова А.В. Партенокарпия и ее значение в селекции огурца. / Селекция и семеноводство овощных культур в XXI веке. М. - 2000.

УЎТ: 633/635:631.52

ТАДҚИҚОТ

ҚОВУННИНГ СЕРҲОСИЛ ВА ЭКСПОРТБОП “СУЮНЧИ-2” НАВИНИНГ БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИ

Аннотация. В статье приведены сведения о приемах выращивания оригинальных, элитных семян местных сорта дынь «Суюнчи-2» при развитии первичного семеноводства местных, высокоурожайных и экспортно-ориентировочных сорта дынь, подходящих для почвенно-климатических условий Хорезмской области.

Annotation. Abstract. The article provides information on methods of growing original, elite seeds of local melon varieties, «Suyunchi-2» when developing the primary seed production of local, high-yield and export-oriented melon varieties suitable for soil and climatic conditions of Khorezm region.

Хоразм вилоятида ўзига хос қовунчилик мактаби мавжуд бўлиб, катта майдонларда қовун етиштирилади, олинган ҳосил ички ва ташқи бозорга етказиб берилади. Сўнгги йилларда қовун мевалари ва қовун қоқилари экспортига ҳам талаб ортмоқда. Шу сабабли ҳудудда қовуннинг юқори сифатли экспортбоп навларининг уруғларига талабгорлар кўпаймоқда. Айнан ушбу ҳудудга мос, серҳосил, касалликка чидамли, транспортбоп ва экспортбоп маҳаллий қовун навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш давр талабидир.

Тадқиқотнинг мақсади. Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос, ун-шудринг касаллигига чидамли, серҳосил ва экспортбоп қовуннинг маҳаллий “Суюнчи-2” нави бирламчи уруғчилигини ташкил этиш.

Тадқиқотнинг услублари. Бирламчи уруғчиликни ҳамма тизимларида наводор уруғ етиштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида олиб борилди.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм илмий-тажриба станциясида навлараро фазовий ихота масофалари сақланган ҳолда қовуннинг ўртапишар “Суюнчи-2” нави 2,0 гектар майдонга экилиб, **бирламчи уруғчилик ишлари ташкил этилди.**

Уруғчилик пайкалидаги экинларни нав жиҳатидан тозалаш далолатномаси; апробация далолатномаси; апробатор блокноти; **оригинал ва элита уруғларга аттестат** ҳужжатлари расмийлаштирилди. Уруғлик етиштирилаётган майдонда якка танлов, 5% тиғизликда оригинал, 35% тиғизликда элита ҳамда 60% тиғизликда 1-авлодли уруғлар тайёрланди.

Тадқиқот натижалари. Институтининг Хоразм илмий-тажриба станциясида режалаштирилган қовун навининг бирламчи уруғчилик ишлари илмий асосда олиб борилди.

Қовун ўсимликларининг ўсиб ривожланиш даврида фенологик кузатув, биометрик ўлчовлар олиб борилди ҳамда ҳўжалик белгилари ва касалликка чидамлилиқ кўрсаткичлари

аниқланди.

Фенологик кузатувлар натижасига кўра, “Суюнчи-2” нави экилгандан сўнг 16 кунда униб чиқди. Оталик гуллари 36 кунда, оналик гуллари 42-кунга очилгани кузатилди. Меванинг етилиш даври 83 кунни ташкил этди.

Қовун ўсимлигининг биометрик ўлчовларига кўра асосий палак узунлиги ўртача 125,0 см. ён палаклари узунлиги 395,4 см., умумий палак узунлиги 520,4 см., ёнпалаклар сони 4,0 дона.

Навининг ҳўжалик белгилари ва касалликка чидамлилиги бўйича, мева вазни ўртача 3,4 кг. ва кичиги 2,5 каттаси 4,6 кг. этининг қалинлиги 3,8-5,0 см., таркибидаги эрувчан қуруқ модда миқдори ўртача 15,6%, энг юқори 19,0 % ун-шудринг касаллигига чидамли.

Ўсимликлар вегетация даврида, гуллаш ҳамда мевалари шаклланиш даврида нав тозалаш ишлари амалга оширилди. Бу жараёнда уруғлик майдонларда касалланган, ривождан орқада қолган ва навадан четлашган ўсимликлар олиб ташланди ва далолатнома тузилиб, расмийлаштирилди.

Уруғлик майдонда гуллаш олдида нав текшириш ишлари ўтказилди. Бунда уруғлик экинларнинг ҳолати, касаллик ва зараркундалар бор йўқлиги, агротехник тадбирларнинг ба-жарилиши ва экиннинг ҳақиқий майдони аниқланиб, ривождан орқада қолган, касалланган ўсимликлар олиб ташланди. Натижада, апробация даврига келиб уруғлик майдонда, наводор уруғ етиштириш имкониятига эга бўлинди.

Тажриба майдонида нави наводорлигини аниқлаш ва уларни ҳўжатлаштириш мақсадида апробация ишлари ўтказилиб, наводорлиги аниқланди. Бу жараён мева этлари ва уруғлари тўлиқ биологик пишган вақтда ўтказилди. Дала шароитида санамаларни уруғлик майдонлар диагонали бўйича поғонама-поғона қилиб, тенг масофаларда жойлашган нуқталардан 10 та бўлакка бўлиб, хар бир бўлақдан 50 донадан намуналар олинди. Ана шу олинган намуналардаги ўсимликлар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга нав белги-

ларига эга ва хўжалик учун қимматли бўлган ўсимликлар танлаб олинди. Иккинчи гуруҳга нав белгилари йўқ (ривожланмай ёки ўсмай қолган) ва (зарарланган) ўсимликлар ажратилди. Ҳар бир намунадаги навдан четлашган ўсимликлар сони аниқланиб, апробатор блокнотига қайд қилиниб, наводрлиги аниқланди. Апробация натижаларига биноан, уруғлик майдонлар наводрлиги юқори бўлиб, биринчи тоифа талабларига тўлиқ жавоб берди.

Олиб борилган тажрибаларимиз натижасида қовун навларини наводрлигини, ҳосилдорлиги ва бошқа хўжалик учун керакли бўлган хусусиятларини ошириш омили бўлган яккатанлов бўйича 53 дона, 6,0 кг оригинал, 42,0 кг элита ва 72,0 кг 1 репродукция, жами 120,0 кг уруғлар етиштирилди.

Хулоса. Тупроқ-иқлим шароитига мос серҳосил, касалликларга ва экстремал ноқулай шароитга чидамли навларни наводр сара уруғлари билан экиш полиз экинлари ҳосилдорлигини, ортиқча сарф-харажатсиз 20-25% га оши-

ради ва сифатли маҳсулот етиштиришни таъминлайди.

Қовун навлари иссиққа чидамли, маҳаллий шароитга мослашган, лекин, навлар узоқ муддат экилиши, шунингдек, экологик шароитларни ўзгариши, навларни бир-бири билан частишиб кетиши, мутациялар ва механик аралашилар натижасида уруғларини наводрлик кўрсаткичларини ва софлиги пасайишига сабаб бўлмоқда. Бунинг учун уруғчиликда навлараро изоляцияга, нав софлигига эътибор бериш керак.

Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос қовуннинг серҳосил ва экспортбоп “Суюнчи-2” навидан тайёрланган оригинал ва элита уруғлар, уруғчиликка ихтисослашган хўжаликларга бирламчи манба сифатида, репродукция уруғлар фермер-деҳқон хўжаликларига маҳсулот олиш учун етказиб берилади.

Мастура ҲАЛИМОВА,

қ.х.ф.н., катта илмий ходим,
СПЭВАКИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Хакимов Р.А. ва бошқалар. Сабзавот ва полиз экинларининг элита уруғларини етиштириш бўйича қўлланма. Тошкент. 2020 й.

2. Хакимов Р.А. ва бошқалар. Сабзавот, полиз экинлари уруғларига бўлган талаблар, меъёрлари ва апробация қилиш бўйича қўлланма. Тошкент. 2008 й.

УОТ: 626.87+631/633.11

ТАДҚИҚОТ

SOZ TUPROQLARDA BUG'DOYNING “DAVR” NAVINI PARVARISHLASHDA MAQBUL SUG'ORISH REJIMINI ANIQLASH (FARG'ONA VILOYATI MISOLIDA)

Аннотация: Выращивание сорта озимой пшеницы “Давр” на земельном участке фермерского хозяйства “Мирзоалим Фархад” Ферганского района Ферганской области на основе поддержания оптимального режима орошения, повышения плодородия каменистых и щебнистых почв с низким плодородие почвы и достижение высоких урожаев пшеницы.

Annotation: Cultivation of “Davir” variety of winter wheat on the land area of “Mirzoolim Farxad” farm, Fargona district, Fargona region, on the basis of maintaining an optimal irrigation regime, improving the fertility of stony and gravelly soils with low soil fertility, and achieving a high yield of wheat.

Kuzgi bug'doy eng qadimgi o'simliklardan biri hisoblanadi. U Misrda eramizdan 6000 yil oldin ekilgan, bu davrda Misrda sug'oriladigan dehqonchilik rivojlangan. Kavkaz ortida, Ukrainada, Yevropa va Osiyoda bug'doy eramizdan 4000 yil oldin ekilgan. Kuzgi bug'doyning kelib chiqishi va uning birinchi ekilgan mintaqalari to'g'risida aniq bir ma'lumot yo'q.

Kuzgi bug'doy kuzda ekilib, qishlab chiqqandan keyin, kelasi yili hosil beradi. O'zbekistonning barcha viloyatlarida bug'doy kuzda ekilishi kerak. Chunki ular kuzgi, qishki, bahorgi yog'ingarchiliklardan to'la foydalanadi. Bahorda erta o'sa boshlaydi. Bahorgi ekinlarga nisbatan 10-12 kunga erta pishadi, shuning uchun kuzgi bug'doyning gullash davri yozni issiq garmisel shamollariga duch kelmaydi va ular bahorgiga nisbatan yuqori (25-30%) va mutasil hosil beradi. Kuzgi bug'doy sug'oriladigan yerlarda ertaki ekinlardan bo'shagan yerlarga kelasi yili takroriy ekin sifatida ekilishi kerak. Hozirgi vaqtda O'zbekiston “Galla” ilmiy ishlab chiqarish birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan tavsiyaga ko'ra, bug'doyni o'sib turgan lekin paxtasi terib olingan g'o'za orasiga ekish usuli qo'llanilib, yaxshi samara bermoqda. Bunda resurs tejamkor texnologiya hisobiga iqtisodiy samaradorlik oshmoqda. Kuzgi bug'doy optimal muddatda sentyabr oyining

oxiri oktyabr oyining boshlarida ekilganda, ekishdan so'ng sug'oriladi. Bundan tashqari, o'sish davrida kuzgi bug'doyni uch martagacha sug'orish mumkin. Ekin birinchi marta tuplanish davrida, ikkinchi marta nay o'rash davrida va uchinchi marta boshloqlanish davrida sug'oriladi. Sug'orish me'yori tuproq muhitiga qarab, gektariga 700-800 m³ dan 1000-1200 m³/ga ni tashkil etadi. Kuzgi bug'doy ekish davrida qoldirilgan egatlar orqali termost sug'orish tizimi orqali sug'oriladi. Bu usul eng yaxshi usul hisoblanib, suv tejab sarflanadi. Yer betida qatqaloq hosil bo'lmaydi va suv bir tekisda taqsimlanadi.

Respublikamizda sug'orish suvlari taqchilligi sharoitida kuzgi bug'doydan yuqori va sifatli hosil yetishtirishda suv resurslarini tejovchi texnologiyalar qo'llash eng muhim va dolzarb vazifa hisoblanadi. Suvni tejash texnologiyalaridan termost sug'orish tizimidan foydalanish hozirgi kunda eng maqbul sug'orish usullaridan biri bo'lib qolmoqda. Dala sharoitida har bir tomchi suvni tejash, ekinlarga kerakli miqdorda va o'z vaqtida, dalada suv yo'qolishining oldini olish, ya'ni suv yo'qotilishini kamaytirish bo'yicha yechimlar qo'llash va suvning har tomchisidan ko'proq hosil olish imkonini yaratishdan iborat. Ushbu fikrlardan kelib chiqib biz Farg'ona viloyati o'tloqi-soz tuproqlari sharoitida “Davir”

navini sug'orish tartiblari va ma'dan o'g'itlar me'yorini don va somon hosiliga ta'sirini 2021-2022 yillar davomida o'rgandik. Izlanishlar dala sharoitida Farg'ona viloyati Farg'ona tumanida joylashgan don yetishtirishga mo'ljallangan "Saidolim farhod" fermer xo'jaligiga qarashli yer maydonida olib borildi. Tajriba 4 ta variantda 4 takrorlanishda, 1 yarusli joylashtirildi. Bo'linmalarning eni 4,8 m², uzunligi 50 m, umumiy maydoni 7680m² ni tashkil etdi. Tuproqning sug'orish oldi haqiqiy namligi oddiy usul, ya'ni termostat tarozida va vlogomer yordamida aniqlandi.

Kuzgi bug'doy urug'larining dala unuvchanligi va rivojlanishi harorat, tuproqdagi namlik, urug'larning ekinbop sifatleri va boshqa omillarga bog'liq holda o'zgaradi. Olib borilgan tadqiqotimizda kuzgi "Davri" navli bug'doy ekilgan variantlarimiz o'rtasida, urug'ning unib chiqishi va o'sib rivojlanish muddatlaridagi farqni aniqlash uchun fenologik kuzatuvlar olib borildi. Tuproq namliklari nazariy jixatdan CHDNS ga nisbatan 60-70-60% qilib belgilangan variantlarda (kuzgi bug'doyning sug'orish tartiblaridan qat'iy nazar birinchi suvda tuproqning 0-50 smli qatlamidagi namlik hisobga olindi) haqiqatda tuproq namliklari 0-50 smda 66% ni tashkil qildi. 4- sug'orishda bu ko'rsatkich 65% ni, 5-suvda esa, 61 % ni tashkil etdi. 5- sug'orishda kuzgi bug'doy mum pishish davrida edi. 6-suvda esa 58% ni tashkil etdi. Bu davr kuzgi bug'doyning to'liq pishish davriga to'g'ri keldi. Tuproqning 0-70 sm da 4-sug'orishda 64% ni tashkil qildi. 5-suvda esa, 60%ni, 6-suvda 57% bo'lgani kuzatildi. Tuproqning 0-70 sm da 4-sug'orishda 64% ni tashkil qildi. 5-suvda esa, 60%ni, 6-suvda 57% bo'lgani kuzatildi. Tuproqning 0-100 sm qatlamida esa 4-suvda 63%, 5-suvda 59%, 6-suvda 56% ga to'g'ri kelganligi aniqlandi. Demak izlanishlar

davomida kuzgi bug'doyni sug'orish oldi tuproq namligi haqidagi ma'lumotlar agrotexnikaning eng muxim tadbiri uslubiy jixatdan to'g'ri olib borilganligini bildiradi.

Aytish joizki kuzgi bug'doyni sug'orish muddatlari asosan tuproqning haqiqiy namligiga bog'liq bo'lib, ob-havoning kelishiga qarab o'zgarib turadi. 2021-2022 yilgi sharoitlarda kuzgi bug'doyga uchinchi sug'orish muddati 26 fevralga (2022) to'g'ri keldi. Bunda sug'orish tuproq namligi CHDNS dan 70-80-70% bo'lgan variantlarda amalga oshirildi. Bu va boshqa variantlarda kuzgi bug'doyni rivojlanishni bu davrida 0-30 smli tuproq qatlamidagi suv zahirasi hisobiga olindi.

Kuzgi bug'doyning o'sishi va rivojlanishi to'g'risidagi ma'lumotlar taxlil qilinganda, bug'doyning eng baland bo'yi 70-80-70% tuproq namligida sug'orilgan 4-bo'lakda (130 sm) qayd etilgan bo'lsa, yuqori maxsuldorlik 3-bo'lakda sug'orish 70-75-70% namlikda o'tkazilganda kuzatilib, boshqoq uzunligi 8,0-8,8 sm, 1000 dona urug' vazni 45,3-47,1 grammga, umumiy don xosili gektaridan 55,4-60,9 sentnerga teng bo'lganligi tahlil qilindi. Eng past poya balandligi tajribaning 1-bo'lagida, namlik 60-70-60% darajada ushlab turilganda sodir bo'lib, 100,7-103,2 sm ni tashkil qildi. Unda 1000 dona don vazni 402,0 g, ga boshqoq uzunligi 6,6-6,8 sm. ga, don hosili gektaridan 40,0-41,7 sentnerga teng bo'lganligi aniqlandi.

Sanoatxon ZAKIROVA,

q.x.f.d., professor,

Nadira MAMUROVA,

Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti tayanch doktoranti.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Boshqoqli don yetishtirishda klaster tizimini bosqichma-bosqich joriy etish orqali yuqori hosildorlikni ta'minlashga doir chora-tadbirlar to'g'risida"gi 2019 yil 24-sentyabrdagi 829-son qarori. Toshkent, 2019.
2. Atabayeva X.H., Azizov B.M. –"Bug'doy". "Monografiya" T. ToshDAU, 2008,. 10,5 bet.
3. Amanov A., Gafurova L., Mamadiyrov F., Qurbonov M. "Kuzgi bug'doy ekish tizimida, tuproq unumdorlik xossalari yaxshilashda, organik o'g'itlar tayyorlab qo'llash, dukkakli yem-xashak ekinlarini ekish va ularning ko'k massasini tuproqqa kiritish agrotadbirlari bo'yicha" tavsiyanoma. Toshkent-2020.

УЎТ: 631.53

ТАДҚИҚОТ

ДЕФЛЕКТОРЛИ НАСАДКАЛИ ЁМҒИРЛАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРИ

Аннотация. Мақолада ёмғирлатиб суғориш машиналарининг дефлекторли насадкаси параметрларининг сув оқими тезлиги, босими ва ёмғирлатиш жараёнида насадкада сарфланган энергияга таъсири, ҳисоби келтирилган. Ёмғирлатиш жараёнини экологик хавфсиз таъкил этиш бўйича насадканинг параметрлари таҳлил қилинган.

Аннотация. В статье представлен расчет влияния параметров дефлекторной насадки дождевальных машин на скорость потока воды, напор и энергию, затрачиваемую в насадке при поливе. Проанализированы параметры насадки для экологически безопасной организации процесса орошения.

Annotation. The article presents a calculation of the influence of the parameters of the deflector nozzle of sprinkler machines on the water flow rate, pressure and energy spent in the nozzle during irrigation. The parameters of the nozzle for the environmentally safe organization of the irrigation process are analyzed.

Дунёда тежамкор суғориш технологиялари сифатида асо-сан сунъий ёмғирлатиб суғоришдан кенг фойдаланади. Мисол учун ёмғирлатиб суғориш АҚШ да 10 млн. 900 минг гектарда , ёки жаъми экин майдонининг 56%да, Россияда 3 млн. 500 минг гектарда, жаъми экин майдонининг 78,2 % да, Исроилда 177 минг гектарда, ёки экин майдонининг 99,8 % да, Саудия Арабистонида 716 минг гектарда, мос равишда 78,1 % экин

майдонларида сунъий ёмғирлатиш усули қўлланилади. Маъ-лумки, бу усулда суғориш мамлакатимизда кам майдонларга жорий қилинган ва уни кенг жорий этиш учун ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинган.

Ёмғирлатиб суғориш усулида қисқа масофага ёмғирлатувчи дефлекторли насадкалар кенг қўлланилади. Бундай насадка-ларнинг параметрларини таҳлил этиш, технологик жараённи

назарий асослаш ёмғирлатиш қурилмаларида қўллашнинг бугунги кундаги долзарб муаммоларидандир.

Насадкадан бошлангич тезликда S_1 кесимли юзадан p_1 босим билан отилиб чиқаётган сув оқими дефлектор девори бўйлаб ҳаракатланади ва ҳавога учиш нуқтасида тезлик, S_2 кесимли юза, p_2 босим ҳосил қилади.

Дефлекторли насадканинг технологик ўлчамларини асослаш учун жисмга таъсир этаётган барча кучларнинг бажарган иши A_1 кинетик энергиянинг ΔE_k ўзгаришига тенг, яъни

$$\sum A_i = \Delta E_k \quad (1)$$

Оқим жараёнида ҳосил бўладиган кучлар бажарган ишлар қуйидагилар:

Насадканинг 1-участкасида ҳосил бўлган кучларнинг бажарган иши:

$$A_{p1} = F_1 \Delta l_1 \cos \alpha = p_1 V_1 \quad (2)$$

2-участкада ҳосил бўлган кучларнинг бажарган иши:

$$A_{p2} = F_2 \Delta l_2 \cos \alpha = -p_2 V_2 \quad (3)$$

$$p_2 = p_1 - \Delta p$$

Гидравлик системаларда суюқлик оқимининг ишқаланиш туфайли гидродинамик йўқотиши Дарси-Вейсбах формуласи билан аниқланади.

Дефлекторли насадкадан отилиб чиқаётган сув оқими бир томондан дефлектор девори билан, иккинчи томондан атмосфера босимидаги ҳаво қатлами билан таъсирлашади. Сув томчиси дефлектор девори билан мунтазам таъсирлашиши учун шартли равишда қуйидаги

$$\vec{F}_{жк} > \vec{G} \quad \text{шарт бўйича} \quad \vartheta > \sqrt{\frac{2\rho_c d g}{3C_x \rho_m}} \quad (5)$$

бу $\vec{F}_{жк}$ сув томчисини дефлектор девори билан таъсирлашини таъминловчи қаршилик кучи, $\vec{G}$ — оғирлик кучи. (5) тенгламадаги ρ_c , C_x , ρ_m катталиклар ўзгармас қийматга эга. (5) ифодадаги d сув томчисининг турли қийматларида (5) шартининг бажарилиши ҳисоби 1-расмдаги графикда келтирилган.



1-расм. (5) шартнинг бажарилиши учун сув томчисининг диаметрига мос тезлигини ўзгариши графиги.

Юқоридаги шартнинг бажарилишини ҳисобга олиб, сув томчиси насадка дефлекторидан узилиб, учиш тезлигининг бошлангич қиймати учун:



$$v_2 = \sqrt{v_1^2 - 2g(h_2 - h_1) - \gamma \frac{L}{\rho D} \frac{v_1^2}{\rho c}} \quad (6)$$

(6) тенглама орқали дефлекторли насадкадан отилиб чиқаётган сув оқимининг тезлигини топиш учун аввало L-гидравлик система узунлиги ва D-гидравлик система диаметрини аниқлаш зарур. Бунинг учун дефлектор юзаси формула орқали аниқланди:

$$S_{деф} = \pi n_1 n_2 - \frac{n_1 n_2}{2} \left\{ (a - a_1) - \frac{\sin(2a - 2a_1)}{2} \right\} - k (a_1 - a). \quad (7)$$

Олинган тенглама билан ҳисобланган дефлекторнинг юзасининг дефлекторнинг қиялик бурчаги α ва насадканинг

диаметрига боғлиқлиги графикда келтирилган.





Олинган дефлектор $S_{деф}$ юзасини унинг L узунлигига бўлсак айлананинг $l_{айл} = \pi D_{у}$ шартли узунлиги келиб чиқади:

$$L = \frac{D + 2k}{2 \cos \alpha}. \quad (8)$$

Сув томчиси диаметри $d = 0,5 - 3$ мм да (1) шартни бажарилиши учун $\vartheta = 2 - 3,5$ м/с бўлганда узунлик бўйича ишқаланишнинг йўқотиш коэффициенти $\gamma = \frac{68}{Re} = 0,0001213$ тенглиги келиб чиқади.

Назарий олинган формулалар ва қилинган таҳлил асосида юқорида олинган (5) тенгламани ва сув оқими босимининг гидродинамик йўқотишини қийматини ҳисоблаш мумкин. Ҳисоблаш натижалари қуйидаги графикда келтирилган.



Олинган тенгламалар дефлекторли насадкадан отилиб чиқаётган сув оқимининг бажарган ишини, унда босим ўзгаришини, шунингдек насадкадан узилиб чиқаётган сув томчисининг тезлигини аниқлаш имконини беради. Маълумки, сув томчисининг ҳавода учиши унинг бошланғич тезлигига (бизнинг ҳолатда сув оқимининг дефлекторнинг 2-участкасидаги тезлиги), учиш қиялигига боғлиқ. Шу

нуқтаи-назардан, олинган тенгламалар дефлекторли насадкали ёмғирлатиш қурилмаларининг асосий параметрларини асослашга хизмат қилади.

Зафаржон ХУДОЁРОВ,
техника фанлари номзоди, доцент.
Тошкент Давлат аграр университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Шавкат Хамраев. "Натижалар салмоқли, режалар улкан". "O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi" журналі, №1. 10-11 бет. 2022 bob: <https://web.telegram.org/da/1917eb-df24-4669-8807-6067e03a899c>.
2. Худаяров З.Ж. Сунъий ёмғирлатиш ва уни тадбиқ этишдаги муаммолар. Agro Inform. Аграр-иқтисодий, илмий-оммабоп журнал. 1 (3)/2022 йил. 69-71 бетлар.

УЎТ: 631.8:631

ТАДҚИҚОТ

АЗОТЛИ ЎЎИТЛАРНИ ҚўЛЛАШ МУДДАТ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАКРОРИЙ ЭКИЛГАН ҚАНД ЛАВЛАГИ ҚУРУҚ МОДДА ТўПЛАШИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Азотли ўғитларни қўллаш муддат ва меъёрларини такрорий экилган қанд лавлагининг қуруқ модда тўплашига таъсири ўрганилган ва хулосалар берилган.

Аннотация: Изучено влияние сроков и норм внесения азотных удобрений на накопление сухого вещества пересаженной сахарной свеклы и даны выводы.

Annotation: The influence of the timing and norms of applying nitrogen fertilizers on the accumulation of dry matter of transplanted sugar beets was studied and conclusions were given.

Бугунги кунда бутун дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш долзарб бўлиб турибди. Бунинг учун эса мавжуд ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириб бориш талаб қилинади. Республикамизда ҳам аҳолини керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш мақсадида жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун республикамиздаги мавжуд суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш лозим. Кузги буғдойга ажратилган суғориладиган майдонларга дон ҳосили йиғиштириб олинганидан сўнг такрорий экинларни экишга катта аҳамият қаратилмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу майдонларга такрорий экин сифатида серҳосил, саноатда қайта ишланадиган экинларни экишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда такрорий экин сифатида экиш учун республикамиз бўйича 30 дан ортиқ экинлар тавсия этилган. Қанд лавлагига ҳам шу экинлар қаторига қиради. Қанд лавлагига ўсимлиги серҳосиллиги, саноатда қайта ишланиши, чорва ҳайвонлари учун тўйимли, ширали озуқадири бўлиши унга бўлган талабни кучайтиради.

Дунёнинг қанд ишлаб чиқариш саноатида ишлатиладиган экинлар орасида қанд лавлагига шакарқамишдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам қанд лавлагига дунё бўйича катта майдонларга экилиб келинади. Унинг ҳосилдорлигини ошириш, касаллик ва зараркундаларга чидамли навларини яратиш, улар учун инновацион агротехнологияларни ишлаб чиқариш борасида жуда кўп олимлар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

И.В.Чечеткина, М.И.Гулякалар [6; 21-22-б.] ва А.Х.Куликова ва бошқалар [2; 22-26-б.] фикрига кўра, қанд лавлагини енгил ва ўртача оғир қумоқли тупроқларда гўнг қўлланилганда азотли ўғитларни меъёрини 120 кг/гадан ошириб бўлмайди. Шунда ундаги қуруқ моддаларни тўпланиши ортиб, бир гектар ердан қанд чиқиш миқдорини 10,2 т/га бўлишини

таъминлайди.

И.Ж.Сулаймонов ва Д.Т.Эргашевлар [5; 23-25-б.] маълумотига кўра, қанд лавлагига экинни учун энг муҳими азотли ўғитларнинг шакллари дидир. Қанд лавлагига азотли ўғитлардан аммоний селитрасини гектарига 200 кг/га қўллаш натижасида ўсимликни тупроқдан азотни ўзлаштириши 152,0-166,4 кг/га гача етиб, ўсимликда қуруқ моддани ортишига олиб келган.

О.А.Минакова ва бошқаларнинг [4; 14-18-б.] фикрига кўра, қанд лавлагига илдизмева ҳосилдорлиги себarga билан алмашлаб эканга қараганда бир йил дам олган ерга экилганда ҳосилдорлик 7,25-19,7% ортган. Айниқса, қанд лавлагига учун минерал ўғитларни $N_{135}P_{135}K_{135}$ кг/га меъёрида 25 т/га гўнг билан бирга бериш ҳосилдорликни юқори бўлишини таъминлайди.

Шулардан келиб чиқиб биз ҳам қанд лавлагига қўлланилган азотли ўғит шакл ва меъёрларини унда қуруқ модда тўпланишига таъсирини ўргандик. Бунинг учун биз тажриба тизимини қуйидагича қилиб белгилаб олдик (1-жадвал).

Унга кўра, тажрибада 11 вариант бўлиб, тўрт такрорланишда бир ярус қилиб жойлаштирилди. Битта делянканинг умумий майдони 240 м², ҳисобга олиш майдони эса 100 м² ни ташкил этгани ҳолда тажрибанинг умумий майдони 10560 м² га тўғри келган.

Дала тажрибалари ва улардаги фенологик кузатувлар (Методы полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения. Ташкент: СоюзНИХИ [3; 225-б.]), математик таҳлиллари (Доспехов Б.А. Методика полевого опыта [1; 416-б.]) услубларда олиб борилди.

Азотли ўғитларни шакл ва меъёрлари қанд лавлагига вегетацияси даврида қуруқ тўплашига катта таъсир кўрсатар экан ва буни 2-жадвалда келтирганмиз. Кузатишларимизни август ойидагисидан илдизмевадаги қуруқ модда билан баргидидаги қуруқ модда бир-бирига бироз яқин бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Тажриба тизими

№	Азотли ўғитлар шакллари	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёрлари			Хайдовдан олдин		Экишдан олдин		Яганадан сўнг	Илдишмева жадал ривожланаётганда
		N	P	K	P	K	P	N	N	N
1	Ўғитсиз	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2	Азот ўғитсиз	-	100	150	70	150	30	-	-	-
3		-	150	200	100	200	50	-	-	-
4	NaNO ₃	150	100	150	70	150	30	30	50	70
5		200	150	200	100	200	50	40	60	100
6	NH ₄ NO ₃	150	100	150	70	150	30	30	50	70
7		200	150	200	100	200	50	40	60	100
8	(NH ₄) ₂ SO ₄	150	100	150	70	150	30	30	50	70
9		200	150	200	100	200	50	40	60	100
10	CO(NH ₂) ₂	150	100	150	70	150	30	30	50	70
11		200	150	200	100	200	50	40	60	100

2-жадвал.

Масалан, тажриба вариантлари бўйича илдишмевада 3,9-7,8 г/ўсимлик бўлса, баргида 2,4-4,4 г/ўсимликни ташкил этган. энг юқори кўрсаткични азотли ўғитларни 200 кг/га қилиб карбамид шаклида берилган вариантда кузатилган бўлиб, у 12,2 г/ўсимликни ташкил этган.

Ўсимлик вегетациясининг кейинги ойдаги кузатишларда вариантлар орасидаги фарқ янада яққалроқ кўринди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кейинги ойда куруқ модда тўпланиши 12-15 баробарга ортиб, 34,8-77,4 г/ўсимликни ташкил этган. Олинган маълумотларга кўра, энг яхши кўрсаткичларни азотли ўғитларни карбамид шаклидаги 77,8; аммоний нитрат шаклидаги 73,2 ва натрий нитрат шаклидаги 69,5 г/ўсимликни ташкил этган.

Ўсимликда куруқ модда тўпланишини октябрь ойидаги кузатишлар кўрсатишича, ўсимликни барглари биологик тўкилишига қарамай илдишмева жадал ўсиб-ривожланганлиги учун куруқ модда тўпланиши ҳам ортганлигини кўришимиз мумкин. Минерал ўғитлар умуман берилмаган 1-вариантда битта ўсимликни куруқ модда миқдори ўртача 66,5 г бўлган бўлса, фосфорли ва калийли ўғитлар фонида ($P_{150}K_{200}$ кг/га) азотли ўғитлар берилмаган вариантда у 76,5 г/ўсимликни ташкил этган. Шу ўғит фонида азотли ўғитларни 150 кг/га қилиб берилган ва карбамид шаклидаги ўғит берилган 10-вариантда у 100,6 г/ўсимлик, анноний нитрат шаклида 93,6 ва натрий нитрат шаклида эса 89,3 г/ўсимликни ташкил этган. азотли ўғитлар меъёрини 200 кг/га қилиб белгиланганда ҳам шу вариантларда сезиларли юқори бўлиб, мос равишда 107,9;

Қанд лавлагиди куруқ модда тўпланишига азотли ўғит шакллари ва меъёрларининг таъсири, г/ўсимлик ҳисобида, 2017-2019 й.

вариант	август			сентябрь			октябрь		
	Илдиш мева	барг	жаъми	Илдиш мева	барг	жаъми	Илдиш мева	барг	жаъми
1	3.9	2.4	6,3	20.3	14.5	34,8	48.6	17.9	66,5
2	4.6	2.7	7,3	24.6	17.2	41,8	56.2	20.3	76,5
3	5.2	3.2	8,4	27.8	19.3	47,1	59.8	22.3	82,1
4	5.9	3.5	9,4	33.7	23.7	57,4	64.7	24.6	89,3
5	7.5	3.9	11,4	39.8	29.7	69,5	70.2	32.4	102,6
6	6.2	3.6	9,8	34.9	25.2	60,1	65.7	27.9	93,6
7	7.7	4.2	11,9	42.0	31.2	73,2	69.8	36.6	106,4
8	6.0	3.3	9,3	32.2	21.8	54	59.8	24.3	84,1
9	7.2	3.6	10,8	37.6	25.6	63,2	65.4	26.2	91,6
10	6.4	3.6	10	35.6	33.1	68,7	63.9	36.7	100,6
11	7.8	4.4	12,2	40.2	37.2	77,4	67.7	40.2	107,9

106,4 ва 102,6 г/ўсимликни ташкил этган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қанд лавлаги учун азотли ўғитлардан карбамид шаклидагисидан гектарига 200 кг/га ($P_{150}K_{200}$ кг/га ўғит фонида) қилиб белгилаш куруқ моддани энг юқори 107,9 г/ўсимлик миқдорида бўлишини таъминлайди.

Иномжон СУЛАЙМОНОВ,

Дилшод ЭРГАШЕВ,

Наманган давлат университети ўқитувчилари.

АДАБИЁТЛАР

- Доспехов Б.А. Методика полевого опыта (с основами статистической обработки результатов исследований). Москва: Колос, 1979, -С 416.
- Куликова А.Х., Яшин Е.А., Кудряшов А.В. Сравнительная эффективность диатомита и минеральных удобрений при возделывании сахарной свеклы //Сахарная свекла, 2010, №4, ст. 22-26
- Методы полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения. Ташкент: СоюзНИХИ. 1973. Изд-4, -С 225 .
- Минакова О.А., Александрова Л.В., Подвигина Т.Н. Продуктивность звена севооборота и урожайность сахарной свеклы при длительном применении удобрений в ЦЧР.//Сахарная свекла, 2018 г., № 10, ст. 14-18
- Сулаймонов И.Ж., Эргашев Д.Т. Усвоение азота сахарной свеклой в зависимости от формы инормы минеральных удобрений//Сахарная свекла, 2022 г., №3, ст. 23-25.
- Чечеткина И.В., Гуляка М.И. Влияние азотных удобрений на продуктивность и качество сахарной свеклы// Сахарная свекла, №3 ст. 21-22.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ХУДУДЛАРИДА ЭЧКИЛАР ОРАСИДА АНАПЛОЦЕФАЛЯТОЗЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Аннотация. В данной статье приведено распространение аноплоцефалатозов среди коз разного возраста в горных и предгорных зонах некоторых районов Самаркандской области.

Annotation. This article shows the distribution of anoplocephalatoses among goats of different ages in the mountainous and foothill zones of some regions of the Samarkand region.

Кириш. Ҳозирги пайтгача дунё миқёсида мониезиоз қўзғатувчиларининг 12 тури, авителлиноз қўзғатувчиларининг 13 тури, тизаниезиоз қўзғатувчисининг 1 тури, тизаномоз қўзғатувчисининг ҳам 1 тури, стилезиоз қўзғатувчисининг 3 тури маълум. Уларнинг барчаси ясси чувалчанглар – Plathelminthes Schneider, 1873 типининг цестодлар – Cestoda Rudolphi, 1808 синфининг Cyclophyllidea Beneden et Braun, 1900 туркумига, ушбу туркумининг эса Anoplocephalata Skrjabin, 1933 кенжа туркумига киради.

Кейинги йиллардаги эчкилар аноплоцефалатозлари устида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари (Б. Салимов, Т.Тайлаков, 2015, 2016) эчкиларда мониезиоз *Moniezia expansa*, *Moniezia benedeni*, *Avitellina centripunctata* нардан ташқари уларнинг янги турларининг учраши аниқланмоқда. Буларнинг барчаси фанда эчкиларнинг ичак цестодозлари қўзғатувчиларининг эпизоотологияси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Текшириш услублари. Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд вилоятининг Иштихон, Қўшробод, туманлари (тоғ ва тоғолди ҳудуди) ҳудудларидаги аҳоли эчкиларида ҳамда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети “Паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш” кафедраси қошидаги илмий лабораторияда олиб борилди.

Тадқиқотда Иштихон тумани ҳудудидан 32 бош эчкилардан, Қўшробод тумани ҳудудидан 34 бош эчкилардан тезак намуналари олиниб макрогольминтоскопия усулидан кетма-кет ювиш ва Фюллеборн усули ёрдамида текширувдан ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. Самарқанд вилоятининг Иштихон, Қўшробод, туманларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги эчкиларнинг анаплоцефалатозлар билан зарарланиш даражасини ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Самарқанд вилояти шароитида эчкиларни анаплоцефалатозлар билан зарарланганлик даражаси

Т/р	Ҳайвонлар сони	Гельминт бўғинлари топилди							
		M. expansa		M. benedeni		Th. giardi		A. centripunctata	
		сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи
1	32 бош эчки	5	15,6	6	18,7	2	6,2	2	6,2
2	34 бош эчки	6	17,6	7	20,5	1	2,9	3	8,8
3	Жами 66 бош	11	16,6	13	19,6	3	4,5	5	7,5

Жадвалдан кўриниб турибдики, Иштихон туманининг тоғли ҳудудлари аҳоли эчкиларининг тезаклари йиғиб олиниб гельминтокопрологик текширув усулларида кетма-кет ювиш ва

Фюллеборн усулларида текширилганда 32 бош эчкиларнинг 5 бошида *Moniezia expansa* бўғинлари топилди, зарарланиш даражаси 15,6 фоизни ташкил этди. 6 бош эчкининг тезагида *Moniezia benedeni* бўғинлари борлиги қайд этилди, зарарланиш даражаси 18,7 фоизни ташкил этди. *Thysaniezia giardi* бўғинлари 2 бош эчкида топилди, зарарланиш даражаси 6,2 фоизни ташкил этди. *Avitellina centripunctata* бўғинлари 2 бош эчкининг тезагида топилиб гельминтлар билан зарарланиш даражаси 6,2 фоизни ташкил этди.

Қўшробод туманининг тоғли ҳудудлари аҳоли эчкиларининг тезаклари текширилганда 34 бош эчкиларнинг 4 бошида *M. expansa* бўғинлари топилди, зарарланиш даражаси 17,6 фоизни ташкил этди. 7 бош эчкининг тезагида *M. benedeni* бўғинлари борлиги қайд этилди, зарарланиш даражаси 20,5 фоизни ташкил этди. *Th. giardi* бўғинлари 1 бош эчкида топилди, зарарланиш даражаси 2,9 фоизни ташкил этди. *A. centripunctata* бўғинлари 3 бош эчкининг тезагида топилиб гельминтлар билан зарарланиш даражаси 8,8 фоизни ташкил этди.

Туманлар бўйича жами 66 бош эчкиларнинг тезак намуналари текширилганда *M. expansa*нинг бўғинлари 11 та тезак намуналарида топилди. Эчкиларнинг *M. expansa* билан зарарланиш даражаси 16,6 фоизни ташкил этди. *M. benedeni* қўзғатувчиларининг бўғинлари 13 та тезак намунасида қайд этилди, зарарланиш даражаси 19,6 фоизни ташкил этди. *Th. giardi* бўғинлари 3 бош эчкида топилди, зарарланиш даражаси 4,5 фоизни ташкил этди. *A. centripunctata* бўғинлари 10 бош эчкининг тезагида топилиб, гельминтлар билан зарарланиш даражаси 7,5 фоизни ташкил этди.

Хулоса. Самарқанд вилоятининг Иштихон, Қўшробод туманларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги эчкиларнинг анаплоцефалатозлар билан зарарланиш даражасини ўрганиш

натижалари шуни кўрсатдики, эчкилар аноплоцефалатозларининг тарқалишида биринчи ўринда *Moniezia benedeni* 19,6 фоиз, иккинчи ўринда *Moniezia expansa* 16,6 фоиз, учинчи ўринда *Avitellina centripunctata* 7,5 фоиз, тўртинчи ўринда *Thysaniezia giardi* 4,5 фоизда тарқалганлиги аниқланди.

Худайназар ЮНУСОВ,
б.ф.д., профессор,
Толип ТАЙЛАКОВ,
в.ф.н., доцент,

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Б.Салимов., Тайлоков., Қурбонов Ш. О распространении кишечных цестод овец и крупного рогатого скота в условиях Узбекистана. // “Regional innovation systems in agriculture” СамҚХИ 2015.С.294.
2. Б.Салимов., Тайлоков., Қурбонов Ш. Эчкиларнинг ичак цестодозлари қўзғатувчилари тўғрисида баъзи янги маълумотлар. // “Ҳайвонлар ва паррандаларда ўта хавфли касалликларнинг тарқалиши ва уларга қарши курашиш чоралари” мавзусидаги бешинчи халқаро конференция маърузалари материаллари тўплами. ВИТИ, Самарқанд, 2016. 362-365 б.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ УЧЕТА ЗАТРАТ НА ПРОИЗВОДСТВО И ПРОДАЖНОЙ СЕБЕСТОИМОСТИ ТУРИСТСКОЙ ПРОДУКЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Annotasiya. Maqolada turizm korxonalarida xarajatlarni tasniflash, turistik mahsulot tannarxiga kiritilgan individual xarajatlarni hisoblash, turizm mahsulotlarini ishlab chiqarish va sotish xarajatlarini hisobga olishning uslubiy asoslari, shuningdek, turistik mahsulotlarni hisobdan chiqarish masalalari ko'rib chiqiladi. turizm korxonalarining bilvosita ishlab chiqarish xarajatlari, ularni turistik paketlar bo'yicha taqsimlash.

Annotation. The article considered the classification of costs at tourism enterprises, the calculation of individual costs included in the cost of tourism products, the methodological basis for accounting for production costs and the selling cost of tourism products, as well as writing off the indirect production costs of tourism enterprises, their distribution by travel packages.

Следует отметить, что структура затрат на производство и продажу туристических продуктов в стране и порядок формирования финансовых результатов по ним особо не определены. Кроме того, порядок распределения отдельных расходов туристических компаний среди туристических пакетов, которые составляют туристические продукты, не регулируются специальными нормативными актами. Они недостаточно раскрыты в действующих «Положениях о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и о порядке формирования финансовых результатов», а также в учебниках и учебных пособиях, опубликованных учеными страны. [1]

Применение данной процедуры для классификации затрат на туристических предприятиях позволяет им правильно формировать себестоимость туристических продуктов, правильно рассчитывать уплачиваемые налоги.

Например, все прямые производственные расходы отражаются в счете 2010 г. «Основное производство», все косвенные расходы в деятельность местных туроператоров в некоторых компаниях учитываются непосредственно в вышеуказанном счете, [2] а в некоторых компаниях как общепроизводственные расходы на счете 2510 «Общепроизводственные расходы». Однако для туристических предприятий общая структура основных производственных и общепроизводственных расходов конкретно не определена, поэтому они учитываются отдельно друг от друга. В практике туристических компаний чаще встречается перевод общепроизводственных расходов в стоимость одного турпродукта или турпродукта одного направления. Это свидетельствует о том, что распределение основных и общепроизводственных расходов в туристических компаниях между туристическими путевками (турпакетами), видами туристических услуг не нашло своего решения. В результате становится трудно определить, какой турпакет или турпродукт является экономически выгодным, а какой — невыгодным. [3]

Мы полагаем, что в свою очередь, суммы этих групп расходов должны определяться на основе среднего нормативного и фактического количества статей оплаты труда, материальных затрат, амортизационных отчислений, различных услуг и прочих накладных расходов. [4]

Составление внутренней сегментарной отчетности о расходах в туристических организациях по объектам (центрам) ответственности в целях управления имеет большое значение. Объектами (центрами) ответственности в туристических организациях являются турпакеты, [5] непосредственно

предоставляемые туристам в определенных направлениях. В нашей работе были предложены сегментарные отчеты, воплощающие информацию о нормативной и фактической себестоимости в разрезе каждого турпакета, а также отражающие отклонения между нормативной и фактической себестоимостью для всех турпакетов на уровне всей туристической организации, процедуры составления этих отчетов представлены на основе конкретных практических материалов. [6]

В республике до сих пор не разработан единый алгоритм определения продажной цены турпродукта. На основе предложенной нами арифметической формулы можно определить фактическую и нормативную продажную цену как отдельного турпакета, так и всех турпакетов.

Составление внутренней сегментарной отчетности о расходах в туристических организациях по объектам (центрам) ответственности в целях управления имеет большое значение. Объектами (центрами) ответственности в туристических организациях являются турпакеты, непосредственно предоставляемые туристам в определенных направлениях. Предложенные в нашей работе сегментарные отчеты воплощают информацию о нормативной и фактической себестоимости в разрезе каждого турпакета, а также отклонения между ними.

Умида САФАРОВА,
ассистент, ТГЭУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Temirkhanova M. Zh. Problems in improving the approximation to international standards for reporting financial results in travel companies. Kaluga. Economic Bulletin, 2018.
2. Zhuraevna T.M. Analysis of financial results tourism organization- World science, 2016.
3. Temirkhanova M. Zh. Features of improving accounting policies in touristic companies and national economy- Bulletin of science and practice, 2018.
4. Temirkhanova M. Zh. Improvement of reporting forms according to international standards Bulletin of science and practice, 2017.
5. Темирханова М.Ж., Бакирова М. Ш. Совершенствование бухгалтерского учета и аудита объектов интеллектуальной собственности. Н34 Научные исследования в социально-экономическом развитии 443. 2019 г.
6. Temirkhanova M. Zh. Problems in improving the approximation to international standards for reporting financial results in travel companies. Kaluga. Economic Bulletin, 59. 2018 г.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҲУҚУҚИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланиши қишлоқларни ижтимоий ривожлантириш ва деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга хизмат қилиши келтирилган.

Annotation. The article states that the sustainable development of agricultural production serves the social development of villages and the improvement of the socio-economic condition of farmers.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлаш масалалари алоҳида долзарб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида томонларнинг ҳамкорлиги ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик бошқа соҳалар қаторида, атроф-муҳит ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда замонавий ва барқарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рағбатлантириш, шунингдек, қишлоқ жамоаларининг иқтисодий фаровонлигини ошириш мақсадида қишлоқни ривожлантириш сиёсати қишлоқ хўжалиги соҳасида билим ва илгор тажриба алмашиш каби соҳаларини қамраб олади [1].

Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланишини таъминлаш жараёнида бу жараённинг бошқа иштирокчилари (давлат, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқалар) қатори деҳқончилик ҳам асосий фигура ҳисобланади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш нуқтаи назаридан деҳқоннинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги масала муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқий давлатни ривожлантириш шарти билан, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ижтимоий муносабатларнинг марказига айланади. Инсон, унинг ҳаёти ва саломатлиги, шаъни ва қадр-қиммати, дахлсизлиги ва хавфсизлиги олий ижтимоий қадрият сифатида эътироф этилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг кафолатлари давлат фаолиятининг мазмуни ва йўналишини белгилайди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тасдиқлаш ва таъминлаш давлатнинг асосий бурчидир. Ушбу қоида аҳолининг барча қатламлари фуқароларига тааллуқлидир, лекин, деҳқонлар каби ижтимоий аҳамиятга эга ва ҳимояланмаган тоифага кўпроқ тегишли бўлиши керак.

Деҳқонлар жамият ва умуман давлат учун жуда муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажарадилар, улар жамиятда устувор мавқега эга бўлиши, юксак ҳурматга сазовор бўлиши, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва амалга ошириши, хусусан, ижтимоий ҳимояда қишлоқ жойларида яшаши, таълим ва маданиятда, тиббиёт ва транспорт хизматларида тўғри меҳнат шароитлари ташкил этилиши керак [2].

Қишлоқ хўжалигида тегишли техник, касбий ва тиббий шароитлар яратилганлигини ҳисобга олган ҳолда объектив равишда мураккаб табиий-иқлим омиллари таъсирида бўлган меҳнат шароитлари жуда қийин ҳисобланади.

Бундай шароитларда деҳқонларнинг эҳтиёжлари ва ҳуқуқларини реал таъминлаш соҳасида давлатнинг ҳимоя, тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини кучайтиришнинг умумдавлат ва ижтимоий муаммоси кескин равишда пайдо бўлади.

Гап, биринчи навбатда, хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари, иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар каби ҳуқуқ ва эркинликлар ҳақида бормоқда.

Қишлоқнинг ижтимоий ривожланишини таъминламасдан, қишлоқда деҳқонлар учун ҳаёт сифати бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратмасдан, бинобарин, давлат томонидан жамиятнинг бундай қатлами ҳисобланган деҳқонларни сақлаб қолиш учун шарт-шароитларни яратмасдан туриб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳоказоларни амалга ошириш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланиши қишлоқларни ижтимоий ривожлантириш ва деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу муносабат билан деҳқон каби аграр-ҳуқуқий тоифани ўрганиш зарурати туғилади. Олимлар деҳқон деганда қишлоқда доимий яшовчи, асосий машғулоти ўз меҳнатидан, шахсан қишлоқ хўжалиги ерларидан асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ўзининг ва давлат эҳтиёжларини қондирадиган шахсни белгилашни таклиф қилмоқдалар. Шу билан бирга, жисмоний шахснинг қишлоқда яшаши ўз-ўзидан бундай инсонни қишлоқ турғуни деб ҳисоблаш имконини беради, лекин уни деҳқон деб таснифлашга имкон бермайди.

Шундай қилиб, бугунги кунга келиб деҳқоннинг ҳуқуқий мақоми аниқлаш учун етарли ҳуқуқий асос шакланган. Шу муносабат билан деҳқонларнинг айрим ҳуқуқ ва эркинликларини қонунчиликда мустаҳкамлашгина эмас, балки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланишини таъминлашда бу ҳуқуқларни рўёбга чиқаришнинг самарали механизмларини яратиш ҳам давлатлар олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

Кабыл ЯКУПОВ,

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти
2-босқич (PhD) таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Макарова Т.И. Правовые основы устойчивого развития на местном уровне. - Минск, 2010.
2. Семин А.Н., Организационно-экономический механизм поддержки сельского хозяйства региона. - М., 2004.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ 15 ЙИЛ БОШҚАРГАН АЖОЙИБ РАЎБАР

Қаҳрамон оталаридан ўрнак ва намуна олиб, улар билан доимо фахрланиб яшайдиган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди ва ўзининг эзгу мақсадларига, албатта, етади.

Шавкат Мирзиёев.

Отам, Абдулҳақ Тоиров умрлари давомида турли раҳбар лавозимларда ишлаганликлари сабабли, болалигимдан Ш.Рашидов, Н.Худойбердиев, О.Салимов, М.Мусаханов каби давлат ва жамоат арбобларининг номлари қулоғимга тез-тез чалиниб турар эди.

Вақти-соати келиб олий ўқув юртини тамомлаб, меҳнат фаолиятимни бошлаганимдан сўнг, ушбу раҳбарларнинг фақат номларини эшитиб, телевидение орқали кўришгина эмас, балки бевосита учрашиш, баъзилари билан эса бевосита мулоқот қилиш бахтига муяссар бўлдим.

1982-1985 йилларда халқ депутатлари Тошкент вилояти ижроия қўмитаси раиси Тимур Алимовнинг ёрдамчиси лавозимида ишлар эканман, ўша пайтдаги Тошкент вилояти партия қўмитаси биринчи котиби Мирза Мусаханов билан иш юзасидан кўп марта телефон ва юзма-юз мулоқотда бўлишга тўғри келди.

Ўша даврларда иш вақти соат 10.00 да бошланарди. Мен, ёрдамчи сифатида раҳбаримдан илгарироқ келиб, у-бу зарур маълумотларни тайёрлаб туришга одатланган эдим. Аниқроғи, ишга соат 8.00 га етиб келишга ҳаракат қилардим. Чунки иш вақти бошланиб-бошланмай ишхонага кўплаб одамлардан кўнғироқ бўларди.

Шундай кўнғироқлардан бири М.Мусахоновга тегишли бўлар эди.

Бу кўнғироқлар ғалла, пахта терими даврида, айниқса, кўпаяр эди.

М.Мусахонов раҳбарим билан терим қандай кетаётганлигини, “сводка”ларни муҳокама ва таҳлил қилиш билан бирга, ушбу ишларнинг янада самаралироқ бўлиши учун нима ишлар қилиш кераклиги ҳақида амалий маслаҳатлар бериб борар эди.

Вақти-вақти билан телефон орқали бўлган бундай мулоқотлардан сўнг Мирза Маҳмудович ўз хизмат машинасида вилоят ижроия қўмитаси биносининг олдида келар ва Тимур Аъзамович билан биргаликда туманма-туман юриб, дала айланишга чиқиб кетишар эди.

Аксарият ҳолларда бундай “рейд”лардан сўнг илғор туманлардаги ишлар янада жадаллашар, қолоқ туманлардаги ишлар эса ўнгланир эди.

Чиндан ҳам раҳбарларнинг ҳеч бир сафари беиз кетмас эди...

Мирза Маҳмудович лавозими бўйича халқ депутатлари Тошкент вилоят ижроия қўмитаси аъзоси этиб сайланганлиги учун, у киши имкон қадар ижроқўм мажлисларида қатнашишга ҳаракат қилар эди.

Мирза Маҳмудович қатнашадиган мажлислар ўзининг юқори савияда ўтиши билан алоҳида ажралиб турарди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Мирза Маҳмудовичнинг истаралари иссиқлиги, юзлари нурли бўлганлиги туфайлими, ҳар ҳолда мажлис ўтадиган зал ҳам одамнинг кўзига ёриқроқ,

иштирокчиларнинг кўзлари чарақлаганроқ бўлиб туюларди.

Мирза Маҳмудовичнинг раҳбарлик вақти, айтилишича, марказдан ташланган “десант”чилар олиб борган иш, тўқиб чиқарилган “ўзбек иши”, “пахта иши” кабилар даврига тўғри келди.

Бироқ, “десантчи”лар қанча уринмасин, М.Мусахоновнинг покиза номларини булғай олишмади.

1985 йил ёзида Тошкент вилоят партия қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумни М.Мусахоновнинг ўзи очди ва тегишли жараён орқали, 15 йил етакчилик қилган вилоят

раҳбарлигини, ўзининг шогирдлари бўлган Т.Алимовга топширди, мен эса ёрдамчиликини ажойиб инсон А.Саидхўжаев, кейинчалик эса катта тажрибага эга раҳбар П.Абдурахмонов раислигида давом эттирдим.

М.Мусахонов пленумдан кейин бир муддат республика Вазирлар Кенгаши раисининг маслаҳатчиси бўлиб фаолият кўрсатди.

Шуни айтиш жоизки, М.Мусахонов атоқли давлат ва жамоат арбоби, кўпларга талабчан ва меҳрибон устоз бўлишига қарамай, доимо камтарин инсонлигича қолдилар.

М.Мусахонов билан бевосита ишлаган инсонлар уни айнан шундай хотирлайди.

Бу йил Мирза Маҳмудович таваллудига 110 йил бўлади. Шу сана арафасида бу табаррук зотни эслар эканман, юқоридагилар ҳаёлимдан ўтди!

Маҳмудхон ТОИРОВ,
меҳнат фахрийси,

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.



Суратда: 25 йил Ўзбекистонга раҳбарлик қилган атоқли давлат ва жамоат арбоби Ш.Рашидов М.М.Мусахоновга давлат мукофотини топширмада (1982 й.)

ЗАБАРДАСТ ОЛИМ, КАМТАРИН ИНСОН



Ўзининг 83 ёшини қаршилайётган республикамиз ветеринария фанининг йирик намоёндаси, соҳа амалиётининг жонкуяри, ветеринария фанлари доктори, профессор Анвар Орипов ҳақида ёзиш биз шогирдларга фахр бағишлайди.

Бу забардаст олим ўзининг 65 йилдан ортиқ вақт давомидаги фаолиятини айнан ветеринария илму-фанига, тинимсиз изланиш ва янгиликлар яратишга, етук ва билимдон кадрлар тайёрлашга, илму-фан билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш каби эзгу ишларга бағишлаган. Шу жиҳатдан у том маънода ёшлар учун ибрат мактабидир.

Анвар Орипов 1939 йилнинг 18 ноябрида хизматчи оиласида туғилган, 1956 йилда ўрта мактабни имтиёзли (медаля билан) битириб, Қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетига ўқишга киради. Мазкур олийгоҳни 1961 йилда имтиёзли (қизил диплом билан) тамомлаб, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтига ишга келди ва ҳозирга қадар мазкур даргоҳда фаолият юритиб келмоқда.

1969 йилда фан номзоди, 1983 йилда фан доктори илмий даражасига, 1990 йилда профессор унвонига сазовор бўлган олим бугун ветеринария илми дарғоларидан бири десак, асло муболаға бўлмайди. Зеро, Анвар Орипович нафақат Ўзбекистон, балки Мустақил ҳамдўстлик давлатлари ва чет эл илмий жамоатчилигига ҳам кенг танилган ҳамда истеъдодли олим сифатида тан олинган.

Ватанимиз мустақиллигининг илк йилларида республикамиз учун мураккаб даврдаги (1990-1998 й.й.) унинг институт директори лавозимида фаолият кўрсатиб, илмий потенциални сақлаб қолиш ва илмий тадқиқотларни янги шароитга мослаб олиб бориш бўйича елиб-югуришлари, фидойилиги таҳсинга сазовордир.

Олим 270 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан, 7 та монография ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлиб, унинг 21 та илмий ечилмалари ихтиро деб тасдиқланган ва патент берилган. Булар устозимизнинг йиллар давомидаги сабот билан изланишлари, заҳматли меҳнатининг залворли маҳсули, албатта.

Шунингдек, ўзидаги бой билим ва тажрибаларини шогирдларидан аямайдиган, уларга бағрикенглик билан устозлик қиладиган А.Орипов 15 нафар фан номзоди ҳамда 3 нафар фан докторларини етиштирди ва шогирдлар тайёрлашда давом этмоқда.

Яна бир жиҳати, у ўз илмий фаолиятини амалиёт билан узвий боғлаган ҳолда олиб боради, фан ютуқларини ветеринария амалиётига тадбиқ этишда доимо жонбозлик кўрсатиб келади. Унинг чорва моллари гельминтозларига қарши гуруҳ усулида дегельминтизация қилиш, гельминтозларни профилактика қилишда антгельминтли туз аралашмалар, антгельминтли туз яламаларни қўллаш каби илмий ечилмалари республикамиз чорвачилик хўжаликларида кенг-қўламда қўлланилиб келинмоқда ва юқори самара бермоқда. Буни ветеринар ва чорвадорлар яхши тушунадилар.

Чунки бу услуб ва воситалар ветеринария мутахассислари ва чорвадорлар меҳнатини осонлаштириб, дегельминтизацияга сарфланадиган вақт ва харажатларни камайтиради ҳамда меҳнат унумдорлигини 30 баровар оширади. Шунинг учун профессор А.Орипов амалиётдаги ветеринария мутахассислари, умуман чорвадорларнинг ҳурматида сазовор бўлган инсондир.

Устоз ҳозир ҳам фаол илмий иш билан машғул бўлиб, самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг сўнгги йилларда олиб борган илмий тадқиқотлари натижасида гельминтозлар орасида алоҳида ўринга эга бўлган ўта хавфли касалликлар – фасциолёз ва бошқа трематодозларга қарши юқори самарали, республикамизда ишлаб чиқариладиган, қўлланишда қулай ҳамда хавфсиз бўлган воситалар – минерал ўғитлар, оддий чой содаси каби бир қатор воситалардан фойдаланиш, шу тўғрисида бу касалликларнинг олдини олиш ва тамоман йўқотиш имконини бераётир.

А.Орипов томонидан кимё фани мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган биокимёвий рағбатлантирувчи воситалар – госсипрен, микроэлементлар йиғиндисидан тузилган озучавий қўшимчалар юқори самарали бўлиб чорвадорлар учун муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз — Устозимизнинг барча шогирдлари, ҳамкасблари ва дўстлари номидан у кишига “Ҳорманг, асло чарчаманг, ҳамиша омон бўлинг, умрингиз ризку барокатларга тўла бўлсин”, деб қоламиз.

Бир гуруҳ шогирдлари.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ
ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV
Aziz VOITOV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2022-yil,
Noyabr №11.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan olindi,
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида	1
Р.СИДДИҚОВ, И.ХОШИМОВ, Т.РАХИМОВ, И.ЭГАМОВ, Н.ЮСУПОВ.	
Ғалла кишлайди, ғаллакор ишлайди	3
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ, Ш.МАХАМАДАМИНОВ. Тўқсонбости усулида сабзавот экинларини етиштириш	5
М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ТЎХТАҚЎЗИЕВ. Кузги шудгор – ерга мадор	7
“Долзарб 40 кунлик”да сувчилар ҳам фаол	8
М.МУҲАМЕДОВА. “Tomchi” ахборотлари — энг қулай, тезкор ва ишончли	9
Қатралардан келаётган барака	10
Мавсум кўнгилдагидек яқунланди	11
Янгиликлар амалда қўлланилмоқда	12
Ҳ.СИДДИҚОВ. Камолотга интилаётган ёшлар	13
Д.УЛУҒМУРОДОВ. Чорвачилик: қоқоқ тармоқдан иктисодиётнинг драйверига айланаётган соҳа	14
Ветеринария ва чорвачилик соҳасида ўзбек-киргиз алоқаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди	16
Ш.ЖАББАРОВА. Келгуси йил ҳосили учун эътибор	17
Ш.СОДИҚОВА. Саховатли деҳқоним менинг	19
Оппок орзулар рўёби	20
Ш.НОРМУРОДОВ. Сара уруғ – юқори ҳосилдорлик омили	21
Лойиҳалар — тараққиётга замин	22
К.ЭРҒАШЕВ. От – йигитнинг йўлдоши	23
Ш.СУЙОНОВ. Ўзбек тили дилимда яшайди, тилимда куйлайди	24
Б.ҲАЙИТБОВ. Даъвогар талаби тўлиқ қондирилди	25
Ў.ЙЎЛДОШЕВ. Маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раисларининг ишончномаларни тасдиқлаш ваколати	26
С.КУЧКАРЕВА. Ўзбекистонда шолчилик соҳаси тарихи архив ҳужжатларида	27
Н.ОЧИЛДИЕВ, М.ТАДЖИЕВ. Янги илмий-тадқиқот институти фаолият бошлади	29
“O'zKlaasAgro” korxonasida 5+1 dasturi asosida dars mashg'ulotlari olib borilmoqda	30
Р.НОРМАХМАТОВ. Хурмо каротиннинг муҳим манбаидир	31
Ш.ИРНАЗАРОВ, А.ХОЛМУРОДОВА. Минерал ўғитлар меъёрларининг кузги буғдой ва анғизда етиштирилган тақрорий экинлар ҳосилдорлигига таъсири	32
К.АЗИЗОВ, Р.МИРЗАЕВ, О.ЯХШИБОВ, Н.ХУРРАМОВА. Анғизли майдонларда оқ жўҳори экинидан яшил масса етиштириш агротехнологияси	33
С.УМАРОВ, Х.ДЖАББОРОВ. Турли пилла партияларидаги навсиз пиллаларнинг технологик кўрсаткичларини тадқиқ этиш	34
Р.НИЗОМОВ, Ю.ТЎРАБОВЕВА. Бодрингнинг иссиқхонада етиштиришга мос партенокарпик нав намуналарини танлаш	36
М.ҲАЛИМОВА. Қовуннинг серҳосил ва экспортбоп “Суюнчи-2” навининг бирламчи уруғчилиги	37
S.ZAKIROVA, N.MAMUROVA. Soz tuproqlarda bug'doyning “Davr” navini parvarishlashda maqbul sug'orish rejimini aniqlash (Farg'ona viloyati misolida)	38
З.ХУДОЁЕВ. Дефлекторли насадкали ёмғирлатиш қурилмаларининг технологик параметрлари	39
И.СУЛАЙМОНОВ, Д.ЭРҒАШЕВ. Азотли ўғитларни қўллаш муддат ва меъёрларининг тақрорий экилган қанд лавлаги қуруқ модда тўплашига таъсири	41
Х.ЮНУСОВ, Т.ТАЙЛАКОВ. Самарқанд вилояти тоғ ва тоғонди ҳудудларида эчкилар орасида анаплацефалитозларнинг тарқалиши	43
У.САФАРОВА. Совершенствование методологических основ учета затрат на производство и продажной себестоимости туристской продукции в Узбекистане	44
К.ЯКУПОВ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш йўллари	45
М.ТОИРОВ. Тошкент вилоятини 15 йил бошқарган ажойиб раҳбар	46
Забардаст олим, камтарин инсон	47

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2022-yil 1-noyabr.
Bosishga ruxsat etildi: 2022-yil 1-noyabr. Qog'oz
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma
tabog'i – 5,0. Buyurtma № 20. Nusxasi 1000 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa
bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Uchtepa
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrirlar – B.ESANOV, A.TAIROV
Dizayner – U.MAMAJONOV



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz

www.chorvador.uz

АГАР СИЗ «O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» ВА «AGRO ILM» ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ:



Журналларимизга 2023 йил учун обуна бўлинг!

- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалар;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илғор тажрибалари ҳақидаги материаллар;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиролар;
- дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обунани тўғридан-тўғри
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва
“Матбуот тарқатувчи” АКнинг
жойлардаги бўлимларида,
шунингдек, таҳририятимиз орқали
расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна индекслари:
«O‘zbekiston qishloq
va suv xo‘jaligi» — 895
«Agro ilm» — 859